СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (5642).

25 ФЕВРАЛЬ
ЧОРШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 3 тийин.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1976 йил 24 февраль куни эрталаб соат 10 да Москвада Кремлнинг Съездлар Саройида КПСС-нинг навбатдаги XXV съезди ўз ишини бошлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ қисқача кириш нутқи сўзлаб съездни очди.

Делегатлар съезд президиуми, секретариати, редакцион ва мандат комиссияларини якдиллик билан сайлайдилар.

Раислик қилувчи—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. СУСЛОВ съездга коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва социалистик партияларнинг делегациялари келганлигини маълум қилади. Съезд чет эллик меҳмонларни қизғин табриклайди.

Сўнгра съезднинг кун тартиби тасдиқланади:

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари—докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ.

2. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи—докладчи ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. СИЗОВ.

3. 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари—докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. КОСИГИН.

4. Партиянинг Марказий органларини сайлаш.

Залда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммаси гулдурос, давомли қарсаклар, овация билан кутиб олган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилди.

* * *

Кечқурунги мажлисда ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади давом этди. Доклад қизғин қарсаклар билан кўп марталаб бўлиниб турди. Доклад тамом бўлганидан кейин партия XXV съездининг делегатлари ва меҳмонлари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВни гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар. Бутун мажлис аҳли гур этиб ўрнидан турадн, «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!», «Яшасин шонли ленинчи партиямиз!», «Яшасин улуғ совет халқи!» деган хитоблар янграйди.

Москва. Кремлнинг Съездлар саройида КПСС XXV съезди очилди. Суратда: съезд президиуми. (ТАСС).

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИ, 24 ФЕВРАЛЬ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди 24 февраль куни Кремлнинг Съездлар саройида тантанали вазиятда иш бошлади.

Эрталаб соат 10. Съезд делегатлари ва меҳмонлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Л. И. Брежневни**, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзолари **Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, В. В. Шчербицкий** ўртоқларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан съездга келган коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва социалистик партиялар делегацияларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари билан бирга президиум ложаларидан жой оладилар.

Леонид Ильич Брежнев залда ҳозир бўлганларга қараб бундай дейди:

Делегат ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездига 4998 делегат сайланган эди.

15 делегат узрли сабабларга кўра кела олмади.

Марказий Комитетнинг топширувига биноан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездини очиқ деб эълон қиламан.

Зал гумбазлари остида гулдурос давомли қарсаклар янграйди.

Сўнгра ўртоқ Л. И. Брежнев бундай дейди:

Ўртоқлар! Биз съезднинг раҳбар органларини — президиум, секретариат, редакцион ва мандат комиссияларини сайлашимиз лозим.

Кеча Кремлда республикалар, ўлкалар ва областлар партия ташкилотлари делегациялари вакилларининг маслаҳат мажлиси бўлди. Мажлис съезднинг раҳбар органлари составн тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқди ва съезд муҳокамасига тақдим этади. Бу таклифлар сизларнинг қўлингизга топширилган.

Делегациялар вакилларининг маслаҳат мажлиси съезд президиумини 120 кишидан иборат составда сайлашни таклиф қилади.

Делегатлар съезд президиумини бир овоздан сайлайдилар.

Сўнгра съезд секретариати, редакцион комиссияси ва мандат комиссияси бир овоздан сайланади.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов гапиради.

ЎРТОҚ М. А. СУСЛОВ НУТҚИ

Ўртоқлар! Сизларга шуни зўр мамнуният билан маълум қила оламизки. Марказий Комитетнинг таклифига мувофиқ съездимизга 96 мамлакатдан коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва социалистик партияларнинг 103 делегацияси келди. **(Қарсаклар).**

Биз шу партияларнинг раҳбар органлари бизнинг таклифимизни қабул қилганликлари учун, уларнинг бирдамликлари учун уларга астойдил миннатдорчилик билдирамиз. Партиямизнинг бундан аввал бўлиб ўтган съездларидан ҳеч бирида бунча кўп дўст делегациялар ҳозир бўлмаган эди. Бу делегациялар составида коммунистик, ишчи ва миллий озодлик ҳаракатининг таниқли арбоблари бор.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг партиямиз билан халқлар тинчлиги ва озодлиги йўлидаги, социал тараққиёт йўлидаги кураш жаҳоншумул фронти қатнашчиларининг ҳамма отрядларини маҳкам боғлаб турган ҳаётбахш интернационализм алоқалари янада кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради. **(Қарсаклар).** Ленин партияси пролетар интернационализми муқаддас байроғини баланд кўтариб келмоқда ва бундан буён ҳам доимо баланд кўтариб бораверади. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар, синфдош дўстларимиз, ва қардошларимизни, курашдаги сафдошларимизни съезд делегатлари номидан ва ҳамма совет коммунистлари номидан самимий табриклашга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Биз бу ерда ҳозир бўлган қардош социалистик мамлакатлар партияларининг делегацияларини:

ўртоқ Тодор Живков бошчилигидаги Болгария Коммунистик партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Янош Кадар бошчилигидаги Венгрия Социалистик ишчи партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Меҳнаткашлар партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Эрих Хонеккер бошчилигидаги Германия Бирлашган социалистик партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Пак Сен Чер бошчилигидаги Корея Меҳнат партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Фидель Кастро Рус бошчилигидаги Куба Коммунистик партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Юмжагийн Цеденбал бошчилигидаги Монголия Халқ-революцион партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Эдвард Герек бошчилигидаги Польша Бирлашган ишчи партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Николае Чаушеску бошчилигидаги Руминия Коммунистик партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Густав Гусак бошчилигидаги Чехословакия Коммунистлар партияси делегациясини **(қарсаклар),**

ўртоқ Стане Доланц бошчилигидаги Югославия Коммунистик союзи делегациясини **(қарсаклар)** қизғин табриклаймиз.

Шунингдек биз:

Австралия Социалистик партиясининг бош секретари ўртоқ Саймон бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Австрия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Мури бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Аргентина Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Арнедо бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Бельгия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Ван Гейт бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Боливия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Колле бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Бразилия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Престес бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Макленнан бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Венесуэла Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Фариа бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Гайана Халқ прогрессив партиясининг бош секретари ўртоқ Жаган бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Гваделупа Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Данент бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Германия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Мис бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партиясининг раиси ўртоқ Данелиус бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Гондурас Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Рамос бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Флоракис бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Дания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Есперсен бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Доминикана Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси ўртоқ Куэльо бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Вильнер бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг раиси ўртоқ Данге бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Иордания Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Зиёвуддин бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Муҳаммад бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Эрон Халқ партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Искандарий бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Ирландия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ О'Риордан бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Испания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Ибаррури бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Италия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Берлингуэр бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Канада Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Каштан бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари ўртоқ Папаиоанну бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

(Давоми тўққизинчи бетда).

СЪЕЗДНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

ПРЕЗИДИУМ

Александров А. П.
Алиев Г. А.
Амбарцумян В. А.
Андропов Ю. В.
Архипов И. В.
Аскаров А.
Ашимов Б. А.
Байбаков Н. К.
Банников Н. В.
Бодюл И. И.
Бондаренко И. А.
Бородин А. М.
Бородин П. Д.
Ботвин А. П.
Брежнев Л. И.
Ватченко А. Ф.
Викторов А. В.
Виноградов В. П.
Воропаев М. Г.
Восс А. Э.
Галкин Д. П.
Ғапуров М. Ғ.
Георгиев А. В.
Гиталов А. В.
Гончар А. Т.
Горбачев М. С.
Горшков Л. А.
Горячев Ф. С.
Гречко А. А.
Гришин В. В.
Гришкявичус П. П.
Громико А. А.
Грушецкий И. С.
Демирчян К. С.
Демичев П. Н.
Добрик В. Ф.
Долгих В. И.
Димшиц В. Э.
Епишев А. А.
Злобин Н. А.
Капитонов И. В.
Катушев К. Ф.
Качура Б. В.
Кириленко А. П.
Кириллин В. А.
Киселев Т. Я.
Клепиков М. И.
Коваленко А. В.
Коноплев Б. В.
Конотоп В. И.
Костандов Л. А.
Косигин А. Н.
Кулаков Ф. Д.
Куликов В. Г.
Куличенко Л. С.
Кунаев Д. А.
Кэбин И. Г.
Лесечко М. А.
Ломакин В. П.
Ляшко А. П.
Мазуров К. Т.
Малинина П. А.
Манякин С. И.
Марков Г. М.
Машеров П. М.
Медунов С. Ф.
Мурзенко В. Г.
Мусахонов М. М.
Наумова Н. П.
Нежданов Н. П.
Николаева—Терешкова В. В.
Новиков В. Н.
Новиков И. Т.
Нуъмонов К. (Яшин)
Нуриев З. Н.
Орлов В. П.
Патоличев Н. С.
Патон Б. Е.
Пельше А. Я.
Подгорний Н. В.
Поляков И. Е.
Полянский Д. С.
Пономарев Б. Н.
Прохоров В. И.
Расулов Ж.
Рашидов Ш. Р.
Романов Г. В.
Руднев К. Н.
Рябов Я. П.
Сизов Г. Ф.
Смирнов Л. В.
Смирнова А. В.
Соломенцев М. С.
Суслов М. А.
Табеев Ф. А.
Тихонов Н. А.
Томский Н. В.
Тяжельников Е. М.
Умарова М.
Устинов Д. Ф.
Усубалиев Т. У.
Федирко П. С.
Храмцов А. И.
Хренников Т. Н.
Христораднов Ю. Н.
Черний А. К.
Чиряев Г. И.
Чуев А. В.
Шокиров М. З.
Шаталов В. А.
Шатухина А. В.
Шеварднадзе Э. А.
Шибаев А. И.
Шиповская Н. А.
Шокин А. И.
Шолохов М. А.
Шубин В. И.
Шчербицкий В. В.
Юнак И. Х.
Яснов М. А.
Пономарев М. А.
Прибыльнов В. Я.
Смирнов Г. Л.
Толкунов Л. Н.
Трапезников С. П.
Туребаева Ж. К.
Фуряев Г. И.
Христенко В. Т.
Худойбердиев Н. Ж.

СЕКРЕТАРИАТ

Адам-Юсупов Т. Д.
Аристов Б. И.
Березин А. И.
Бадер А. П.
Всеволожский М. Н.
Гогитидзе К. А.
Греков Л. И.
Ибраимов С. И.
Игнатов В. Н.
Кандренков А. А.
Клименко И. Е.
Кулижанов Л. А.
Лебедев Н. А.
Ломоносов В. Г.
Месяц В. К.
Модогоев А. У.
Паскарь П. А.
Петровичев Н. А.
Попов Б. В.
Приезжев Н. С.
Рибак Ю. П.
Скочилов А. А.
Соколов И. З.
Сурганов Ф. А.
Федосеев П. Н.
Цибулько В. М.
Черненко К. У.
Шилов Л. А.
Якубовский И. И.

РЕДАКЦИОН КОМИССИЯ

Аксенов А. Н.
Алексеев П. Ф.
Белуха Н. А.
Воронина М. А.
Воротников В. И.
Гончаренко Б. Т.
Ермин Л. Б.
Замятин Л. М.
Зимянин М. В.
Клюев В. Г.
Козлов С. В.
Козирь П. П.
Лапин С. Г.
Лошченков Ф. И.
Марисов В. К.
Меркулов Г. А.
Никонов В. П.
Ниёзбеков С. Б.
Павлов Г. П.
Пономарев Б. Н.

МАНДАТ КОМИССИЯСИ

Авраменко С. С.
Анисимов П. П.
Антонов Н. А.
Беспалов И. П.
Богомяков Г. П.
Бородин Л. А.
Васильев Н. Ф.
Гасанова З. М.
Георгадзе М. П.
Горбачева Ж. Е.
Городовиков Б. Б.
Дригин А. С.
Евграфов Л. В.
Кабалоев Б. Е.
Қадирбоева Ф.
Капитонов И. В.
Кличев А. М.
Князев Ф. К.
Колбин Г. В.
Коновалов Н. С.
Коритков Н. Г.
Крахмалев М. К.
Круглова З. М.
Леонов П. А.
Лигачев Е. К.
Мальбахов Т. К.
Матчонов Н. М.
Микулич В. А.
Моргун Ф. Т.
Морозов И. П.
Набиев Р.
Овчаренко Т. И.
Прокопьев И. П.
Раҳимов Б. Р.
Рубэн Ю. Я.
Рибаков А. М.
Сахнюк И. И.
Сенин Н. А.
Сенькин И. И.
Сидорова Л. И.
Трунов М. П.
Умаханов М.—С. И.
Харазов В. И.
Ширшин Г. Ч.
Школьников А. М.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲИСОБОТИ ҲАМДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг 1976 йил 24 февралдаги доклади

Съезд делегатлари, ўртоқлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди шу залда ишлаган кунлардан бери орадан беш йил вақт ўтди. Фақат беш йил ўтди, холос, лекин шу вақтнинг ўзи воқеаларга жуда бой бўлди. Бу давр коммунистлар учун, бутун халқимиз учун ҳақиқатан жуда катта аҳамиятга эга воқеалар ва ишлар даври бўлди.

Жаҳоннинг ўзи худди кўз олдимизда ўзгариб бормоқда ва ўзгарганда ҳам яхшилик томон ўзгармоқда. Халқимиз, партиямиз шу ўзгаришларнинг пассив шоҳидлари эмас. Йўқ, биз шу ўзгаришларнинг актив иштирокчиларимиз. Коммунизм қураётган совет халқининг меҳнати, КПСС ва Совет давлатининг халқаро майдондаги фаолияти — мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий тараққиёт ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ахир булар билан фахрланмай бўладими. **(Қарсаклар).** Ғояларимизнинг кучини, сиёсатимизнинг таъсирчанлигини, халқимизнинг бунёдкорлик ғайратини кўриб, ниҳоят даражада мамнуният ҳиссига тўлиб-тошмай бўладими, ахир. **(Қарсаклар).**

Ўтган XXIV съезд бизнинг олдимизга принципиал характерга эга бўлган бир қанча улкан вазифаларни қўйган эди. Шу вазифалар қандай ҳал этилганлигини, қандай натижалар қўлга киритилганлигини билганимиз учун ҳам бугун биз: йўлимиз тўғри ишлаб чиқилган экан, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. **(Қарсаклар).**

Съезд омманинг аҳволини яхшилашни биринчи галдаги иш қилиб олиш керак, деган Ленин васиятига содиқ бўлиб, ички сиёсат соҳасидаги вазифани белгилар экан, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлаш керак, деб уқтирди. Бундай юксалиш томон бориш йўли ҳам кўрсатиб берилди, бу йўл — фан-техника тараққиёти негизида меҳнат унумдорлигини ўстиришни тезлаштириб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини қатъий равишда ошириш йўлидир.

Биз шу йўлдан бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда янги марраларга эришдик. Ватаннинг қудрати ўсди. Совет кишилари моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам янада фаровон яшайдиган бўлиб қолдилар. Бу эса биз учун, ҳеч сўзсиз, жуда муҳимдир. **(Қарсаклар).**

Совет жамиятининг маънавий сиёсий бирлиги, мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Социалистик демократиямиз янада ривож топди, тўлақонлироқ бўлиб қолди, бутун ижтимоий ҳаёт янги бўёқлар билан жилваланадиган бўлиб қолди. Меҳнатда, ишлаб чиқаришни бошқаришда, ижтимоий ва давлат вазифаларини ҳал этишда совет кишиларининг активлиги ошди. Халқнинг куч-ғайрати нақадар барқ уриб бораётганлигини, унинг ижодий кучлари нақадар ўсиб бораётганлигини кўришдан кўра қувончлироқ нарса бўлиши мумкинми, ахир.

Ташқи сиёсат соҳасида XXIV съезд Тинчлик программасини белгилаб берди. Бу программанинг асосий маъноси — жаҳон социализмининг куч-қудратига, жипслигига ва активлигига, унинг барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар билан мустаҳкамланиб бораётган иттифоқига таяниб, халқаро муносабатларни ривожлантиришда бурилиш бўлишига эришишдан иборат эди, «совуқ уруш»дан турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши томон бурилишдан, портлаш хавфини туғдираётган кескинликдан ўзаро манфаатли нормал ҳамкорлик томон бурилишдан иборат эди Биз улуғ Лениннинг: «уруш хавфини батамом йўқотиш тўғрисида галирмаганда ҳам лекин ҳақиқатан тинчликка олиб борадиган» қарорлар ва чора-тадбирлар мумкин қадар кўпроқ бўлсин, деб талаб қилган кўрсатмасига амал қилдик.

Кейинги беш йил ичида бу борада биз эришишга муваффақ бўлган натижалар ҳақиқатан ҳам жуда зўр аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ва қардош социалистик мамлакатларда тинч қурилишга шарт-шароитни таъминлаб бермоқ учун, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун мумкин бўлган ҳамма ишлар қилинди. Советлар мамлакатининг ташқи сиёсатини бутун дунёда кўп миллионли халқ оммаси ҳурматлаб, қўллаб-қувватламоқда. **(Қарсаклар).** Бундан буён ҳам шу сиёсатни ғайратимизга-ғайрат қўшиб давом эттираверамиз, уруш ва агрессия кучларини жиловлаб қўйишга, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга, халқларнинг эркинлик, мустақиллик ва социал тараққиётга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга ҳаракат қилаверамиз. **(Қарсаклар).**

Шундай қилиб, ўртоқлар, бундан беш йил муқаддам қабул қилинган қарорларни амалга ошира бориб кўпгина натижаларга эришдик. Биз бу натижаларга қандай қилиб эришдик? Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Гап шундаки, биз коммунистик жамият қуришдан иборат улуғ мақсад сари съезддан съездгача изчиллик билан олға бормоқдамиз. Шу мақсад яқинлашаберган сари омманинг ғайрати ҳам кучаяверади. XXIV съезд қарорларини амалга ошириш учун курашда партиямизнинг ўзи ҳам ўсиб мустаҳкамланаверди. Унинг ташкилотлари тағин ҳам жанговар, коммунистлар тағин ҳам актив, ташаббускор бўлиб қолдилар. Халқимиз партия сиёсатини чуқур тушуниб олди ва бу сиёсатни сидқидилдан ва ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлади Ўзининг ишлари билан, зарбдор меҳнат билан, умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириш билан қўллаб-қувватлади. Бунинг якунида партия билан халқнинг бирлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, навбатдаги беш йилликни ҳамма соҳаларда янги муваффақиятлар билан нишонламоқ учун шарт-шароит вужудга келтирилди.

Бизнинг календарларимизда: 1976 йил — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик тўққизинчи йили деб ёзиб қўйилган. **(Қарсаклар).** Бу шунчаки ёзиб қўйилган сўзлар эмас, Совет халқининг ҳозирги кундаги бунёдкорликлари Октябрь ишларининг бевосита давомидир. **(Қарсаклар).** Бу бунёдкорликлар улуғ Ленин ғояларининг амалда мужассамланганидир. Партиямиз бу ишга, бу ғояларга содиқ бўлиб келмоқда ва ҳамиша содиқ бўлиб қолади! **(Давомли қарсаклар).**

I.

ЖАҲОНДАГИ АҲВОЛ ВА КПССНИНГ ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТИ

1. СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ. СОЦИАЛИЗМ ДУНЁСИНИНГ ТАРИХИЙ ЮТУҚЛАРИ, УНИНГ ҚУДРАТИ ВА ТАЪСИРИ ЎСГАНЛИГИ

Ўртоқлар!

Партиямизнинг халқаро майдондаги фаолияти ҳозирги замон шароитида ниҳоят даражада кенг ва хилма-хил. Эндиликда биз ташқи сиёсатимизни шакллантиришда ер юзининг ҳар бир жойидаги аҳволни у ёки бу даражада ҳисобга олишимизга тўғри келади, десак бўлади. Лекин амалда рўёбга чиқарилаётган коммунистик идеаллар — эксплуатация ва зулмдан озод бўлиш, меҳнат аҳлларининг тўла ҳукмронлиги, социалистик демократияни ривожлантириш, кенг халқ оммасининг маданиятини гуллаб-яшнатиш ва фаровонлигини юксалтириш, барча халқлар ва миллатларнинг тенглиги ва қардошлигини таъминлаш идеаллари жаҳоннинг қайси қисмида амалда рўёбга чиқарилаётган бўлса, мана шу қисм биз коммунистларга, бизнинг ақл-идрокимизга ва қалбимизга биринчи галда яқинроқдир, албатта. Шу сабабли илгаригидек бу ҳисобот даврида ҳам партиямиз Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси социалистик давлатлар билан ўзаро муносабатларга, табиийдирки, биринчи навбатда эътибор бериб келдилар. Сиёсий бюронинг биронта мажлиси йўқки, унда биз қардош мамлакатлар билан бирликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш, муштарак халқаро позицияларимизни мустаҳкамлашга алоқадор бўлган у ёки бу хил масалаларни кўриб чиқмаган бўлсак.

Бу позициялар йил сайин мустаҳкамланмоқда. **(Қарсаклар).** Жаҳон воқеаларининг боришига социализм мамлакатлари тобора кучли, тобора чуқур таъсир ўтказаётганлигини биронта ҳам ҳолис киши инкор қилолмайди. Бу эса, ўртоқлар, умуман инсоният учун, эркинлик, тенглик, мустақиллик, тинчлик ва тараққиётни истаганларнинг ҳаммаси учун буюк бахт-саодатдир.

Ўтган беш йил — социализм мамлакатлари тўхтовсиз юксалиб борган йиллар бўлди, улар ривожланган социалистик жамият томон, коммунизм томон шаҳдам қадам ташлаб, ишонч билан олға борган йиллар бўлди. Социалистик мамлакатларда сиёсий консолидация янада кучайиб борганлиги билан бир вақтда ижтимоий ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожланиб борди, меҳнаткашларнинг моддий даражаси ва маданий савияси ошиб борди.

Ҳар бир социалистик миллатнинг равнақ топиши, социалистик давлатларнинг суверенитети мустаҳкамланиши билан бирга уларнинг бир-бири билан боғланиши ҳам тобора мустаҳкамлана беради, уларнинг сиёсатида, экономикасида, социал ҳаётида умумийлик элементлари тобора кўпаяверади, ривожланиш даражаси бир-бирига аста-секин тенглашиб бормоқда. Социализм мамлакатларининг бир-бирига аста-секин мана шундай яқинлашиш жараёни ҳозирги вақтда қонуният тариқасида аниқ ва муайян намоён бўлмоқда.

Бунда кўп нарса ҳукмрон партияларнинг сиёсатига, уларнинг бирликни асраш, маҳдудликка ва миллий айримликка қарши кураша, муштарак интернационал вазифаларни ҳисобга ола билиш, шу вазифаларни биргаликда ҳал этишни кўзлаб ҳаракат қила билиш қобилиятларига боғлиқ, албатта.

Социализм мамлакатлари бирлик, бирдамлик, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари туфайли ўтган беш йил ичида жуда катта вазифаларни ҳал этишга, узоқ вақтлар давомида курашиб амалга оширмоқчи бўлган жуда катта вазифаларни ҳал қилиб олишга муваффақ бўлдилар.

Аввало Вьетнам халқи эришган ғалабани айтиб ўтиш керак. Империализм ўзининг қуролланган қўли билан социалистик давлатни бўғиб ва миллий озодлик революциясини янчиб ташлашга уриниб кўрди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қилинган мана шу жуда катта уриниш барбод бўлди. Вьетнам халқининг қаҳрамонлиги ва фидокорлиги социализм мамлакатларининг ва бутун дунёдаги прогрессив жамоатчиликнинг бериб турган қатъий мадади билан қўшилиб интервенциячиларнинг ва кўмакчиларининг армияларидан кучлироқ бўлиб чиқди. **(Қарсаклар).** Эркинлик ва мустақиллик иши ғалаба қилди. **(Давомли қарсаклар).**

Совет кишилари Вьетнамнинг империалистик босқинчиларга қарши курашига талайгина ёрдам берганликлари билан фахрланадилар. Мустақиллик ва миллий бирликни кўп қурбонлар бериб қўлга киритган Вьетнам халқи ҳозир мамлакатни қайта тиклашдан иборат бўлган қийин вазифани ҳал этмоқда, ўзининг социалистик келажагини бунёд этмоқда. Вьетнамнинг ғалабаси бутун Жануби-Шарқий Осиёга янги уфқлар очди. Бу — шонли ғалаба бўлди. **(Қарсаклар).** Бу ғалаба халқларнинг озодлик ва социализм учун кураши тарихидан абадий жой олади. **(Давомли қарсаклар).**

Вьетнамдан сўнг Лаос ва Камбоджа озодликни қўлга киритдилар. Биз, совет кишилари, шу мамлакатларнинг коммунистларига, ватанпарварларига, барча меҳнаткашларига алангали қардошлик саломини йўллаймиз ва уларга тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда янги муваффақиятлар тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Германия Демократик Республикасининг суверенитетини ҳамма тан олганлиги, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирганлиги, Германия Демократик Республикасининг, Польшанинг, Чехословакиянинг ғарбий чегаралари бузилмас чегаралар эканлиги халқаро миқёсда таъкидланганлиги социалистик давлатлар биргаликда сарфлаган куч ва ғайратларининг жуда катта натижаси бўлди. Мюнхен диктати эндиликда юридик жиҳатдан ҳам тамомила пучга чиқарилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейин ҳам Европа халқлари олиб борган озодлик курашининг жуда муҳим якунлари мустаҳкамланди. Европада ҳам, унинг ташқарисида ҳам барқарор тинчлик ва яхши қўшничилик билан қилинадиган ҳамкорлик учун шарт-шароит вужудга келтирилди. **(Қарсаклар).**

Куба диёрида социализм мустаҳкам қарор топди. **(Қарсаклар).** Дипломатик ва иқтисодий жиҳатдан қамал қилиш сиёсатига ҳануз ёпишиб турган Америка империализми ҳар қанча зўр берса ҳам мақсадига ета олмади. Аксинча, Кубанинг халқаро аҳволи ва обрўйи мустаҳкамланди. Куба коммунистларининг съезди, партиянинг программ платформаси ва мамлакатнинг янги Конституцияси Ғарбий ярим шардаги биринчи социалистик давлат ишонч билан олға бораётганлигини кўрсатиб турибди. **(Қарсаклар).** Кубалик ўртоқларимизнинг ютуқларини кўриб қардошларча қувонмоқдамиз ва уларнинг социалистик Куба Республикасининг равнақи учун олиб бораётган курашига чин кўнгилдан тўла муваффақият тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Социализм мамлакатлари билан олиб борилаётган муносабатларда КПСС синалган қоидага: ишларни чинакам тенг ҳуқуқлилик ва бир-биримизнинг ютуқларимиздан манфаатдор бўлиш руҳида олиб бориш, фақат миллий манфаатларнигина эмас, шу билан бирга интернационал манфаатларни ҳам эсда тутиб, тегишли қарорларни ишлаб чиқиш керак, деган қоидага қатъият билан амал қилмоқда. Қандай проблема туғилмасин, бизнинг қатъий фикримиз шуки, бу проблемаларни дўстлик, бирлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш руҳида ҳал қилиш лозим. Биз қардош социалистик давлатлар билан — Болгария, Венгрия, Вьетнам, Германия Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия билан муносабатларимизни шу асосда олиб бормоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Мустаҳкам ҳамкорлигимиз асосларининг асоси, шу ҳамкорликнинг жонли руҳи, унинг йўлловчи, уюштирувчи кучи — у ҳам бўлса **социализм мамлакатлари коммунистик партияларининг бузилмас жанговар иттифоқидир**, шу партиялар дунёқарашининг бирлигидир, мақсадларининг бирлигидир, иродаларининг бирлигидир, албатта. **(Қарсаклар).** Мана шу йиллар давомида Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси шу партиялар билан қардошларча дўстликни чуқурлаштиришга, дадил айтиш мумкинки, муттасил диққат ва эътибор бериб келдилар. Зўр мамнуният билан айтиш мумкинки, қардош партиялар ҳам бизга нисбатан шундай қилмоқдалар.

Қардош партияларнинг алоқалари муштарак иш учун курашаётган минг-минглаб курашчиларнинг, социализм ва коммунизм қурувчиларнинг — партияларнинг раҳбарларидан тортиб маҳаллий партия органларининг ходимларигача, заводлар ва колхозларнинг партия ташкилотларигача, барча коммунистларнинг ҳар томонлама, систематик равишда бир-бирлари билан қилаётган алоқаларидан иборат бўлмоқдаки, бу ҳол ҳозирги кунда ғоят ажойиб манзарани ташкил этмоқда. Бу алоқалар қимматли тажриба алмашинишдан иборат бўлмоқда. Бу алоқалар ишонч билан олға боришимизга ёрдам бермоқда, муштарак кучларимизни кўпайтирмоқда. Марказий Комитет шу алоқаларни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириш партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади, деб ҳисоблайди.

Чуқур ички мамнуният ҳислари билан съездда шуни айтишим мумкинки, социалистик ҳамдўстлик компартияларининг раҳбарлари бир-бирлари билан ҳар доим алоқа қилиб турибдилар. Кейинги йилларда партиялар Марказий Комитетлари Бош секретарлари ва Биринчи секретарларининг кўп томонлама дўстона учрашувлари бир неча марта ўтказилди. Қримда учта учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашувлар партияларнинг съездлари вақтида ҳам, жумладан, бултур Будапештда ва Варшавада ўтказилди. Хам кўп томонлама, ҳам икки томонлама учрашувлар мунтазам равишда ўтказилаётганлиги пайдо бўлаётган барча катта проблемалар тўғрисида маслаҳатлашиб олишимизга, қувончимизни ҳам, ташвишимизни ҳам дегандек бир-биримизга айтиб, гаплашиб олишимизга, бундан буён олға қандай йўллар билан боришимизни биргаликда белгилаб олишимизга имкон берди.

Тўла бирлик ва самарали ҳамкорлик социалистик мамлакатлар партияларининг кўпчилиги билан муносабатларимиз учун умуман характерлидир. Маълумки, айрим партияларнинг бир қанча масалаларга доир ўзларига хос қарашлари бор, лекин социализм мамлакатларининг жипслиги ўсиб бораётганлиги, ҳеч шубҳасиз, муштарак тенденциядир. Биз бундай тенденцияни юксак даражада қадрлаймиз ва уни ривожлантиришга аввалгидек бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдамлашаверамиз. **(Қарсаклар).** Марксизм-ленинизмнинг, социалистик интернационализмнинг синалган принциплари, тенг ҳуқуқлилик ва ўртоқларча ҳамкорлик асосида қардош партияларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлаши мана шунга олиб борувчи йўлдир.

Варшава шартномасининг Сиёсий маслаҳат комитети партияларимиз ва мамлакатларимиз раҳбарлари ҳамкорлигининг муҳим формаларидан биридир. Бу шартнома тинчлик ва социализм манфаатлари учун мустаҳкам хизмат қилиб турибди. Сиёсий маслаҳат комитетининг кейинги йилларда бошлаб берган ташаббусларининг аҳамияти ҳамма учун очиқ ва равшандир. Зеро, шу ташаббусларнинг кўплари катта-катта халқаро анжуманларнинг қарорларига асос қилиб олинди ёки бир қанча муҳим икки томонлама давлатлараро актларда ўз ифодасини топди.

Биз жаҳонни бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий блокларга бўлиб қўйишга ҳам, қуролланиш пойгаларига ҳам қатъиян қаршимиз. Бизнинг бу борадаги позициямиз яхши маълум. Бироқ, очиқ ва равшан қилиб шуни айтиш зарурки, модомики НАТО блоки сақланиб қолар экан, модомики милитарист доиралар қуролланиш пойгасини ўтказаверар эканлар, бизнинг мамлакатимиз Варшава шартномасининг бошқа қатнашчилари билан бирга бу ҳарбий сиёсий иттифоқни мустаҳкамлайверади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Социализм мамлакатлари жаҳон экономикасида ҳам тобора катта роль ўйнамоқдалар. Социалистик ҳамдўстлик эндиликда жаҳондаги энг муттасил ривожланиб бораётган иқтисодий куч бўлиб қолди. Бу ҳамдўстлик таркибидаги мамлакатларнинг индустрияси ўтган беш йил ичида ривожланган мамлакатлар саноатига нисбатан тўрт баравар тезроқ ривожланиб борди. 1975 йилда ҳамдўстлигимиз мамлакатлари «умумий бозор» мамлакатларига қараганда икки баравардан зиёдроқ кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарди.

Партия Марказий Комитети социалистик давлатлар билан **иқтисодий ҳамкорлик** масалаларига, ўзаро манфаатдорлик ва социалистик интернационализм асосларида бу ҳамкорликни янада ривожлантиришга доимий диққат ва эътибор бериб келди. Бу соҳада ўтган беш йил бир талай янгилик келтирди.

1971 йилда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг бошқа мамлакатлари билан биргаликда социалистик иқтисодий интеграциясининг узоқ вақтга мўлжалланган программасини қабул қилдик. Марказий Комитет Сиёсий бюроси бу программани айниқса муҳим деб ҳисоблайди. Бу программа, ўртоқлар, социалистик мамлакатлар ҳамкорлигини савдо-сотиқни шунчаки ривожлантиришга нисбатан тағин ҳам анча юқорироқ босқичга кўтаради. Бу программа, масалан, муштарак манфаатни кўзлаб, табиий ресурсларни биргаликда ўзлаштириш, программа иштирокчиларининг ҳаммасининг эҳтиёжларини қондиришни мўлжаллаб йирик-йирик саноат комплексларини биргаликда қуриш, мамлакатларимизнинг корхоналари ва бутун-бутун саноат тармоқлари ўртасида кооперацияни кўп йилларга мўлжаллаб планлаштириб ривожлантириш программасидир. Комплекс программани бажариш йўлида қилинган ишлар шунга олиб келдики, натижада ҳозир хўжалик соҳасидаги ўзаро алоқаларимиз анча чуқурлашди, мамлакатларимиз экономикасининг бир-бирини тўлдириши ва бунинг ҳар бир мамлакат учун бераётган талайгина нафи кўпайди.

Савдо ҳам яхши суръатлар билан ривожланмоқда. Беш йил ичида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан қилинаётган товар оборотимиз икки баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳозир бу товар обороти жуда катта маблағни: йилига 26 миллиард сўмни ташкил этади.

Эришилган натижаларга таяниб, эндиликда биз олға томон яна бир қадам қўйишимиз мумкин. Муайян мақсадларга мўлжалланган узоқ муддатли программаларни ишлаб чиқиш ва бажариш кун тартибига қўйилди. Шу программаларнинг мақсади энергияга, ёқилғига, хом ашёнинг асосий турларига тез ўсиб бораётган эҳтиёжларни биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб таъминлашдан, озиқ-овқатларга ва халқ истеъмол қиладиган саноат молларига бўлган талабни тўлиқроқ қондиришдан, машинасозлик даражасини юксалтиришдан, транспортни тез ривожлантиришдан иборатдир. Булар бизнинг навбатдаги муштарак вазифаларимиздир.

Албатта, бундай катта ва янги ишда қийинчиликлар туғилмаслиги мумкин эмас. Биз Марказий Комитетнинг Пленумларида, Сиёсий бюрода бу масалаларни неча марталаб муҳокама қилдик. Бунда гап ўзаро катта иқтисодий манфаат тўғрисидагина эмас, шу билан бирга жуда зўр сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифа тўғрисида ҳам боряпти. Бунда гап ҳамдўстлигимизнинг моддий асосини мустаҳкамлаш тўғрисида боряпти. Марказий Комитет Сиёсий бюроси бу масалага худди мана шу жиҳатдан ёндошди. Биз қардош мамлакатлар коллектив бўлиб мўлжаллаб қўйган тадбирларни, улар олдида олган мажбуриятларимизни қатъият билан ва аниқ бажариш — Госпланнинг, министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг, ишнинг шу участкаси билан алоқадор бўлган ҳамма кишиларнинг муқаддас бурчи, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг ўртоқларимиз бу ишларга лозим бўлган даражада масъулият билан қарайдилар ҳамда бу ишлар социалистик ҳамдўстликнинг ҳаёти учун, жаҳон социализмининг муваффақиятлари учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини тўла тушуниб ҳаракат қиладилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Кейинги йилларда қардош мамлакатларнинг партиялари билан **идеологик ҳамкорлигимиз** анча кенгайди. Партияларимизнинг идеологик ва халқаро фаолият билан шуғулланаётган раҳбар ходимлари онда-сонда эмас, балки мунтазам равишда учрашиб турибдилар. Фанларнинг кўпгина соҳалари эндиликда социалистик мамлакатлар олимларининг коллектив куч ва ғайрати билан ривожлантирилмоқда. Оммавий информация органлари — радио, телевидение, матбуот ҳам бир-бири билан фойдали ҳамкорлик қилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси партияларимизнинг ҳар биридаги ғоявий-тарбиявий иш даражасини кўтаришга ҳамда икки социал системанинг идеологик курашида янада муваффақиятлироқ қатнашишга ёрдам бермоқда. Бу эса ҳозирги шароитда жуда муҳимдир, чунки идеологик кураш проблемалари тобора биринчи ўринга қўйилмоқда. социализм тўғрисидаги ҳақиқат эса бу курашдаги қудратли қуролдир. **(Қарсаклар).**

Ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ социализм ер юзидаги юз миллионлаб кишиларнинг фикрига ва ҳис-туйғуларига жуда катта таъсир ўтказмоқда. У меҳнат аҳлига эркинликни, чинакам демократик ҳуқуқларни, фаровонликни таъминлаб бермоқда. билимлар эшигини кенг очмоқда, келажакка мустаҳкам ишонч бахш этмоқда. Социализм тинчлик келтирмоқда, барча мамлакатларнинг суверенитетини ва давлатлараро тенг ҳуқуқли ҳамкорликни эъзозламоқда, ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бораётган халқларга таянч бўлмоқда. Эртаги кун эса социализмнинг чексиз имкониятларини, капитализмга нисбатан тарихий устунлигини кўрсатувчи, ҳеч шубҳасиз, янги далиллар келтиради. КПСС бундан буён ҳам бошқа қардош партиялар билан бирга ғолиб социализм намунаси тобора ёрқинроқ нур сочиб туриши учун ҳамма чораларни кўраверади. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Хитой билан муносабатлар масаласи алоҳида ва махсус масала бўлиб турибди, албатта. Ҳозирги Хитой раҳбарларининг сиёсати кўпчилик социалистик давлатларга очиқдан-очиқ қарши қаратилган сиёсатдир. Яна бунинг устига бу сиёсат милитаристлардан ва кескинликни юмшатишга Ғарб мамлакатларида душманлик қилаётганлардан тортиб, Жанубий Африканинг ирқчиларигача ва Чилининг фашист ҳукмдорларигача бўлган бутун дунёдаги энг ашаддий реакция позициясига бевосита қўшилиб кетмоқда. Бу сиёсат социалистик принципларга ва идеалларга бутунлай ёт бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга, аслини олганда империализмнинг социализмга қарши олиб бораётган курашидаги муҳим резерви ҳам бўлиб қолди.

Кескинликнинг юмшатилишини барбод қилиш, қуролсизланишга йўл қўймаслик давлатлар ўртасида ишончсизлик ва душманлик туғдириш мақсадида Пекиннинг зўр бериб уринаётганлиги, жаҳон уруши чиқартиришга, ўзи эса мана шу урушдан фойдаланиб қолишга интилаётганлиги барча тинчликсевар халқлар учун катта хавфдир. Пекиннинг бундай сиёсати барча халқларнинг манфаатларига ниҳоят даражада зид сиёсатдир. Уруш оловини ёқувчи бундай сиёсатга биз бундан буён ҳам зарба бераверамиз. Совет давлатининг, социалистик ҳамдўстликнинг, жаҳон коммунистик ҳаракатининг манфаатларини ҳимоя қилаверамиз. **(Давомли қарсаклар).** Маочилар идеологияси ва сиёсати марксизм-ленинизм таълимотига тўғри келмайди, деб айтиш энди кифоя қилмай қолди. Маочилар идеологияси ва сиёсати марксизм-ленинизм таълимотига бутунлай душмандир. **(Залдан «тўғри!» деган овозлар).**

Хитой билан муносабатларда бизнинг партиямиз XXIV съезд белгилаб берган йўлга қатъий амал қилмоқда. Бу йўлнинг тўғрилигини ҳаёт исботлаб берди. Биз бундан буён ҳам маоизм билан курашаверамиз, принципиал кураш ва муросасиз кураш олиб бораверамиз.

Шу билан бирга, яна уқтириб ўтмоқчиманки. бошқа мамлакатлар билан бўлгани каби Хитойга нисбатан ҳам биз тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни ва территориал бутунликни ҳурматлаш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, куч қўлланмаслик принципларига қатъий амал қилаверамиз. Хуллас, биз Хитой билан муносабатларни тинч-тотув яшаш принциплари асосида нормаллаштиришга тайёрмиз. Яна бунинг устига ишонч билан шуни айтиш мумкинки, агар Пекиндагилар ҳақиқатан марксизм-ленинизмга асосланган сиёсатга қайтсалар, социалистик мамлакатларга душманлик йўлидан воз кечсалар, социализм дунёси билан ҳамкорлик ва бирдамлик йўлига тушиб олсалар, биз ҳам шунга яраша иш қиламиз ва СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида социалистик интернационализм принципларига мос бўлиб тушадиган яхши муносабатларни ривожлантириш учун имконият очилади. Энди гап Хитойда қолди.

2. ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ. УЛАРНИНГ ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ

Ўртоқлар! Ҳисобот даврида Совет Иттифоқининг мустамлака қарамлигидан озод бўлган мамлакатлар билан ёки, ривожланаётган мамлакатлар деб ҳам аталаётган мамлакатлар билан алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланди. Айниқса муҳим нарса шу бўлдики, алоқаларимизнинг сиёсий мазмуни бойиди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ички ҳаётидаги ва халқаро сиёсатдаги жиддий силжишлар улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳеч шубҳасиз ёрдам берди.

Кейинги йилларда озодликка эришган мамлакатларнинг кўпларида рўй берган ўзгаришларнинг асосий йўналишлари нимадан иборат? Бу ўзгаришлар шуки, саноатнинг ривожланишида оғирлик маркази давлат секторига ўтказилмоқда, феодалларнинг ер эгалиги тугатилмоқда, ёш давлатлар ўз табиий ресурслари устидан самарали суверенитетни ўрнатиш, ўз кадрларини вужудга келтириш мақсадида ажнабийларнинг корхоналарини национализация қилмоқдалар. Хуллас, жаҳоннинг шу қисмида қийинчиликларга қарамай, чуқур прогрессив ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу тарихий аҳамиятга эга жараёндир, албатта.

Озодликка эришган мамлакатларнинг кўпларида синфий кучларнинг чегараланишидан иборат мураккаб жараён содир бўлмоқда, синфий кураш кучаймоқда. Бу ҳол турлича намоён бўлмоқда. Социалистик йўл тутаётган араб, Африка ва Осиё мамлакатларининг экономикасида ва сиёсий ҳаётида янги прогрессив силжишлар рўй берди. Ривожланишнинг капиталистик йўлидан бораётган мамлакатлар ҳам бор.

Социалистик мақсадларни эълон қилган, прогрессив ўзгаришлар қилаётган баъзи режимлар ва сиёсий ташкилотлар ички ва ташқи реакциянинг кучли тазйиқига дуч келдилар. Ўнг доираларнинг яқинда Индира Ганди ҳукуматига қарши қилган ҳуруржлари, Миср революциясининг социал ва сиёсий ғалабаларини қўпориш мақсадидаги уринишлар — воқеаларнинг мана шундай ривожланганлигининг намуналаридир.

Ёки Ангола Халқ Республикасини олиб кўринг. Бу прогрессив давлат дунёга келиши биланоқ унга қарши чет эл интервенцияси бошланди. Мустақил Африканинг ашаддий душманлари бўлган империализм ва Жанубий Африка ирқчилари, шунингдек уларнинг кўмакчилари бўлишдек қабиҳ ролни ўз зиммасига олганлар бу интервенцияни ташкил этдилар. Шу сабабли Анголанинг ўз мустақиллигини ҳимоя қилиш учун олиб бораётган курашини бутун дунёдаги прогрессив кучлар қўллаб-қувватлади, бу курашнинг муваффақияти эса халқларнинг озодликка интилишини ҳеч ким бука олмаслигини кўрсатувчи яна бир далил бўлиб қолди. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатлардаги мураккаб жараёнларга муносабати аниқ ва муайяндир. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашмайди. Ҳар бир халқнинг, ҳар бир мамлакатнинг ўз тараққиёт йўлини танлаб олишдан иборат муқаддас ҳуқуқини ҳурматлаш ленинча ташқи сиёсатнинг бузилмас принципидир. Лекин биз ўз қарашларимизни яширмаймиз. Ҳамма жойда бўлгани каби, ривожланаётган мамлакатларда ҳам биз тараққиёт, демократия ва миллий мустақиллик кучларининг томонини оламиз ва уларни ўз дўстларимиз ва курашдош ўртоқларимиз деб билиб, шунга яраша муомала қиламиз. **(Қарсаклар).**

Партиямиз ўз озодлиги учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватламоқда ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Бу борада Совет Иттифоқи ўзи учун ҳеч қандай манфаат кўзламайди, концессиялар олишга интилмайди, сиёсий ҳукмронлик ўрнатишга ҳаракат қилмайди, ҳарбий базалар берилишини талаб қилмайди. Биз революцион виждонимизнинг, коммунистик эътиқодларимизнинг амри билан иш қиламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳозирги дунё манзарасига кўз ташлар эканмиз, яқин-яқингача мустамлака ёки ярим мустамлака бўлиб келган давлатларнинг таъсири жиддий кучайганлигини кўрсатувчи муҳим бир ҳолатга эътибор бермасдан ўтиб бўлмайди.

Мазкур давлатларнинг кўпчилиги тўғрисида муайян равишда шуни айтиш мумкинки, улар империализмга қарши олиб бораётган курашларида ўз мустақилликларини мустаҳкамлаб қолишга, ўз халқларининг социал, иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасини кўтаришга интилиб, ўзларининг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини тобора кўпроқ куч-ғайрат билан ҳимоя қилмоқдалар

Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи сиёсати сезиларли равишда активлашди. Бу нарса кўпгина соҳаларда — қўшилмаслик ҳаракатининг сиёсий йўлида, Африка бирлиги ташкилотининг фаолиятида, ривожланаётган мамлакатлар тузган турли иқтисодий бирлашмаларнинг фаолиятида намоён бўлмоқда. Жаҳондаги синфий кучларнинг ҳозирги нисбатида озодликка эришган мамлакатлар империалистлар таҳдидига бемалол қаршилик кўрсата олишлари одилона, яъни тенг ҳуқуқли иқтисодий муносабатлар боғлашга эриша олишлари мумкинлиги эндиликда равшан бўлиб қолди. Равшан кўриниб турган бошқа яна бир нарса ҳам бор. тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун олиб борилаётган муштарак курашга шу мамлакатларнинг қўшаётган ҳиссаси ҳозирнинг ўзида ҳам анча каттадир. Бу ҳисса бундан кўра ҳам салмоқлироқ бўлиб қолиши мумкинлиги очиқ кўриниб турибди.

Биз шу съезд минбаридан туриб яна бир марта уқтириб айтамизки, Совет Иттифоқи ёш давлатларнинг қонуний интилишларини, уларнинг империалистик эксплуатациядан тамомила қутилишга, ўз миллий бойликларини ўзлари тасарруф қилишига қатъий бел боғлаганликларини тўла равишда қўллаб-қувватлайди. **(Қарсаклар).**

(Давоми учинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми).

Араб мамлакатлари билан муносабатларимиз тўғрисида гапириб ўтаман. Ўтган беш йил ичида Сурия билан ҳамжиҳатликни яхшилаб олдик Биз кўпгина халқаро проблемалар ва аввало Яқин Шарқ проблемаси борасида келишиб ҳаракат қилмоқдамиз. Ироқ билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилганлиги муҳим воқеа бўлди. Бизнинг муносабатларимиз шу шартнома асосида ривожланмоқда. Жазоир билан, Жанубий Яман билан ҳамкорлигимиз кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда. Совет-Ливия алоқаларини ривожлантириш йўлида катта қадамлар қўйилди. Фаластин озодлик ташкилоти билан дўстона алоқалар мустаҳкамланди.

Кейинги вақтларда муайян кучлар Совет-Миср муносабатларига путур етказишга зўр бериб уринмоқдалар СССРга келганда, биз бу муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган принципиал йўлга содиқ бўлиб қоламиз. Бу йўл СССР билан Миср ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномада акс эттирилган. Биз бу Шартномани фақат мамлакатларимизнинг манфаатларигагина эмас, шу билан бирга бутун араб дунёсининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушадиган муносабатларнинг узоқ муддатли негизи деб биламиз.

Бутун шу йиллар давомида Совет Иттифоқи араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб борган курашига изчиллик билан мадад бериб келди. Бизнинг мамлакатимиз агрессор қаршисида турган мамлакатларнинг—Миср, Сурия, Ироқнинг ҳарбий потенциалини мустаҳкамлашга ёрдам бериб келди ва 1973 йилги октябрь уруши ҳам очиқ кўрсатдики, мамлакатимиз уларга самарали ёрдам бериб турди. Биз арабларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ва унинг ташқарисидаги сиёсий курашини қўллаб-қувватлаб келдик.

Яқин Шарқда ҳозир уруш йўқ. Лекин у ерда тинчлик ҳам йўқ, айни чоғда осойишталик ҳам йўқ. Уруш ҳаракатларининг алангаси яна ловилламайди, деб кафил бўлишга ким ботина олади. Исроил армиялари оккупация қилинган ерлардан олиб чиқиб кетилмас экан, бундай хавф сақланиб қолаверади. Ўз ерларидан қувилган юз минглаб фаластинликлар ўзларининг қонуний ҳуқуқларидан маҳрум қилиб қўйилган ва аянчли шароитда яшаб турган эканлар ва фаластинлик араб халқи ўз миллий давлатини барпо қилиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйилган экан бундай хавф сақланиб қолаверади. Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик шу райондаги барча давлатларнинг хавфсизлигини, уларнинг мустақил бўлиб яшаш ва ривожланиш ҳуқуқини гарантиялашни ҳам талаб қилади. Худбинлик мақсадларини кўзлаб Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишни сиёсий ўйинга айлантираётганлар, ҳақиқий қарорга келиш вақтини чўзиш, ҳаттоки қатъий қарорларга келиш масаласини умуман йўққа чиқариш учун қисман сепарат келишувлардан фойдаланаётганлар нақадар жиддий масъулиятни ўз зиммаларига олаётганликлари равшан эмасмикин.

Совет Иттифоқига келганда, у принципиал ва конструктив позицияда турибди. Женева конференциясининг ҳамраиси сифатида СССР можарони ҳақиқатан бартараф қилишга қаратилган ҳаракатларнинг ҳаммасида ҳамкорлик қилишга тайёр. Биз Яқин Шарқдаги ҳамма мамлакатлар чегараларининг хавфсизлигини ва даҳлсизлигини — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ёки бошқа асосда халқаро гарантиялашда қатнашишга тайёрмиз. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, бундай гарантияларда, бизнинг фикримизча, СССР билан бир қаторда АҚШ ҳам, шунингдек Англия ва Франция ҳам қатнашишлари мумкин бўлур эди. Бундан фақат тинчлик иши ютган бўлур эди.

Биз Яқин Шарқдаги барча мамлакатлар билан муносабатларимизни ривожлантириш учун шарт-шароит вужудга келтириш тарафдоримиз. Бизда улардан биронтасига нисбатан ғараз йўқ. Ниҳоят, биз мазкур районда қуролланиш пойгасини тўхтатиш сингари проблемани ҳал этиш йўлларини топишда ҳам қатнашишга тайёрмиз. Лекин ўз-ўзидан маълумки, бу иш Яқин Шарқдаги аҳволни ялпи бартараф қилиш билан маҳкам боғлаб олиб борилиши шарт. Можарони мана шундай бартараф қилмасдан туриб, бу проблемани ҳал этиш агрессор билан унинг қурбонини бир-биридан фарқ қилмаслик бўлур эди.

Ҳисобот даврида Марказий Комитет Осиё давлатлари билан нормал муносабатларни, имкон бўлган ҳолларда эса, дўстона муносабатларни ҳам ривожлантиришга катта эътибор бериб келди.

Аввало **Ҳиндистон** билан кўп қиррали ҳамкорлигимиз тўғрисида гапириб ўтиш зарур. Бу буюк мамлакат билан дўстликка биз алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Ўтган беш йил ичида Совет-Ҳиндистон муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Мана шу қисқа муддатнинг ўзидаёқ бу шартноманинг икки томонлама алоқаларимиз учун бўлган жуда катта аҳамияти, Жанубий Осиёда ва умуман қитъанинг ўзида шу шартноманинг стабиллаштирувчи омил сифатидаги роли яққол намоён бўлди. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон Республикаси билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлайвериш бизнинг доимий йўлимиздир. Совет кишилари Ҳиндистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатига, у ердаги прогрессив кучларнинг мамлакат олдида турган қийин социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун олиб бораётган мардонавор курашига ҳайрихоҳлик билан, ҳаттоки, бирдамлик туйғулари билан қараб келмоқдалар. Биз Ҳиндистон халқига ва ҳукуматига бу курашда тўла муваффақият тилаймиз.

Воқеаларнинг бориши Совет Иттифоқининг Жанубий Осиё проблемаларига тўғри ёндошаётганлигини кўрсатди. Биз 1971 йилдаги Ҳиндистон-Покистон ҳарбий можароси тўхтатилганлигини ва ўша пайтда жаҳоннинг шу қисмидаги давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатиш томон муҳим силжишлар рўй берганлигини табрикладик. Биз бу ижобий жараёнга бир мунча кўмаклаша олганлигимизни мамнуният билан қайд қиламиз.

Умуман Осиё давлатлари билан муносабатларимиз тўғрисида гапирар эканмиз, яхши қўшнимиз Афғонистонни тилга олиб ўтиш зарур. Биз бундан ярим аср чамаси муқаддам Афғонистон билан тузилган бетарафлик ва бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома муддатини яқинда узайтирдик. Туркияни ҳам эсга олиб ўтаман, у билан асосан иқтисодий соҳада қилаётган ҳамкорлигимиз сиёсий масалалар соҳасидаги ҳамкорликка ҳам аста-секин ўтмоқда.

Совет Иттифоқи Осиё қитъасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлларини қидиришда, бу қитъада ҳам тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш йўлларини қидиришда бундан буён ҳам актив қатнашиш ниятидадир. Биз шу йўлда ҳаракат қилаверамиз, икки томонлама алоқалар боғлаш йўли билан ҳам, кўп томонлама алоқалар асосида ҳам ҳаракат қилаверамиз. Биз бу хусусдаги ўз мулоҳазаларимизни неча марталаб баён қилдик ва Осиёда мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик тўғрисида. коллектив куч ва ғайрат сарфлаб бундай мустаҳкам тинчликни, хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишни кўзлаб илгари сурилаётган ҳар қандай таклифларга диққат-эътибор билан қарашга тайёр эканлигимизни кўп марталаб уқтириб ўтдик.

Ҳисобот даврида **Африка давлатлари** билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳам бир талай ишлар қилинди. 70- йилларнинг биринчи ярмида бу китъа ерида мустамлакачилик системасини емирилишининг якунловчи босқичи авж олиб кетди. Совет коммунистлари Гвинея-Бисау ва Яшил Бурун ороллари, Мозамбик ва Ангола халқларининг мустақиллик учун олиб борган кўп йиллик қаҳрамонона курашини якунлаб берган ғалабасини қизғин табриклайдилар. КПСС шу халқлар билан ҳамиша бирдам бўлиб келди, курашаётган ватанпарварларга ҳар томонлама мадад бериб турди. Бугунги кунда эса биз шу мамлакатлар билан давлатлараро муносабатларимиз самимий дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида шаклланаётганлигига ҳам хурсандмиз. **(Қарсаклар).**

Ўтган йиллар ичида Гвинея Республикаси ва Конго Халқ Республикаси каби қадимий дўстларимиз билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб борди. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома Сомали Демократик Республикаси билан ўзаро муносабатларимизни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаб берди. Африканинг энг катта мамлакати бўлган Нигерия билан яхши муносабатлар кенгайтирилди.

Ҳақиқатан дўстликка интилаётганлар билан дўстликни ривожлантирмоқ ва мустаҳкамламоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз ва кўраверамиз Мустамлакачилик системаси парчаланганлиги натижасида вужудга келган давлатларнинг катта кўпчилиги билан бизни бирлаштириб турган нарса шуки, улар ҳам тинчликка ва эркинликка ниҳоят даражада содиқдирлар, агрессия ва ҳукмронликнинг ҳар қандай формаларига, бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатни эксплуатация қилишига нафрат кўзи билан қарамоқдалар. Туб интилишларнинг мана шу муштараклиги шундай бой ва унумдор заминдирки, бундан буён ҳам дўстлигимиз мана шу заминда мустаҳкамланиб яшнайверади! **(Қарсаклар).**

3. КАПИТАЛИСТИК ДАВЛАТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтириш учун, мустаҳкам тинчлик учун, янги жаҳон урушининг юзага келиш хавфини камайтириш, истиқболда эса бартараф этиш учун кураш капиталистик давлатларга нисбатан бизнинг сиёсатимиздаги асосий масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Шуни қайд килиш мумкинки, сўнгги беш йил ичида бу соҳада анчагина муваффақиятларга эриша олинди

Иккита дунёнинг «совуқ уруш»идан, портлаши доим хавф солиб турувчи конфронтациясидан кескинликни юмшатишга ўтиш энг аввало жаҳон майдонидаги кучлар нисбатида содир бўлган ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Аммо кишиларнинг — ва айниқса давлатлар сиёсатига раҳбарлик қилувчи кишиларнинг — уруш бошланиши чегарасидаги мувозанатни сақлаш эмас, балки мунозарали масалалар бўйича музокаралар олиб бориш, конфронтация эмас, балки тинч ҳамкорлик табиий иш эканлиги фикрига кўникишлари учун кўп куч-ғайрат сарфлаш зарур бўлди.

Шу нарса катта роль ўйнадики, бизнинг партиямиз халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий фаолиятнинг асосий вазифаларини аниқ белгилай олди, бу вазифаларни ўзининг XXIV съездидаги Тинчлик программасида ифодалай билди. Совет ҳокимиятининг ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши негизига асосланган дастлабки ташқи сиёсий одимлариёқ дунё халқларига, В. И. Ленин айтганидек, «урушларнинг машаққатлари, тартибсизликлари ва хавфидан қутилишнинг бирдан-бир тўғри йўли»ни кўрсатиб берди (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45 том, 193-бет). Бизнинг партиямиз ана шу негизга оғишмай таяниб, Ленин васиятларига амал қилиб ва ўз тинчликсевар ташқи сиёсатининг ярим асрлик тажрибасига асосланиб. XXIV съездда Тинчлик программасини кўтариб чиқди. Бу программа «совуқ уруш»ни бартараф этишнинг реал йўлини кўрсатиб берди, урушлар хавфидан тинч ҳамкорликка ўтиш учун курашдаги аниқ вазифаларни қўйди.

Бу программанинг актуал ва реалистик программа эканлигини турмуш тасдиқлади. Гарчанд, умумий тинчлик ҳали асло гарантияланмаган бўлса ҳам, халқаро вазиятнинг соғломлашуви мустаҳкам тинчликка эришиш — эзгу истаккина эмас, балки батамом реал вазифа эканлигини яққол исботлаб турибди, деб дадиллик билан айтишимиз учун барча асослар мавжуд. Ана шу вазифани ҳал қилиш йўлида куч-ғайратни аямай ишни давом эттириш мумкин ва лозим! **(Қарсаклар).**

Партиямиз Тинчлик программасини амалда рўёбга чиқариш соҳасида олиб борган ишнинг конкрет йўналишлари устида тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Энг аввало **Европа** ҳақида. Бу ерда кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ўзгаришлар айниқса сезиларлидир, деса бўлади. Бу албатта, тасодифий эмас. Европада социализмнинг позициялари, социалистик давлатларнинг келишиб олинган сиёсатининг таъсири жуда ҳам кучлидир. XXIV съезд иккинчи жаҳон уруши оқибатида юзага келган территориал ва сиёсий реалликларни тан олиш асосида Европа хавфсизлигини таъминлаш вазифасини қўйди. Бизнинг Марказий Комитетимиз худди мана шу йўналишда иш олиб борди.

Ана шу негизда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг **Франция** билан ҳамкорлиги муваффақиятли тарзда ривожланиб борди. Президент де Голль билан музокаралар олиб борилган кезларданоқ олий даражада Совет-Франция музокаралари анъанага айланиб қолди. Бир қатор учрашувлар —даставвал президент Помпиду билан, кейинчалик эса президент Жискар д'Эстэн билан учрашувлар жараёнида бир қанча ташқи сиёсий масалалар юзасидан ҳар иккала мамлакатнинг позициялари бир-бирига яқинлашди, ҳар тарафлама Совет-Франция алоқалари ва ҳамкорлиги фаоллашди. Француз халқи, Франция сиёсий партияларининг кўпчилиги ана шуларнинг ҳаммасини кенг кўламда қўллаб-қувватладилар. Биз Франция билан муносабатларни ғоят қадрлаймиз ҳамда у билан тотувлик ва ҳамкорлик соҳаларини кенгайтиришга тайёрмиз.

1970 йилги шартнома негизида **Совет—Ғарбий Германия** муносабатларида катта силжиш содир бўлди. Бу муносабатлар бирдан-бир мумкин бўлган асосда — Европадаги мавжуд чегараларни бузиш даъволаридан воз кечиш асосида нормал изга тушиб олди. Ҳозирги кунда ГФР—Ғарб билан ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик қилишда бизнинг катта шерикларимиздан биридир. Биз Ореандада ва Боннда канцлер Брандт билан олиб борган музокараларимиз, худди шунингдек канцлер Шмидт ва президент Шеель визитлари жараёнида Москвада бўлиб ўтган музокаралар ҳам бир-биримизни яхшироқ тушунишимизга ҳамда экономикада ва бошқа соҳаларда ГФР билан ҳамкорликни олға силжитишга имкон берди.

Ғарбий Берлин билан боғлиқ бўлган кризисни ҳал этиш масаласи мураккаб масалалардан бири эди. Маълумки, ана шу шаҳар теварагида кризислар юзага келиб, Европадаги вазиятни нотинч қилар эди. Бироқ 1971 йил кузида тузилган тўрт давлат битими билан бир қатор масалалар юзасидан ГДР, ГФР ва Ғарбий Берлин сенати ўртасидаги битимлар ҳамда шартномалар кескинликни асосан тугатди. Биз бу масалада АҚШ, Франция ва Англия билан вужудга келган ҳамкорликни қадрлаймиз. Ғарбий Берлиннинг тортишувлар манбаидан тинчлик ва юмшалишнинг конструктив элементига айланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Ҳамма томонлар эришилган битимларни амалда ҳурмат қилсалар бас. Афсуски, бу битимларнинг баъзи бир қатнашчилари бу соҳада ҳамма чораларни кўраяптилар деб бўлмайди. Биз шартлашиб олинган ҳамма нарсага қатъий ва тўла риоя қилинишини талаб этаверамиз. Совет Иттифоқи Ғарбий Берлиннинг осойишта ва нормал ҳаёт кечириши тарафдоридир.

Умуман олганда бизнинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан муносабатларимизга ижобий баҳо берса бўлади. Бу гап Англия ва Италия билан муносабатларга ҳам таалуқлидир. Биз шунингдек, Финляндия билан яхши қўшничилик анъанавий муносабатларини, Скандинавия мамлакатлари билан, Австрия, Бельгия ва Ғарбий Европанинг бошқа давлатлари билан алоқаларни қадрлаймиз ҳамда уларни ривожлантириш ва бойитишга ҳаракат қиламиз. Португалия билан муносабатларни қайта тиклаш, шунингдек Греция билан муносабатларни яхшилаш қитъадаги сиёсий вазиятда юз берган катта ва яхши ўзгаришларнинг ифодаси бўлди, албатта. Умуман олганда, Ғарбий Европанинг биронта ҳам давлати социалистик мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштиришнинг кенг жараёнидан четда қолмади, деса бўлади.

Ўртоқлар! КПСС XXIV съезди Европада кескинликни юмшатиш ва мустаҳкам тинчлик манфаатларини кўзлаб **Умумевропа кенгашининг** чақирилишини ва унинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлашга даъват этди. Эндиликда бу ҳақиқатга айланди. Ўтган йилнинг августида Хельсинкида Европадаги 33 давлатнинг, шунингдек АҚШ ва Канаданинг раҳбарлари кенгашнинг Якунловчи актини имзоладилар. Бу кенгашнинг иши икки йил давом этди, сиёсий тайёргарлик эса ўн йилга чўзилди.

Эришилган натижалар сарфланган кучга арзийди. Кенгаш иштирокчилари вужудга келган чегараларнинг бузилмаслигини коллектив тарзда тасдиқладилар Ҳарфи ҳам, руҳи ҳам тинч-тотув яшаш талабларига тўла мос келадиган давлатлараро ўзаро муносабатлар принципларининг мажмуаси ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, ўртоқлар, бутун қитъада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. **(Қарсаклар).**

Кенгаш натижалари кўп жиҳатдан келажакка қаратилган. Бутун бир қатор соҳаларда — экономика. фан ва техникада, маданият ва ахборотда, кишилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда тинч ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб чиқилди. Давлатлар ўртасидаги ишончни, шу жумладан ҳарбий соҳадаги ишончни мустаҳкамлаш юзасидан баъзи бир бошқа тадбирлар ҳам белгиланди. Эндиликда асосий нарса —Хельсинкида келишиб олинган барча принциплар ва битишувларни амалий ишда тадбиқ этишдир Совет Иттифоқи худди шу йўсинда иш кўрмоқда ва бундан буён ҳам шу йўсинда иш кўраверади. Яқинда биз бир қанча муҳим соҳаларда Умумевропа ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан баъзи бир таклифларни илгари сурдик. Биз бундан буён ҳам ана шу соҳада куч-ғайрат сарфлайверамиз. Биз Умумевропа кенгашининг бошқа ҳамма иштирокчиларидан ҳам худди шундай ёндошишни кутамиз

Шундай қилиб. Европада тинч муносабатларни йўлга қўйиш ишида ютуқлар бор ва бу ютуқлар оз эмас

Лекин биз салбий жиҳатларни ҳам кўрмай иложимиз йўқ. Европада, жумладан Кипр проблемаси каби кескинликнинг мураккаб ва хавфли муаммоси ҳали ҳам мавжуд. Биз аминмизки, Кипрдаги ҳар иккала жамоанинг манфаатлари ва ҳуқуқларини оқилона ҳисобга олиш — Кипр Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлиги сўзсиз ҳурмат қилинган ҳамда ташқаридан туриб кипрликларга улар учун ёт бўлган қарорларни мажбуран қабул қилдиришга уринишлар бўлмаган тақдирда — Европада тинчлик, хавфсизлик ва хотиржамлик йўлида ана шу кескин проблемани ҳал этиш мумкин бўлади

Европадаги бир қанча капиталистик давлатлар билан муносабатларимизнинг ҳам ўз мураккаб томонлари бор. Бу мураккабликлар негизида, чамаси, ана шу давлатлар нуфузли доираларининг «совуқ уруш» психологиясидан чинакамига воз кечишни ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик сиёсатини изчил ўтказиб боришни истамасликлари ётади.

Масалан, ГФРда аслида реваншизм позицияларида турган ўнг кучлар социалистик мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштириш йўлига ҳужум қилмоқдалар. Афтидан, Бонн ҳукумати сиёсатининг баъзи бир жиҳатларига ҳам уларнинг тазйиқи ўз таъсирини ўтказмоқда. Ғарб мамлакатларидаги оммавий ахборот воситаларининг каттагина қисми ўзаро ишончни ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш у ёқда турсин, балки, аксинча социалистик мамлакатларга нисбатан ишонмаслик ва душманликни авж олдирмоқда. Баъзи бир кишилар Хельсинкида қабул қилинган Якунловчи актни пучга чиқаришга ва унинг асл моҳиятини бузиб кўрсатишга. бу ҳужжатдан социализм мамлакатларининг ички ишларига аралашиш учун, «совуқ уруш» услубида антикоммунистик ва антисовет демагогияси учун ниқоб сифатида фойдаланишга уринмоқдалар.

Хуллас, Европада чинакам мустаҳкам тинчликка эришиш учун, кескинликнинг юмшатилиши муқаррар жараёнга айланиши учун ҳали қатъият билан кўп курашиш лозим бўлади. Совет Иттифоқи қардош социалистик давлатлар билан, Европадаги барча тинчликсевар ва реалистик фикр юритувчи кучлар билан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда ана шундай курашни олиб бораверади. Ўртоқлар, бизнинг олдимизда буюк мақсад: мустаҳкам тинчликни Европадаги барча халқлар ҳаётининг табиий формасига айлантириш мақсади турибди.

Ўртоқлар! Капиталистик дунёнинг энг йирик давлати бўлмиш **Америка Қўшма Штатлари** билан бизнинг муносабатларимизни яхшилаш томон бурилиш янги жаҳон уруши хавфини камайтириш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, албатта. Бу. шубҳасизки, бутун халқаро вазиятни, шу жумладан Европадаги вазиятни ҳам соғломлаштиришга ёрдам берди. **(Қарсаклар).** Биз XXIV съезднинг кўрсатмасига батамом мувофиқ тарзда иш тутиб, АҚШ билан муносабатларни яхшилаш вазифасига жуда катта эътибор бердик.

АҚШ президенти Никсон билан Москва ва Вашингтондаги музокаралар, сўнгра эса президент Форд билан Владивосток ва Хельсинкидаги учрашувлар натижасида ҳар икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли тинч муносабатларни ривожлантириш зарурлиги хусусида Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари раҳбарлари ўртасида муҳим принципиал ҳамжиҳатликка эришилди. Бу нарса Совет-Америка шартномалари, битимлари ва бошқа ҳужжатларининг бутун бир системасида ўз ифодасини топди. Улар орасида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асослари», «Ядро урушининг олдини олиш тўғрисида битим» ҳамда стратегик қуролларни чеклаш ҳақидаги бир қатор шартномалар ва битимлар, шубҳасиз, энг муҳимларидир. Бу ҳужжатларнинг асосий аҳамияти нимада? Шундаки, буларнинг ҳаммаси қўшилиб СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни тинч-тотув яшаш принциплари асосида ривожлантириш учун катта сиёсий ва ҳуқуқий база яратди. Бу битимлар ядро урушининг юзага келиши хавфини муайян даражада камайтиради. Биз кейинги беш йил мобайнида Совет—Америка муносабатлари ривожланишининг асосий якуни ана шундан иборат деб биламиз.

Бизнинг АҚШ билан муносабатларимиз келажак учун ҳам яхши истиқболга эга — ҳар иккала давлатнинг синфий моҳиятидаги ва уларнинг идеологиясидаги тафовутлар яққол кўриниб турган бир пайтда ихтилофлар ва бахсларни куч билан эмас, дўқ-пўписа қилиш ва қуролни ўқталиш билан эмас, балки тинч сиёсий воситалар билан ҳал этишга қатъий аҳд мавжуд бўлган ана шу биргаликда яратилган реалистик негизда бундан буён ҳам ривожланиб борадиган даражадаги истиқболга эга.

Кейинги йилларда бизнинг АҚШ билан муносабатларимиз кўп соҳаларда ривожланмоқда. Делегациялар, шу жумладан парламент делегациялари бир-бирларининг мамлакатларига тез-тез бориб-келиб турибди, маданий алоқалар активлашди. Экономика, фан, техника, маданиятнинг жуда хилма-хил соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутувчи кўпгина Совет-Америка битимлари имзоланди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирдаёқ кучга кирди ва ҳар икки томон учун, муҳими эса — Совет ва Америка халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик учун очиқ-равшан фойда келтирган ҳолда амалда рўёбга чиқарилмоқда.

Бироқ, бир қатор муҳим омиллар умуман олганда ижобий бўлган Совет-Америка муносабатларининг ривожланишини кейинги йилларда мураккаблаштирмоқда СССР билан муносабатларни яхшилашдан ҳам, бутун халқаро кескинликни юмшатишдан ҳам манфаатдор бўлмаган АҚШдаги нуфузли кучлар бу ривожланишга тўсқинлик қилишга уринмоқдалар Улар Совет Иттифоқининг сиёсатини бузиб кўрсатмоқдалар ва «Советлар хавфи» уйдирмасини важ қилиб, АҚШда ва НАТОда қуролланиш пойгасини янгидан авж олдиришга чақирмоқдалар. Маълумки, бизнинг ички ишларимизга аралашишга уринишлар ҳам бўлдики, улар АҚШда савдо соҳасида камситувчи тадбирларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ эди. Ўз-ўзидан равшанки, биз бу билан муроса қила олмадик ва муроса қилмаймиз ҳам. Совет Иттифоқи билан бундай оҳангда гаплашиб бўлмайди. Эндиликда, мен ўйлайманки. бу ҳаммага аён бўлиб қолди.

Шу нарса сир эмаски, Вашингтон сиёсатининг халқлар озодлиги ва мустақиллигини хавф остига қўяётган, зулм ва реакция кучлари томонида туриб халқларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашишдан иборат бўлган жиҳатлари ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Биз бундай ҳатти-ҳаракатларга қарши курашиб келдик ва курашаверамиз. Айни чоқда яна бир бор шу нарсани таъкидламоқчиманки, Совет Иттифоқи эришилган битимлар ва қабул қилинган мажбуриятларнинг руҳи ва ҳарфига қатъий мувофиқ тарзда — ҳар иккала халқнинг ва дунёда тинчлик ишининг манфаатларини кўзлаб Совет-Америка муносабатларини янада яхшилаш йўлини ўтказишга қатъий аҳд қилгандир. **(Қарсаклар).**

Бизнинг Канада билан муносабатларимиз мазмуни жиҳатидан тобора бойиб бормоқда; бизнинг назаримизда, бу муносабатларнинг яхшигина истиқболлари бор. Латин Америкаси мамлакатлари билан алоқалар сезиларли даражада кенгайди. Биз бу мамлакатларнинг сиёсий ҳамда иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватлаймиз ҳамда уларнинг халқаро ҳаётдаги роли ошганлигини табриклаймиз.

Бизнинг Япония билан муносабатларимиз умуман олганда ижобий йўналишда ривожланмоқда Совет Иттифоқи Япония билан кенг кўламда савдо қилмоқда. У билан иқтисодий соҳада бир қатор ўзаро манфаатли битимлар тузилди. Сиёсий ва жамоат арбобларининг алоқалари анча актив бўлиб қолди. Маданий алоқалар кучаймоқда Бироқ, тинч йўл билан тартибга солиш масалалари муносабати билан Японияда айрим кишилар баъзан ташқаридан тўғридан-тўғри гиж-гижлаш натижасида СССР олдига асоссиз ва ғайри қонуний даъволар қўйишга интилмоқдалар. Бу, албатта, яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб туришга олиб борадиган йўл эмас. Биз ҳисоблаймизки, Совет-Япония муносабатларида айнан шу яхши қўшничилик ва дўстона ҳамкорлик қонун бўлиб қолиши керак, биз ҳам ана шунга интилмоқдамиз. Шундай умид билдирмоқчиманки, Совет-Япония ихтилофларидан манфаат кўрмоқчи бўлган кимсалар солиб юбормоқчи бўлган йўлдан Япония боришни истамайди. **(Қарсаклар).**

Халқаро вазиятнинг соғломлашуви **иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни жонлантириш** учун қулай шароит яратди.

Ҳисобот даврида СССРнинг капиталистик давлатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалари анча кучайди ва сифат жиҳатдан ўзгарди. Мен қуйироқда бу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтаман.

Ўтган беш йиллик мобайнида ҳорижий мамлакатлар билан бизнинг маданий ҳамкорлигимиз ҳажми тахминан бир ярим баравар ўсди.

Ана шуларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, — кескинликни юмшатишни моддийлаштиришдир, партиямизнинг халқлар ўртасида тинч алоқаларни ривожлантириш борасидаги умумий ишининг муҳим соҳасидир.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун кураш — Тинчлик программаси талаб қилганидек, — КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ташқи сиёсий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Ҳозирги кунда бу вазифа ҳар қачонгидан ҳам кескинроқ бўлиб турибди. Тоғ-тоғ қилиб уйиб ташланган қурол-яроғ устида ҳаёт кечириш инсониятнинг жонига тегди, лекин империализмнинг агрессив доиралари авж олдираётган қуролланиш пойгаси эса кучайиб бормоқда.

Қуролланиш пойгаси тарафдорлари Совет хавфи деб аталган уйдирмани асосий важ қилиб кўрсатадилар. Социал эҳтиёжларга кетадиган ҳаражатларни камайтириш ҳисобига каттароқ ҳарбий бюджетни ўтказиш лозим бўлиб қолган пайтда ҳам, қирғин қуролининг янги турлари ишланиб чиқаётган пайтда ҳам, НАТОнинг ҳарбий активлигини оқлашга уринган пайтларда ҳам ана шу важни ишга соладилар. Аслида эса Ғарб учун ҳам, Шарқ учун ҳам ҳеч қандай Совет хавфи йўқ, албатта. Уларнинг ҳаммаси бошдан охиригача мудҳиш ёлғондир. Совет Иттифоқи ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи эмас. Совет Иттифоқига урушнинг кераги йўқ. Совет Иттифоқи ўз ҳарбий бюджетини ошираётгани йўқ, у халқ фаровонлигини юксалтиришга сарфланадиган маблағларни камайтираётгани йўқ, балки оғишмай кўпайтириб бормоқда. **(Қарсаклар).** Бизнинг мамлакатимиз тинчлик учун изчил ва қатъий кураш олиб бормоқда, қурол-яроғни камайтиришга, қуролсизланишга қаратилган конкрет таклифларни доимо кўтариб чиқмоқда.

Совет коммунистлари қуролланиш пойгасини давом эттириш билан боғлиқ бўлган хавфдан халқларни халос этиш учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бўлиш каби оғир, лекин олижаноб вазифани ўз зиммаларига олганликлари билан фахрланадилар. **(Қарсаклар).** Партиямиз барча халқларни, ҳамма мамлакатларни ана шу ҳалокат келтирувчи жараённи йўқотиш учун ўз куч-ғайратларини бирлаштиришга чақиради. Бу соҳада бизнинг пировард мақсадимиз ялпи ва тўла қуролсизланиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Шу билан бирга СССР ана шу мақсадга олиб борувчи йўлнинг айрим участкаларида олға ҳаракат қилишга эришиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар лойиҳаси асосида бактериология қуролини тақиқлаш ва йўқотиш тўғрисидаги халқаро конвенция ишлаб чиқилиб, имзоланди ва кучга кирди. Бу — амалда халқаро муносабатлар тарихида реал қуролсизланишнинг биринчи тадбиридир. Гап давлатларнинг ҳарбий аслаҳахоналаридан ғоят хавфли ва оммавий қирғин-қуролининг бутун бир категориясини йўқотиш устида боради.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш доираси кенгайди. Кейинги вақтларда яна бир қатор давлатлар, шу жумладан ГФР ва Италия бу шартномага қўшилдилар. Айни чоқда ядро қуролининг планетамиз бўйлаб тарқалишига йўл қўймаслик учун бундан буён ҳам самарали чоралар кўриш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. СССР бу вазифани ҳал қилишда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Стратегик қуролларни янада чеклаш юзасидан олиб борилаётган Совет-Америка музокаралари ҳақида алоҳида гапираман. Биз бу музокараларни 1974 йилги Владивосток аҳдномасини амалга ошириш ниятида ҳамда қўлга киритилган ютуқларни йўққа чиқариши мумкин бўлган қуролланиш пойгасининг янги воситаси пайдо бўлишига йўл қўймаслик ниятида олиб бормоқдамиз. Равшанки, бу масала юзасидан битимга келиш СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун ҳам, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Биз бутун ана шу проблемага ғоят катта аҳамият берар эканмиз, стратегик қуролнинг мавжуд турларини фақат чеклаш билангина қаноатланиб қолмасликни Қўшма Штатларга қатъият билан ва бир неча бор таклиф қилдик. Биз бундан ҳам кўпроқ ишлар қилиш мумкин деб ҳисобладик. Биз конкрет равишда қурол-яроғнинг янги, янада кўпроқ вайронгарчилик келтирувчи системаларини, хусусан АҚШда баллистик ракеталари бўлган «Трайдент» типидаги янги сув ости кемаларини, Б-I типидаги янги стратегик бомбардимончи самолётларни ва СССРда худди шундай системаларни яратишни тақиқлаш тўғрисида келишиб олишни таклиф қилдик. Афсуски, бу таклифларни Америка томони қабул қилмади.

Аммо бу таклифларимиз кучда қолади. Ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун уларни амалга ошириш нечоғлик фойдали эканлигини гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бундан ташқари, ҳар иккала томон кўп маблағларни тежаб қолиш, бу маблағлардан ишлаб чиқариш мақсадларида, одамларнинг турмушини яхшилаш учун фойдаланиш имконига эга бўлиб қолур эдилар.

Яна бир нарсани қўшимча қиламан. Кейинги вақтларда бир қатор мамлакатларда Ҳинд океани районини у ёки бу давлатлар ҳарбий базалар яратадиган майдонга айланмаслигини ёқлаб чиқишлар кўпаймоқда. Биз бундай таклифларга ҳайрихоҳмиз. Совет Иттифоқига келганда, биз Ҳинд океанида ҳарбий базалар қуриш ниятида бўлган эмасмиз ва қурмоқчи ҳам эмасмиз. Шунинг учун ҳам биз Америка Қўшма Штатларини худди шундай позицияни эгаллашга чақирамиз. **(Қарсаклар).**

Равшанки, ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам стратегик қуролларини чеклаш жараёнига қўшилиши муқаррарлиги тўғрисидаги масала кун тартибига қўйиладиган пайт келади. Бундай жараёнга қўшилишни истамаган давлатлар эса халқлар олдида ўз зиммаларига жуда катта жавобгарликни олган бўлур эдилар.

Бизнинг мамлакатимизнинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси кейинги йилларда қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда оммавий қирғин қуролларининг янги турларини, бундай қуролнинг янги системаларини яратишни ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш масалалари юзасидан бир қанча муҳим резолюциялар қабул қилди.

Вазифа ана шу резолюцияларни амалга оширишдан иборатдир. Тўғридан-тўғри айтиш керакки, бунга эришиш осон эмас, чунки бир қанча йирик давлатлар ҳали ҳам қуролланиш пойгасини тўхтатишни истамаётганликларини яққол кўрсатиб турибдилар. Кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш душманлари ҳали ҳам анча-мунча ресурсларга эгадирлар. Улар турли формаларда ва турли йўналишларда актив иш олиб бормоқдалар. Гарчанд, империализмнинг агрессив ҳаракатлар қилиш имкониятлари эндиликда анча камайтириб қўйилган бўлсада, унинг моҳияти илгаригича қолмоқда. Шу сабабли тинчликсевар кучлар жуда катта хушёрлик кўрсатишлари зарур. Барча тинчликсевар ва яхши ниятли кучларнинг ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилиши ва бирлиги даркор.

Шу муносабат билан қуролсизланиш юзасидан жаҳон конференциясини чақириш тўғрисидаги БМТ аъзолари бўлган мамлакатларнинг катта кўпчилиги қувватлаган таклиф алоҳида аҳамият касб этади.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми).

Сиёсий юмшалиш ҳарбий юмшалиш билан мустаҳкамланиши лозим. Тинчлик программасида аниқ мақсад: Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш мақсади илгари сурилган эди. Бу масала юзасидан Венадаги музокаралар икки йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этмоқда, лекин сезиларли силжиш йўқ. Бунинг сабаби битта: НАТО мамлакатлари ўзларига бир томонлама ҳарбий устунликларни таъминлаш учун музокаралардан фойдаланиш йўлидаги уринишларидан ҳали ҳам воз кечишни истамаяптилар. Ғарб нима учундир социалистик мамлакатларнинг ўз хавфсизликларига зарар келтириб бўлса ҳам ён беришларини истайди ва ҳатто буни талаб қилмоқда. Аммо биз НАТО блокининг иккинчи томонга шундай ён беришга мойиллик кўрсатаётганини нима учундир пайқамаётирмиз.

Ишни тўхтаб ётган жойидан силжитишга интилиб, социалистик давлатлар яқинда Венада янги таклифлар киритдилар. Биз аввал бошда, бу йил фақат СССР билан АҚШ қўшинларигина қисқартирилишига, музокараларнинг бошқа қатнашчилари қуролли кучларининг даражаси эса ҳозирча «қимир этмаслигига» ва иккинчи босқичда — 1977-78 йилларда камайтирилишига рози бўлишга тайёрмиз. Биз шунингдек ҳар икки томоннинг танклар, ядро қуроли ташувчи самолётларнинг, ракеталарни учирувчи установкалар билан бирга ана шу элтувчи воситаларга ўрнатиладиган ядро қурол-яроғларининг муайян миқдорини қисқартириш тўғрисида мутлақо конкрет таклифлар киритдик.

Бизнинг таклифларимиз Европанинг марказида юзага келган кучлар нисбатини, аслида мувозанат вазиятини сақлаб қолишдан иборат бирдан-бир реалистик асосга қурилган. Бу таклифларни амалга ошириш томонлардан биронтасининг ҳам хавфсизлигига зарар келтирмайди. Ана шуларнинг ҳаммасига Ғарб мамлакатларида тегишлича тушуниб қаралади ва ниҳоят, мунозаралардан қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш юзасидан реал чора-тадбирларни кўришга ўтиш мумкин бўлади, деб умид қилишни истар эдик.

XXIV съездда мунозарали масалаларни ҳал этиш учун куч ишлатишдан ва куч ишлатаман деб дўқ қилишдан воз кечиш халқаро турмушнинг қонуни бўлиб қолсин, деган вазифа қўйилган эди. Бу принцип кейинчалик СССРнинг бошқа мамлакатлар билан бир қатор шартномаларида ифода этилди. У Умумевропа кенгашининг якунловчи актига киритилган. Биз уруш хавфини янада кўпроқ камайтириш ва қуролсизланиш сари ҳаракат қилиш учун қулай шароит яратиш ниятида энди халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида жаҳон шартномаси тузишни таклиф қиламиз. Унинг иштирокчилари, албатта, шу жумладан ядро қуролига эга бўлган давлатлар ҳам ўз ўрталаридаги бахсларни ҳал қилиш учун қуролларнинг ҳар қандай хилидан, шу жумладан ядро қуролидан ҳам фойдаланмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олган бўлур эдилар. Совет Иттифоқи ана шу таклифни рўёбга чиқариш юзасидан амалий тадбирларни бошқа давлатлар билан биргаликда кўриб чиқишга тайёр.

Эндиликда тинчликни мустаҳкамлаш учун жамоатчилик оммавий ҳаракатининг роли ва масъулияти катта. Ўтган беш йиллик бу ҳаракатни ривожлантиришда тинчликсевар кучларнинг Москвадаги жаҳон конгресси, Европа хавфсизлиги учун курашчиларнинг Брюссель ассамблеяси, хотин-қизларнинг Берлиндаги жаҳон конгресси каби босқичлар билан нишонланди. Ана шу ишларнинг ҳаммасида бизнинг партиямиз, мамлакатимизнинг жамоатчилиги фаол қатнашдилар. Биз кенг халқ оммасини тинчликни мустаҳкамлаш ишига жалб этиш учун бундан буён ҳам ўз кучларимизни аямаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар билан ўзаро манфаатли тинч ҳамкорликни ривожлантиришнинг янгидан-янги йўлларини, қуролсизланишга олиб борадиган йўлларни қунт ва изчиллик билан қидириш ниятидадир. Биз мустаҳкам тинчлик учун курашда ўз куч-ғайратимизни тўхтовсиз ошириб бораверамиз. **(Давомли қарсаклар).**

4. ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК УЧУН, ХАЛҚЛАРНИНГ ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН БУНДАН БУЁНГИ КУРАШ ПРОГРАММАСИ

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитети мамлакатимизнинг халқаро аҳволига ва жаҳон майдонидаги вазиятга баҳо берар экан, шундай хулосага келадики, **халқлар тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги иши учун бундан буёнги кураш ҳозирги вақтда биринчи навбатда қуйидаги етилган вазифаларни ҳал қилишни талаб этади:**

— қардош социалистик давлатлар бирлигини оғишмай мустаҳкамлаб ва янги жамият қуришда уларнинг ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантириб, тинчликни мустаҳкамлашга уларнинг биргаликда қўшадиган фаол ҳиссасини ошира бориш;

— кучайиб бораётган ва тинчлик учун хавфли бўлган қуролланиш пойгасини тўхтатишга ҳамда тўпланган қурол запасларини қисқартиришга, қуролсизланишга ўтишга эришиш. Ана шу мақсадда:

а) СССР билан АҚШ ўртасида стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисида янги битимни тайёрлашни туғаллаш учун, ядро қуролини синашларни ялпи ва батамом тўхтатиш тўғрисида, химиявий қуролларни тақиқлаш ва йўқотиш тўғрисида, оммавий қирғин қуролларининг янги турларини ва системаларини яратишни, шунингдек ҳарбий мақсадларда ва бошқа душманлик мақсадларида табиий муҳитга таъсир кўрсатишни тақиқлаш тўғрисида халқаро шартномалар тузиш учун иложи бўлган ҳамма ишларни қилиш;

б) Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги музокараларни активлаштириш учун янгидан-янги куч-ғайрат сарфлаш. Бу йўналишдаги дастлабки конкрет қадамлар ҳақида келишиб олишга эришилгач, бундан кейинги йилларда ана шу кўрсатилган районда ҳарбий кескинликни юмшатиш ишини давом эттириш;

в) кўп давлатларнинг ҳарбий харажатлари ҳозиргидек муттасил ўсиб бориши ўрнига уларни мунтазам равишда қисқартириш практикаси таомилга киришига эришиш;

г) қуролсизланиш юзасидан жаҳон конференциясини мумкин қадар тез чақирилиши учун барча чораларни кўриш;

— тинчликсевар давлатларнинг куч-ғайратини ҳамон сақланиб қолаётган уруш ўчоқларини тугатишга ва аввало Яқин Шарқдаги можарони одилона ҳамда мустаҳкам суратда бартараф этишга қаратиш. Бундай бартараф этиш муносабати билан тегишли давлатлар Яқин Шарқда қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига ёрдам бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишлари лозим.

— Халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, бу юмшатилиш давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг конкрет формаларига айланиши учун барча ишларни қилиш. Умумевропа кенгаши якунловчи актининг тўла-тўкис амалга оширилишига. Европада тинч ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган йўлни фаол равишда ўтказиб бориш. Тинч-тотув яшаш принципларига мувофиқ равишда Америка Қўшма Штатлари, Франция, ГФР, Буюк Британия, Италия, Канада билан, шунингдек Япония ва бошқа капиталистик давлатлар билан турли соҳаларда — сиёсат, экономика, фан ва маданият соҳаларида узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни изчиллик билан давом эттириш.

— Осиё қитъасидаги давлатларнинг биргаликда куч-ғайрат кўрсатиш негизида Осиёда хавфсизликни таъминлашга қаратилган ишни олиб бориш.

— Халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисидаги жаҳон шартномасини тузишга интилиш.

— Мустамлака зулми системасининг, халқлар тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллигини камситишнинг барча қолдиқларини, мустамлакачилик ва ирқчиликнинг барча ўчоқларини батамом тугатишни энг муҳим халқаро вазифалардан бири деб ҳисоблаш.

— Халқаро савдода камситишларни ва ҳар қандай сунъий тўсиқларни бартараф этишга, халқаро иқтисодий муносабатларда нотенглик, зўравонлик, эксплуатациянинг ҳамма кўринишларини тугатишга эришиш.

Ўртоқлар, асосий вазифалар ана шулардан иборат бўлиб, уларни ҳал этишни, бизнинг комил ишончимизга кўра, ҳозирги шароитда халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатлари, инсоният тараққиёти манфаатлари талаб қилмоқда. **(Қарсаклар).** Биз бу таклифларни партия XXIV съезди илгари сурган Тинчлик программасини узвий давом эттириш ва ривожлантириш деб, **тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги кураш программаси** деб биламиз. Биз ўз мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратамиз ҳамда бу соҳада бошқа тинчликсевар давлатлар билан ҳамкорлик қиламиз.

Бизнинг халқаро майдондаги сиёсатимизнинг эзгу мақсадларини ер юзидаги барча тинчликсевар, прогрессив кучлар, барча соф виждонли кишилар кенг кўламда тушиниб кутиб оладилар ва қўллаб-қувватлайдилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

5. КПСС ВА ЖАҲОН РЕВОЛЮЦИОН ПРОЦЕССИ

Ўртоқлар! Биз туб социал ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Социализмнинг позициялари ҳамон мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. Миллий озодлик ҳаракатининг ғалабалари мустақилликни қўлга киритган мамлакатлар олдида янгидан-янги уфқлар очмоқда. Меҳнаткашларнинг монополиялар зулмига қарши, эксплуататорлик тартибларига қарши синфий кураши ўсиб бормоқда. Революцион-демократик, антиимпериалистик ҳаракат тобора кенг миқёс касб этмоқда. Ана шуларнинг жами жаҳон революцион процессининг ривожланиб бораётганлигини билдиради.

Тарихнинг қудратли одими ана шундай. Революцион процессга янгидан-янги авлодлар ва социал қатламлар, янги-янги партиялар ва ташкилотлар қўшилмоқда. Ўз вақтида В. И. Ленин ёзган нарсанинг худди ўзгинаси содир бўлмоқда: «Инсонларнинг тарихий ижодиётлари кенгайган ва чуқурлашган сари халқ ичидаги тарихнинг онгли равишда яратувчи намояндаларининг сони ҳам ошмоғи керак» (Асарлар, 2-том, 572—573-бетлар).

Социализм мамлакатларининг ривожланиши, улар қудратининг ўсиши, улар ўтказаётган халқаро сиёсат ижобий таъсирининг кучайиши — ана шулар эндиликда инсоният социал тараққиётининг асосий йўналишидир. Капиталистик мамлакатларда авж олиб кетган кризис вазиятида социализмнинг жозиба кучи янада кўпроқ ошди.

Партиямизнинг XXIV съезди таъкидладики, «янги шароитларга мослашиш капитализмнинг система сифатидаги стабиллашувини билдирмайди. Капитализмнинг умумий кризиси ҳамон чуқурлашиб бормоқда». Сўнгги йиллардаги воқеалар бунинг ёрқин далилидир.

Худди ана шу йилларда капиталистик дунёда иқтисодий кризис авж олиб кетдики, унинг кескинлиги ва чуқурлигини, буржуа арбобларининг ўзлари эътироф этишларига кўра, 30-йиллар бошидаги кризис билангина таққослаш мумкин. У бир вақтнинг ўзида жаҳон капиталистик хўжалигининг барча асосий марказларига ёйилди. Шуниси характерлики, бундай кучга эга бўлган кризис юксак даражада ривожланган давлат монополистик экономикани, яъни урушдан кейинги даврда юзага келган экономикани зил кетказди. Капитализм замон билан баб-баравар одим ташлашга бутун чоралар билан интилди, экономикани тартибга солишнинг турли методларини қўлланишга ҳаракат қилди. Бу ҳол иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга имкон берди. Лекин, коммунистлар башорат қилганларидек, капитализмнинг зиддиятларини бартараф эта олмади. Кўпчилик капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши ва ишсизликнинг ўсиши жаҳон капиталистик хўжалигининг валюта, энергетика, хом ашё кризислари каби жиддий ларзалари билан қўшилишиб кетди. Инфляция кризис процессларини айниқса кескинлаштириб юборди. Ҳарбий харажатларнинг муттасил ўсиб бориши билан кучайиб турган инфляция тинчлик даври учун мисли кўрилмаган кўламга етди.

Империалистлараро рақобат, «умумий бозор»даги ва НАТО ичидаги ихтилофлар кучайди. Халқаро монополияларнинг ўсиб кетган қудрати рақобат курашини янада кўпроқ бешафқат курашга айлантирди. Капиталистик мамлакатларнинг ҳукуматлари зиддиятларни камайтириш, кризисни бартараф этиш юзасидан биргаликда чоралар кўриш тўғрисида келишиб олиш учун тинмай уринмоқдалар. Аммо империализмнинг моҳияти шундайки, бунда ҳар бир мамлакат бошқалар ҳисобига устунликка эришиб олишга, ўз хоҳиш-иродасини мажбуран ўтказишга уринади. Ихтилофлар янги формаларда намоён бўлмоқда, зиддиятлар янада зўр куч билан авжга чиқмоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги кризис одатдагидек эмаслигини кўрсатиб турибди. Эндиликда ҳаммага аёнки, реформистлар ва буржуа идеологлари тўқиган асосий афсоналардан бири — гўё ҳозирги кундаги капитализм кризислардан ҳоли бўлиб қолишга қодир, деган афсона чиппакка чиқарилди. Капитализмнинг ностабиллиги тобора яққол бўлиб бормоқда. Капитализмни «соғломлаштириш» ва унинг доирасида «ялпи роҳат-фароғат жамияти»ни барпо этиш тўғрисидаги ваъдалар барбод бўлганлиги яққол кўриниб турибди. Халқ оммаси гарданига оғир юк тушди. Қимматчиликнинг кучайиб бораётганлиги аҳолининг реал даромадларини бетўхтов қисқартириб бормоқда. Ҳатто БМТнинг расмий маълумотларига кўра, ривожланган капиталистик мамлакатларда 15 миллиондан зиёд меҳнаткашлар заводлар ва муассасалардан ҳайдалган, ўз оилалари билан бирга нафақалар ҳисобига яшамоқдалар. Бундан ташқари, миллионлаб кишилар бутун иш куни давомида чала-ярим ишлашга ёки ҳафтада икки-уч кун ишлашга мажбур.

Ишчилар синфи бунга социал офатларнинг асосий айбдори бўлмиш йирик капиталга қарши курашни кучайтириш билан пролетарчасига жавоб бермоқда. Меҳнат аҳлининг ғоят хилма-хил табақалари қатнашаётган забастовка кураши сўнгги ўн йилликлар ичида энг юқори даражага етди. Ишчилар синфининг кучи ва обрў-эътибори ўсди, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, миллатнинг чин манфаатлари учун курашда авангард сифатида унинг роли ошди. Касаба союзларида сўлга томон силжиш содир бўлди. Бир қанча мамлакатларда ишчилар ва бошқа демократик партияларнинг ҳаракат бирлиги қарор топмоқда, уларнинг позициялари мустаҳкамланди.

Буржуа жамиятининг ғоявий-сиёсий кризиси кучайди. Бу кризис ҳокимият тартиботларига, буржуа сиёсий партияларига зарба бермоқда, элементар ахлоқий нормалар заминини бўшаштирмоқда. Порахўрлик ҳатто давлат машинасининг олий бўғинларида ҳам тобора кўпроқ яққол тус олмоқда. Маънавий маданиятнинг таназзули давом этмоқда, жиноятчилик кўпайиб бормоқда.

Коммунистлар капитализм «ўз-ўзидан ҳалок бўлади» деб башорат қилмоқчи эмаслар, асло. Капитализмнинг ҳали анча-мунча резервлари бор. Аммо сўнгги йиллардаги воқеалар капитализм истиқболи йўқ жамият эканлигини янги куч билан тасдиқлади. **(Давомли қарсаклар).**

Ўтган беш йилликда халқаро реакциянинг баъзи бир ўчоқларига қудратли зарбалар берилди. Худди ана шу даврда Чили ва Португалияда революциялар бўлди. Перуда революцион-озодлик кучлари муҳим ютуқни қўлга киритдилар, Грецияда ҳарбий-фашист ҳукумат қулади, Испанияда Франко режими зил кетди.

Португалия революцияси ҳозирги замондаги сўнгги фашистик режимлардан бирини тугатди. Сўнгги мустамлака империясининг йўқотилишига олиб келди. Революция — социал янгиланишнинг қудратли воситаси, у халк ичида яшириниб ётган улкан кучларни халос этади, деган гап яна зўр куч билан тасдиқланди. **(Қарсаклар).** Борди-ю ҳозирги кунда антифашист революциялар туфайли юзага келган сиёсий кучларнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши ҳали ранг-баранг, баъзан зиддиятли манзарани касб этаётган бўлса-да, лекин шу нарса мутлақо равшанки, Португалия халқи мамлакатда демократик тараққиётнинг мустаҳкам асосларини яратиш учун, социал тараққиёт учун курашмоқда.

Совет Иттифоқи Португалиянинг ички ишларига ҳар қандай аралашишга қатъиян қаршидир. Бошқа ҳар қандай халқ каби Португалия халқи ҳам ўзи белгилаган йўлдан боришга ҳақли. Ана шу минбардан туриб Португалиянинг революцион халқи билан, унинг коммунистлари билан, ҳамма демократлари билан совет коммунистларининг, барча совет кишиларининг қизғин бирдамлигини изҳор қилишга рухсат этгайсиз. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Чилидаги революция ана шу мамлакат халқининг ўз буржуазияси ва чет эл монополиялари зулми ва эксплуатациясидан халос бўлишга астойдил интилганлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Бу революцияга бағоят софдил ва зўр инсонпарвар бўлган кишилар бошчилик қилдилар. Революция меҳнаткашлар кенг оммасини янги ҳаёт қуришга кўтарди. Лекин Чили реакциясининг чет эл империализми томонидан планлаштирилган ва пул билан таъминланган фитнаси — эндиликда бу нарса ҳаммага маълум — революцияга кутилмаган зарба берди. Ҳарбий-фашист диктатураси мамлакатни қонга ботирди. Меҳнаткаш халқнинг ўн минглаб энг яхши, ғоят содиқ ўғил-қизлари ўлдирилди, қийноқ қилинди, турмаларга ташланди. Мамлакат мудҳиш террор тунида қолди. Бироқ, Чили революциясининг вақтинча мағлубияти унинг тарихий хизматларини, унинг тажрибасининг аҳамиятини камайтира олмайди.

Чили фожиаси коммунистларнинг революция турли йўллардан бориши мумкинлиги тўғрисидаги, шу жумладан, агар бунинг учун зарур шароит мавжуд бўлса, тинч йўлдан бориши мумкинлиги тўғрисидаги хулосасини асло рад эта олмайди. Аммо у революция ўзини ҳимоя қила олиши лозимлигини бaралла эслатди. У ҳозирги замон фашизмига ва чет эл реакциясининг кирдикорларига қарши хушёр бўлиб туришга ўргатади, озодлик ва тараққиёт йўлига ўтиб олган барча кишилар билан халқаро бирдамликни кучайтиришга даъват этади. **(Давомли қарсаклар).** Шу ерда, съездимизда биз барча совет кишилари номидан яна бир бор: «Луис Корвалан озод этилсин! Фашистлар хунтасининг барча маҳбуслари озод этилсин!» деб талаб қиламиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Сўнгги йиллардаги революцион ҳаракат тажрибаси шуни яққол кўрсатиб бердики, агар монополистик капиталнинг ва унинг сиёсий малайларининг ҳукмронлиги реал хавф остида қолса, империализм ҳеч нарсадан қайтмайди, ҳар қандай демократиянинг ҳар қандай кўринишларини улоқтириб ташлайди. У давлатларнинг суверенитетини ҳам, ҳар қандай қонунларни ҳам поймол қилишга тайёр. Инсонпарварлик ҳақида гапириб ўтилмаса ҳам бўлади. Бўҳтон, жамоатчиликни лақиллатиш, иқтисодий блокада, саботаж, атайин очарчилик ва вайроналик вужудга келтириш, пора бериш ва дўқ-пўписалар, террор, сиёсий арбобларни ўлдиришни, фашистлар услубидаги погромларни уюштириш — ҳозирги замон контрреволюциясининг аслахахонаси ана шулардан иборат бўлиб, бу контрреволюция ҳамма вақт халқаро империалистик реакция билан иттифоқ бўлиб иш тутади. Лекин ана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада ҳалокатга маҳкум этилган. Озодлик иши, тараққиёт иши енгилмасдир. **(Давомли қарсаклар).**

Ўтган беш йилликдаги муҳим ҳолатлардан бири **капиталистик дунёдаги Коммунистик партиялар таъсирининг ўсганлиги** бўлди. Уларнинг сони деярли бир миллион киши, шу жумладан Ғарбий Европада қарийб 400 минг киши кўпайди. Парламентларга ва маҳаллий органларга сайловларда коммунистлар учун овоз берувчи сайловчиларнинг сони анча ортди.

1969 йилги кенгаш илгари сурган антиимпериалистик ҳаракатлар программасининг кўп моддалари бажарилганлиги факти халқаро коммунистик ҳаракатнинг ютуқларидан далолат бериб турибди. Ҳозирги кунда биз бошқа мамлакатларнинг Компартиялари билан биргаликда мана бундай деб айта оламиз: курашнинг йўли ва асосий йўналишлари тўғри танланди, халқлар бахт-саодати йўлидаги биргаликда олиб бориладиган ишни омма кенг кўламда маъқулламоқда, фойдали натижалар бермоқда.

Турли мамлакатларнинг коммунистлари бир-бирларининг ишларини қизиқиш ва асосли эътибор билан кузатмоқдалар. Уларнинг ўртасида баъзан фикрларда, у ёки бу масалага ёндашишларда тафовутлар юзага келиши мумкин. Душман пропаганда бу хусусда бир неча бор суйиниб жар солди. Аммо марксчи-ленинчилар бутун ҳаракатнинг бирлигини мустаҳкамлаш тўғрисида жон куйдириб, бундай масалаларга интернационализм позицияларидан ёндашадилар, юзага келган проблемаларни чинакам ўртоқлик руҳида, ҳар бир партиянинг тенг ҳуқуқлилиги ўзгармас нормалари ва мустақиллигини ҳурматлаш доирасида муҳокама қиладилар. Албатта, бунда принципиал ишларда муросасозлик қилиш ҳақида, коммунистик идеологияга зид бўлган қарашлар ва ҳаракатлар билан муроса қилиш ҳақида гап бораётгани йўқ ва бориши ҳам мумкин эмас. Бундай бўлиши мумкин эмас. Айниқса ҳам ўнг, ҳам ўта сўл ревизионизм асло жим ётгани йўқ, шунинг учун ҳам коммунистик ҳаракатнинг марксча-ленинча асослари учун, уларни бузиб кўрсатишга ёки барбод этишга уринишларга қарши кураш ҳамма учун умумий вазифалигича қолаверади.

Коммунистлар ўз курашларида революцияни ривожлантириш ҳамда социализм ва коммунизм қуришнинг муштарак қонуниятларига таянадилар. Марксизм-ленинизм назариясида акс эттирилган ва практикада тасдиқланган бу қонуниятлар қардош партияларнинг халқаро кенгашларида коллектив тарзда батафсил формада таърифлаб берилган. Бу муштарак қонуниятларни чуқур тушиниш, уларга таяниш билан бирга ҳар бир муайян мамлакатда конкрет шароитларга ижобий ёндашиш ва уларни ҳисобга олиш марксчи-ленинчиларнинг ажралмас хусусияти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бинобарин, дадил айтиш мумкинки, оппортунизмга ён бериш бирон-бир муваққат устунлик берса ҳам пировард натижада бу ҳол партия учун зарарли бўлиб чиқади.

Ҳозирги вақтда пролетар интернационализмининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Бу— марксизм-ленинизмнинг асосий принципларидан биридир. Афсуски, баъзи бир кишилар уни шундай бир тарзда талқин эта бошлайдиларки, натижада интернационализмдан амалда деярли ҳеч нарса қолмайди. Шундай арбоблар ҳам топиладики, улар интернационализмдан воз кечишни ҳатто ошкора таклиф қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, Маркс билан Ленин асослаб берган ва ҳимоя қилган интернационализм гўё эскириб қолган эмиш. Бизнинг нуқтаи-назаримизда эса пролетар интернационализмидан воз кечиш Компартияларни ва умуман ишчилар ҳаракатини қудратли ва синалган қуролдан маҳрум этиш бўлур эди. **(Давомли қарсаклар).** Бу синфий душманга яхши хизмат қилиш бўлур эдики, бу душман, кези келганда айтиб қўйиш керак, халқаро миқёсда ўз антикоммунистик ҳаракатларини фаол суратда мувофиқлаштириб туради. Биз, совет коммунистлари пролетар интернационализмини ҳимоя қилишни ҳар бир марксчи-ленинчининг муқаддас бурчи, деб ҳисоблаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳисобот даврида бизнинг партиямиз қардош партиялар билан алоқаларини кенгайтирди. Биз фаол суратда бир-биримизга делегациялар юбориб турдик, сиёсий ва назарий проблемалар юзасидан партияларaро конференцияларда қатнашдик.

Коммунистларнинг регионал конференциялари катта роль ўйнайди. Ўтган йилларда бундай конференциялардан талайгина бўлди. Латин Америкаси ва Кариб ҳавзаси коммунистларининг АҚШ ва Канада Компартиялари иштирокидаги Гавана конференциясини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Европа Компартиялари ҳам ўз конференциясига тайёргарлик кўрмоқда. Кўп партиялар коммунистик ва ишчи партияларнинг янги жаҳон кенгаши чақирилишини ёқлаб чиқмоқдалар. КПСС принцип жиҳатидан бу ғояни қувватлайди. Уни қачон ва қандай амалга ошириш кераклиги, албатта, муштарак келишув йўли билан ҳал этилади.

Ўз съездига тўпланган биз, совет коммунистлари чет эллардаги ўртоқларимизга ва маслакдошларимизга жанговар салом йўллаймиз ва муваффақиятлар тилаймиз. **(Қарсаклар).** Бинобарин, биринчи навбатда, биз ўзимизнинг бирдамлик сўзимизни оғир подполье шароитида кураш олиб бораётган коммунистларга қарата айтамиз. **(Давомли қарсаклар).** Биз меҳнаткашлар иши учун курашаётган барча кишиларга, кун сайин ўз ҳаётини хавф остига қўяётган ва ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ўз идеалларига ва ўз бурчига содиқ бўлиб қолаётган кишиларга мурожаат қиламиз **(Қарсаклар).** Юзлаб, минглаб озодлик учун курашчилар Чили, Уругвай, Парагвай, Индонезия, Бразилия, Гватемала, Гаити, Жанубий Африкада ва бошқа мамлакатларда турмаларга ва концентрацион лагерларга қамаб қўйилган. Кўп коммунистлар революция иши учун жонларини қурбон қилдилар.

Съездимизда: синфий душманлар қўлида ҳалок бўлган халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати қаҳрамонларининг, халқ бахт-саодати йўлидаги фидокор курашчиларнинг хотираси учун Москвада монумент қурилсин, деган таклиф киритишни истар эдим. **(Гулдурос қарсаклар).** Бу партиямизнинг пролетар интернационализми буюк ишига чексиз содиқлигининг рамзи бўлади. **(Давомли қарсаклар).**

Биз XXIV съезд кўрсатмаларига мувофиқ **нокоммунистик прогрессив партиялар билан** — революцион-демократик, шунингдек сўл социалистик партиялар билан алоқаларни чуқурлаштиришни давом эттирдик. Бир қатор мамлакатларнинг, шу жумладан Финляндия, Бельгия, Япония, Буюк Британия, Франциянинг социалистик ва социал-демократик партиялари билан алоқалар сезиларли даражада кенгайди. Биз бу борада эришилган нарсаларни қадрлаймиз ва ана шу йўналишда ишлайверамиз.

Илмий коммунизмнинг социал-демократлар реформизми билан идеология соҳасида яқинлашуви ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, албатта. Социал-демократлар орасида ўзининг бутун фаолиятини антикоммунизм ва антисоветизм асосига қурган кишилар ҳали оз эмас. Ҳатто шундай партиялар ҳам борки, уларда коммунистлар билан алоқа қилганлик учун жазолайдилар. Биз бундай ҳолатларга қарши кураш олиб борамиз, чунки улар фақат реакциягагина қўл келади.

Бироқ, тинчлик иши учун ўз масъулиятини англайдиган социал-демократлар билан ва айниқса социал-демократ ишчилар билан бизни халқлар хавфсизлиги ҳақида жон куйдириш, қуролланиш пойгасини тийишга, фашизмга, ирқчилик ва мустамлакачиликка зарба беришга интилиш бирлаштириши мумкин ва бирлаштирмоқда. Худди ана шу соҳада биз ташаббус ва яхши истакларимизни намоён қилиб келдик ва намоён қилаверамиз. **(Қарсаклар).**

Кескинликни юмшатиш реалликка айланган ҳозирги вақтда халқаро ишчилар ҳаракатида ҳам, унинг душманлари орасида ҳам кўпинча бу синфий курашга қандай таъсир ўтказади, деган савол туғилади.

Айрим буржуа арбоблари совет коммунистларининг, совет халқининг озодлик ва тараққиёт учун бошқа халқлар кураши билан бирдамлиги хусусида таажжубда эканликларини билдирадилар ва шов-шув кўтарадилар. Бу ё соддалик, ёки ҳаммадан кўпроқ — атайлаб кишилар миясини ғанғитишдир. Чунки жуда ҳам яққол кўриниб турибдики, кескинликнинг юмшатилиши, тинч-тотув яшаш давлатлараро муносабатларга тааллуқлидир. Бу энг аввало мамлакатлар ўртасидаги баҳс ва низолар уруш, куч ишлатиш ёки куч билан дўқ-пўписа қилиш йўли билан ҳал қилинмаслиги кераклигини билдиради. Кескинликнинг юмшатилиши синфий кураш қонунларини асло бекор қилмайди ва бекор қила олмайди ёки ўзгартира олмайди. Кескинликнинг юмшатилиш шароитида коммунистлар капиталистик эксплуатация билан муросага келадилар ёки монополистлар революция тарафдорлари бўлиб қоладилар, деб ҳеч ким умид қилмаслиги лозим. Лекин бошқа давлатларнинг ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш принципига қатъий риоя этиш — кескинликни юмшатишнинг зарур шартларидан биридир.

Биз кескинликни юмшатишни тинч социалистик ва коммунистик қурилиш учун янада қулайроқ шароитлар яратишнинг йўли, деб билишимизни яширмаймиз. Бу ҳол социализм билан тинчлик ажралмас эканлигини тасдиқлаб турибди, холос. **(Қарсаклар).** Шундай экан, бизга бунинг учун таъна қилганларида, бундай таъна қилувчи кишилар капитализмнинг агрессияларни ва қурол билан дўқ-пўписа қилишни ишга солмасдан туриб, бошқа халқларнинг мустақиллиги ва манфаатларига тажовуз қилмасдан туриб яшашга қодир эканлигига ишонмайдилар, деган фикр миямизга келмаслиги жуда қийин.

Сўлчилик оқимининг гўё тинч-тотув яшаш оз бўлмаса «капитализмга ёрдам», «социал-сиёсий статус-квони сақлаб қолиш» деган даъволарига келганда, бунга биз: ҳар қандай революция энг аввало муайян жамият ички ривожининг қонуниятли натижасидир, деб жавоб берамиз. Турмушнинг ўзи ҳам «сақлаб қолиш» хусусидаги уйдирмаларни рад этмоқда. Сўнгги йиллар мобайнида дунёда содир бўлган катта-катта революцион ўзгаришларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Кескинликнинг юмшатилиши ва синфий кураш нисбатлари ҳақидаги масалага оид гап ана шундай. Революцион ишга содиқ бўлган биз, совет коммунистлари тинчлик учун курашмоқдамиз ва курашаверамиз — чунки бу барча халқлар учун улкан бахт-саодат ва ҳозирги замон башарияти тараққиётининг муҳим шартидир. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! Марказий Комитет юқорида айтилган гапларга хулоса ясар экан, съездга шуни маълум қилиш учун барча асосларга эгаки, Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ҳамма вақтдагидан ҳам мустаҳкамдир. Биз ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён тинчлик шароитида яшамоқдамиз. Социализм позициялари мустаҳкамланди. Кескинликнинг юмшатилиши етакчи тенденция бўлиб қолди. Партия халқаро сиёсатининг асосий якуни ана шундай. Совет кишилари бундай якун билан фахрланишлари мумкин. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

КПСCнинг халқаро фаолияти — бутун халқ ишидир. У мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратига, унинг маънавий потенциалига, совет халқининг меҳнати билан яратилган барча имкониятларга таянади. Унинг муваффақиятлари замирида — партия ва давлатнинг кўп намояндаларининг: Сиёсий бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг, Марказий Комитет секретарларининг, Марказий Комитет аъзоларининг, Марказий Комитет аппарати, Ташқи ишлар министрлиги, Ташқи савдо министрлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети ҳамда бошқа министрликлар ва идоралар кўп сонли ходимларининг, республикалар Марказий Комитетлари, ўлка ва область комитетлари раҳбар арбоблари ва ходимларининг, шаҳар ва районлар партия комитетларидаги, шаҳар ва қишлоқ бошланғич партия ташкилотларидаги ўртоқларнинг тажрибаси ва билимлари, қалб кучлари ва қизғин ишлари ётади. Бордию мен, съездимиз делегатларининг кўпчилиги бирон бир тарзда халқаро соҳада ҳам меҳнат қилишига тўғри келди, деб айтсам хато қилмаган бўламан деб ўйлайман. Бизнинг парламент аъзоларимиз, марказдаги ва жойлардаги совет органлари, касаба союзлари, жамоат ташкилотлари, фан ва маданият арбоблари ҳамда, албатта, матбуот, радио, телевидение бу соҳада муҳим вазифаларни бажармоқдалар. Минглаб совет кишилари—элчихоналар ва бошқа ваколатхоналарнинг ходимлари, геологлар ва қурувчилар, врачлар ва ўқитувчилар, металлурглар ва химиклар, транспортчилар ва бошқа мутахассислар чет элларда ишламоқдалар.

Марказий Комитет интернационал бурчини юксак даражада тушунганликлари ва виждонан адо этаётганликлари учун ана шу ўртоқларнинг ҳаммасига самимий миннатдорчилик изҳор қилади. **(Давомли қарсаклар).**

Биз қўлга киритилган ютуқларга таяниб, ҳозирги кунда халқаро майдондаги янги вазифаларни белгилаймиз. Партия йўлини бутун совет халқи қўллаб-қувватлаётганлиги учун биз белгиланаётган программанинг муваффақиятига қатъий ишонамиз. Бу—бизнинг сиёсатимиз муваффақиятининг асосий гарантиясидир. Бу сиёсат барча халқларнинг туб манфаатларига хизмат қилади, бундай сиёсатнинг келажаги порлоқ! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

II.

БЕШ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ ВА ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқлар! Энди партиянинг ички сиёсати ва аввало, иқтисодий сиёсати масалаларига ўтишга ижозат бергайсиз. Бу — коммунизм йўлидаги курашнинг ҳал қилувчи участкаларидан биридир. Партия билан халқ ўзининг асосий куч-ғайратларини шу соҳага сарфламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳасида баён этилган кўпдан кўп материаллар ҳисобот даврида нималар қилинганлиги ва мамлакат олдида қандай вазифалар турганлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг докладини ҳам тинглайдилар. Шу сабабли Марказий Комитетнинг ҳисоботида экономикани ривожлантириш якунлари ва истиқболларига тааллуқли энг муҳим масалаларгина тилга олинади.

1. ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

Тўққизинчи беш йилликнинг умумий якунлари назарда тутиладиган бўлса, совет халқининг фидокорона меҳнати, партиянинг раҳнамолик, ташкилотчилик фаолияти экономиканинг баркарор ўсишини таъминлаганлиги беш якундир. Беш йилликнинг асосий социал-иқтисодий вазифалари ҳал этилди.

Беш йиллик якунларини шу йиллар мобайнида мамлакатнинг иқтисодий қудрати нақадар кучайганлиги, мутлақ ўсиш қандай бўлганлиги нуқтаи-назаридан баҳо берилса, бу якунлар ғоят жозибадор эканлиги равшан бўлади.

Бу жиҳатдан олганда, шундан аввалги ҳеч бир беш йиллик тўққизинчи беш йилликка тенглаша олмайди. **(Қарсаклар).** Биз саноат маҳсулотини, капитал қурилишни, халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги янги тадбирларни ўтказишга сарфланган давлат маблағини бундан илгариги ҳар қандай беш йилликдагига нисбатан юқори даражада ўстиришга эришдик. Ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Совет Иттифоқи дунёда биринчи ўринга чиқиб олган. Муҳим турдаги маҳсулотлар рўйхати янада салмоқлироқ бўлиб қолди. Кўмир, темир рудаси, цемент ва бошқа бир қанча маҳсулотлар ёнига кейинги йилларда пўлат, нефть, минерал ўғитлар ҳам қўшилди.

(Давоми бешинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми).

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми беш йиллик мобайнида КПСС XXIV съезди Директиваларида кўзда тутилганидек 43 процент кўпайди. Бу — ишчилар синфимизнинг, фан-техника соҳасидаги зиёлилар, ишлаб чиқариш командирларининг буюк муваффақиятидир. **(Қарсаклар).**

Капитал қурилиш кўламини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Хўжаликнинг ҳамма тармоқларига 500 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди, бу эса асосий ишлаб чиқариш фондларини бир ярим баравар ошириш имконини берди. Атиги беш йил ичида ана шундай ютуққа эришилди. Агар бу кўрсаткични 1965 йилги даражага таққосласак, асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда икки баравардан зиёдроқ кўпайди. Салкам ярим аср мобайнида барпо этилган иқтисодий потенциал ёнига атиги ўн йил ичида яна шунча иқтисодий потенциал қўшишга муваффақ бўлдик. **(Қарсаклар).** Ривожланган социалистик жамиятнинг қудратли одимлари ана шундай, зафарларимизнинг кўлами ана шундай. **(Қарсаклар).**

Беш йиллик якунларини баҳолашга яна бир нуқтаи назардан: партия ўртага қўйган энг катта вазифалар қандай ҳал этилганлиги нуқтаи назаридан қараш муҳимдир.

Бу ўринда айтиш лозим бўлган биринчи гап — КПСС XXIV съезди белгилаб берган бош вазифани ҳал этишдаги **— халқнинг турмуш даражасини оширишдаги** муваффақиятлардир. Ҳисобот даври мобайнида бажарилган нисбатан бу қадар кенг социал программа мамлакат тарихида ҳеч қачон бўлмаган эди. **(Қарсаклар).**

Шуни эслатиб ўтиш кифоя қиладики, янги социал тадбирларни ўтказишга шундан аввалги иккита беш йиллик мобайнида сарфланган маблағга тенг келадиган маблағ ажратилди. **(Қарсаклар).** Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар қарийб чорак баравар ортди. Содир бўлаётган ўзгаришларни тасаввур қилиш учун фақат битта фактни айтиб ўтаман: 1975 йилда 1965 йилга нисбатан ҳар бир оила аъзоси ҳисобига ойига юз сўм ва ундан кўпроқ даромад кўраётган аҳоли сони саккиз ярим баравар кўпайди. Бу рақам ўн миллионлаб кишиларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзида туб силжиш бўлганлигини билдиради. **(Қарсаклар).**

Беш йиллик мобайнида 56 миллион кишининг уй-жой шароитлари яхшиланди. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар қирқ процент ошди. Ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг пенсия ва нафақалари, студентларнинг стипендиялари кўпайтирилди. Қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш шароитида катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Шундай қилиб, тўққизинчи беш йиллик мобайнида халқ турмушини анча яхшилашга эришишга муваффақ бўлинди.

Бошқа бир туб проблема — **қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уни техника билан қайта қуроллантириш, колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш** проблемасини ҳал этишда ҳам олға силжидик.

Партия, унинг Марказий Комитети ва Сиёсий бюроси қишлоқ хўжалигига доимо катта эътибор бериб келдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми бошлаган йўлнинг жуда катта аҳамиятини ҳаёт тасдиқлади. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги, қишлоқда ўтказилган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар деҳқончилик ва чорвачиликни юксалтиришга имкон берди.

Съезд делегатлари ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалиги табиат офатларига қарши машаққатли кураш шароитида ривожлантирилганлигини биладилар. Беш йилдан фақат биргина 1973 йил яхши келди, икки йил — 1972 ва 1975 йилларда эса мислсиз қурғоқчилик бўлди. Биронта беш йилликда ҳам қишлоқларимиз бундай ноқулай табиий шароитларга дуч келмаган эди.

Партиянинг қатъият билан кўрган тадбирлари, колхоз ва совхозларда Марказий Комитетнинг даъватига жавобан зўр ғайрат билан қилинган ҳеч бир муболағасиз қаҳрамонона меҳнат вазиятни анча енгиллаштирди. Умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштиришни кўпайтира берди. Саккизинчи беш йилликка нисбатан ҳамма маҳсулотларнинг ўртача йиллик ҳажми 13 процент кўп бўлди. Ўртача йиллик дон ҳосили 14 миллион тонна кўпайди. Гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Пахтакорларимиз билан шоликорларимиз тўғрисида илиқ сўз айтмай бўлмайди. Беш йилликнинг ҳар йили пахта ва шоли етиштиришда катта муваффақиятлар билан нишонланди. **(Қарсаклар).**

Тўққизинчи беш йилликда **ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдек** туб проблемани ҳал этишда ҳам кўпгина муваффақиятлар қўлга киритилди. Меҳнат унумдорлиги жадал ўсганлиги — бунинг энг умумлашма кўрсаткичидир. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 84 процентига, қурилиш ишларини ривожлантиришнинг 78 процентига, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Бу — ишловчилар малакаси ошганлигининг ва ишлаб чиқаришнинг техникавий таъминоти ўсганлигининг натижасидир. Ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан 9.3 миллион йигит-қиз ҳамда олий ва ўрта махсус маълумотли 9 миллиондан кўпроқ мутахассис халқ хўжалигида ишлай бошлади. Шу вақт ичида саноатдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг 40 процентга яқини ва қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг 56 проценти янгиланди. **(Давомли қарсаклар).**

Энергетика, нефть ва газ қазиб олиш, химия, электроника, машинасозлик ва автоматлаш воситалари илдам ривожланганлиги самарадорликни оширишга ёрдам берди. Шу тармоқларнинг маҳсулоти бутун экономикани энг янги техника ва технология базасига ўтказишни жадаллаштираётган ўзига хос тезлатгич бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатнинг ёқилғи, энергия, металл ва хом ашёга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш — тўққизинчи беш йиллик мобайнида биз кенг кўламда ҳал этган яна бир муҳим проблемадир. Табиий ресурслар етишмаётганлиги учун эмас, балки саноат марказларига яқин обод районларда шу ресурсларнинг запаслари чекланганлиги учун бу проблема олдимизда кўндаланг бўлиб қолган эди. Энди биз нефть, газ, кўмир, руда қазиб чиқаришда тобора Шарқ ва Шимолга силжимоқдамиз. Ғарбий Сибирнинг ўзидагина нефть қазиб олиш 1975 йилда қарийб 150 миллион тоннага ва газ қазиб олиш салкам 38 миллиард куб метрга етди. Табиий шароитлари оғир бўлган бу ўлкада қилинган ва қилинаётган ишларни чинакам жасорат деса бўлади. Шундай жасорат кўрсатаётган юз мингларча кишиларга Ватан офарин айтиб, зўр ҳурмат бажо келтирмоқда.

Шундай қилиб, иқтисодий ривожланишимизнинг йўналиши ва характери КПСС XXIV съездининг принципиал йўл-йўриқларига ва Директиваларига тўла-тўкис мувофиқ бўлди. **Тўққизинчи беш йилликда Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишда, халқнинг турмуш даражасини оширишда, мамлакат хавфсизлигини таъминлашда янги катта қадам қўйилди. XXIV ва XXV съездлар ўртасидаги даврда партия иқтисодий фаолиятининг сиёсий якуни ана шундайдир. Совет кишилари қаҳрамонона меҳнатининг бош натижаси ана шундайдир. (Давомли қарсаклар).**

Съездимиз тўла асос билан ҳаммага — коммунистлар ва партиясизларга, эркаклар ва аёлларга, меҳнат ветеранларига ва ёшларга — ўз меҳнати билан Ватанимизни янада кўркам, янада қудратлироқ қилган барча кишиларга астойдил миннатдорчилик изҳор этади. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Кетма-кет ўтиб турган бир-бирига ўхшаш кунлар, ҳаммамизни банд қилаётган одатдаги кундалик ишлар билан овора бўлиб, атрофимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг аҳамияти ва кўламини кўпинча тўла-тўкис тасаввур қилмаётганлигимиз кўпданоқ маълум. Ҳатто космосга қилинаётган парвозлар ҳам қандайдир одатий ва оддий воқеа бўлиб қолди. Янги заводларни ишга тушириш ёки, айтайлик, янги уй-жой кварталларига одамларнинг кўчиб кириши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳамма нарса худди шундай бўлиши муқаррардек туйилади. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши лозим, ўртоқлар. Бунинг сабаби шуки, ҳар куни эрталаб ўн миллионларча кишилар ўзларининг навбатдаги, энг оддий иш кунини бошлайдилар: станокларни юргизадилар, шахталарга тушадилар, далага чиқадилар, микроскопларга тикиладилар, ҳисоб-китоблар ва графиклар тузишга киришадилар. Эҳтимолки, улар ўз ишларининг улуғлигини ўйламаслар. Аммо улар, айни шу кишилар партия режаларини бажариб, Совет мамлакатини тараққиётнинг янги-янги чўққиларига кўтармоқдалар. **(Давомли қарсаклар).** Бинобарин, биз ўз замонамизни буюк зафарлар даври деб атар эканмиз, замонамизни шундай даражага етказган кишиларга офарин айтамиз, — биз меҳнат аҳлига таҳсин ўқиймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Биз ўтган йилларга назар ташлар эканмиз, муваффақиятларнигина эмас, шу билан бирга қийинчиликлар, камчиликлар, ҳал этилмаган проблемаларни ҳам кўрамиз, албатта. Булар Марказий Комитетнинг Пленумларида, партия йиғилишлари ва конференцияларида, республикалар Компартияларининг съездларида коммунистларга хос ўз-ўзини танқид асосида батафсил анализ қилинди.

Объектив тарздаги қийинчиликларни юқорида эслатиб ўтдим. Кам ҳосил йиллар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга ва халқ истеъмол қиладиган айрим молларни ишлаб чиқаришга, миллий даромадни ўстириш суръатларига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди.

Аммо гап объектив сабаблар устидагина бораётгани йўқ, зотан бу ҳақда ошкора гапирмоқ керак. Ҳамиша ва ҳар ишда ҳам биз ўзимиз чиқарган қарорлар талабларига яраша ишладик, дея олмаймиз. Планлаштиришни такомиллаштириш, хўжалик механизмини қайта қуриш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўли белгиланганидан кўра сустроқ амалга оширилди. Ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисми муддатида ишга туширилмади ёки ўзлаштирилмади. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи бир неча марта ўртага қўйилган ва қатъият билан таъкидланган бўлишига қарамай, кўп тармоқларда бу масала ҳозир ҳам танг аҳволда турибди. План, технология ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларидан ҳали ҳам халос бўла олганимиз йўқ.

Буларнинг ҳаммаси ўтган беш йилликдаги катта-катта ижобий натижаларга рахна солиши мумкин эмас, албатта. Аммо, бу камчиликларни кўриш, уларга қарши янада қатъият билан курашиш учун кўриш муҳимдир, ўртоқлар.

Ҳозир биз партия билан мамлакат ҳаётидаги янги катта босқич бўсағасида турибмиз. Ўнинчи, таъбир жоиз бўлса, — юбилей беш йиллиги бошланди. Хўжалик фаолияти якунларини партиявий талабчанлик руҳида чуқур анализ қилиш эса, янги тажриба, янги ижодий изланишлар, янги куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилиши керак. **(Қарсаклар).**

2. ПАРТИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўртоқлар! Юқорида айтилганидек, XXIV съезд ривожланган социалистик жамият шароитида иқтисодий сиёсатнинг туб масалалари юзасидан принципиал йўл-йўриқлар берди. XXV съезд шу йўл-йўриқларни янги беш йилликка ва анча олис истиқболга тадбиқан конкретлаштириши лозим. Ўзининг бош вазифалари, хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари жиҳатидан тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик планлар яхлит бир пландан иборат. Бунда гап партия иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатли йўналиши тўғрисида бораётир, бу йўналишни биз, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «ишимиз, сиёсатимиз, тактикамиз, стратегиямизнинг умумий плани» (В. И. Ленин, Асарлар, 33-том, 525 бет), деб биламиз.

Ҳар қандай стратегия каби партиянинг иқтисодий стратегияси ҳам вазифаларни ўртага қўйишдан, фундаментал, узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларни белгилашдан бошланади. Халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини муттасил юксалтириш шу мақсадлар орасида олий мақсад бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Иқтисодий стратегия ўртага қўйилган мақсадларга эришиш воситаларини, йўлларини аниқ белгилашни ҳам ўз ичига олади. Бу восита ва йўллар—ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ва пропорционал ривожлантиришдан, унинг самарадорлигини оширишдан, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан, меҳнат унумдорлигини ўстиришдан, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида иш сифатини ҳар тарафлама яхшилашдан иборат. Ўнинчи беш йилликнинг бош вазифаси ҳам ана шулардан таркиб топади, бу вазифа партия Марказий Комитетининг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳужжатида таърифлаб берилган.

Аввалги съезд қарорларига мувофиқ ўнинчи беш йиллик план мамлакат экономикасини 1990 йилгача бўлган истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш билан айни бир вақтда тайёрланди. Ўн беш йилга мўлжалланган йўл-йўриқлар беш йиллик планлар сингари Директива характерига эга бўлмаслиги ва бундай бўлиши лозим ҳам эмаслиги ҳамда бу қадар батафсил ишлаб чиқилиши мумкин эмаслиги равшан. Уларнинг вазифаси бошқа— олдимизда турган вазифаларнинг характери ва кўламини барвақт аниқлаш ҳамда бутун кучни шу вазифаларни ҳал этишга жамлашдан, эҳтимол тутилган проблемалар ва қийинчиликларни равшанроқ кўришдан, беш йиллик доирасидан ташқари чиқадиган программалар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бажаришни осонлаштиришдан иборат.

Истиқболдаги конкрет рақамлар, вазифалар устида ҳали катта иш қилиниши лозим. Аммо, ҳозирнинг ўзидаёқ тайёрлаб қўйилган ҳисоб-китобларга қараб, шуни айтиш мумкин: 1976—1990 йилларда мамлакат бундан аввалги ўн беш йилдагига қараганда тахминан икки баравар кўп моддий ва молиявий ресурсларга эга бўлади. **(Қарсаклар).** Шу тариқа партия Программасида, сўнгги съездларда ўртага қўйилган асосий социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун янги имкониятлар вужудга келади. Бу гап, аввало **совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишга, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, соғлиқни сақлаш, маориф, маданиятни анча тараққий эттиришга, —хуллас янги инсонни камол топтиришга, шахсни ҳар тарафлама вояга етказишга, социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришга кўмаклашадиган ҳамма соҳаларга тааллуқлидир. (Қарсаклар).**

Ўтган ўн беш йил мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар мамлакатда тахминан икки баравар, моддий неъматлар ва хизматларнинг жами ҳажми эса тахминан 2.4 баравар кўпайди. Бу нарса келгуси ўн беш йилда ўртага қўйилиши мумкин бўлган вазифаларнинг кўлами тўғрисида тасаввур беради. Ҳар бир беш йилликда совет кишиларининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол моллари билан таъминланиши ўсиб боради. Бошқа катта социал проблемаларни, аввало уй-жой проблемасини ҳал этишда ҳам кўп иш қилинади.

Бу соҳаларда ўнинчи беш йилликдаёқ анчагина олға силжиш планлаштирилмоқда. Баъзи бир конкрет кўрсаткичларни эслатиб ўтаман.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақини беш йил ичида 16—18 процент, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадларини эса 24—27 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Аҳолига ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар 28—30 процент ортади. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини, шунингдек маиший хизмат соҳасини ривожлантиришга ўнинчи беш йилликда аввалги беш йилликдагига нисбатан 6 миллиард кўп—жами 31 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарф қилинади.

Чакана товар обороти ҳажмини 60 миллиард сўмлик миқдорда кўпайтириш белгиланмоқда. Партия бундан буён ҳам асосий молларнинг стабил давлат чакана нархларини таъминлаш йўлини ўтказа беради ҳамда зарур шарт-шароитлар вужудга келишига ва ресурслар тўпланишига қараб айрим турдаги молларнинг нархларини камайтира беради.

Марказий Комитет асосий йўналишлар лойиҳасини ишлаб чиқаётганида уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берди. Беш йиллик учун белгиланган контроль рақамга мувофиқ 550 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Биз лойиҳачилар ва қурувчилардан квартираларнинг тузилишини яхшилашни, шинам, сифатли, кўркам бинолар қуришни қаттиқ талаб қилаверамиз. Айни вақтда мебель, рўзғор техникаси, идиш-товоқ ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Янги квартирадаги ҳамма нарса одамларга қувонч бахш этиши керак. Биз уй-жой проблемасини айни шу тарзда—комплекс, ҳар тарафлама ҳал этишга интиламиз.

Социал вазифалар орасида совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Бизнинг бу соҳадаги муваффақиятларимиз ҳаммага маълум. Бироқ, бу соҳадаги проблемаларни ҳам пайқаш лозим. Бу проблемалар соғлиқни сақлашни ташкил этишни яхшилаш, касалхоналар ва поликлиникалар тармоғини кенгайтириш, медицина асбоб-ускуналари ва ғоят самарали дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан боғлиқдир. Бу проблемалар шунингдек, медицина фанини янада ривожлантириш билан, энг хатарли касалликларни тугатиш йўлида кенг кўламдаги курашни кучайтириш билан ҳам боғлиқдир. Оналар ва болаларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза этишни яхшилаш, курортлар, дам олиш уйлари, пансионатлар тармоғини кенгайтириш учун кўп иш қилиниши лозим.

Афсуски, айрим медицина муассасаларининг иш савияси хусусида меҳнаткашлар ҳали ҳам ҳақли эътироз билдираётганликлари маълум. Соғлиқни сақлаш министрлиги бундан зарур хулосалар чиқариб олиши керак. Ўнинчи беш йилликда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга катта маблағ ажратилади. Бу маблағлардан ўринли ва тўла-тўкис фойдаланиш лозим. Бу масалаларга доимо эътибор бериб туриш —иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг, маҳаллий Советларнинг бевосита вазифасидир.

Партиянинг меҳнаткашлар тўғрисидаги ғамхўрлиги маориф ва маданиятни янада ривожлантиришга доир тадбирларда ҳам ўз ифодасини топади. бу масалалар ҳақида ҳали яна гапираман.

Партия кенг социал программани ўртага қўяр экан, бу программанинг бажарилиши ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг меҳнат ғайратини оширишга кўмак беришига, ҳар бир кишининг яхшироқ ишлашига янги омил бўлиб хизмат қилишига асосланади, бунинг аҳамияти қандайлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Зеро, ишлаб чиқаришни ўстириш, маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашгина халқ фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи ва энг асосий шартидир.

Мамлакат иқтисодий қудратини янада ошириш, ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш ва тубдан янгилаш, экономика пойдевори бўлган оғир саноатни муттасил балансли ўстиришни таъминлаш — партия иқтисодий стратегиясининг ўнинчи беш йилликни ҳам, узоқ муддатли истиқболни ҳам қамраб олган ўзагидир.

Бу нарса мамлакатнинг металл, ёқилғи, энергия, химия маҳсулотлари, ёғоч ва қурилиш материалларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириши лозим бўлган тармоқлар олдига жуда катта вазифалар қўяди.

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини замонавий машиналар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаши лозим бўлган тармоқлар зиммасига, машинасозлик зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Ўнинчи беш йилликнинг ўзидаёқ машинасозлик маҳсулотининг умумий ҳажмини бир ярим баравардан зиёд кўпайтириш белгиланган. Айни вақтда унинг структураси яхшиланиши, янада эпчил ва техника янгиликларига сезгир бўлиши лозим. Бу эса станоксозлик, приборсозлик, электр-техника ва электроника саноатини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилишини талаб қилади.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби оғир саноатни ривожлантириш учун ҳам икки-уч беш йилликка мўлжалланган катта комплекс программаларни —ёқилғи-энергетика комплексини, металлургияни, машинасозликнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш программаси сингари программаларни ишлаб чиқиш тобора каттароқ аҳамият касб эта беради. Бундай программаларни узоқ муддатли асосдагина ишлаб чиқиш, уларни ўзаро узвий равишда боғлаш, уларни ресурслар билан таъминлаш, вақт жиҳатидан мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Бу программаларда Ватанимиз ва жаҳон фани ҳамда техникасининг узлуксиз тараққиёти, бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш имкониятлари ҳисобга олиниши кераклиги табиийдир. Бу программаларда мамлакат ичкарисидаги ишлаб чиқарувчи кучларни янада мақсадга мувофиқ равишда жойлаштириш, айниқса хом ашё ва ёқилғига бой бўлган янги районларни ўзлаштириш эҳтиёжлари назарда тутилиши ҳам лозим.

Жумладан, Ғарбий Сибирь комплекси янада ривож топади, келгусида бу комплекс умумиттифоқ балансига нефть ва табиий газнинг ярмига яқинини, синтетик каучук ва пластмассанинг анчагина қисмини етказиб бериши мумкин.

Шарқий Сибирнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўзлаштиришда принципиал жиҳатдан янги босқич белгиланмоқда. Саян комплексининг ўзи металлургия ва машинасозликка ихтисослашадиган бир қанча саноат узелларини ўз таркибига олади, дунёдаги энг кучли Саян-Шушенск ГЭСи унга энергия берадиган бўлади.

Байкал—Амур темир йўл магистралининг қурилиши катта аҳамиятга эга бўлади. Чамаси, яқиндагина дастлабки қурувчилар овлоқ чакалакзорларнинг абадий жимлигини бузган эдилар. Энди ишлар қизғин тус олиб кетди. БАМ—Тинда трассасида поездларнинг иш ҳаракати муддатидан илгари бошланди, 70 та кўприк қурилди, салкам 1200 километр автомобиль йўли очилди, қурувчилар иш суръатини тобора кучайтирмоқдалар.

Қаҳрамон кашшофлар коллективларини партия XXV съезди номидан қизғин табриклашга ижозат бергайсизлар. Уларнинг меҳнати битмас-туганмас табиий бойликларни Ватанга хизмат қилдиради, Сибирь, Шимол, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқнинг бепоён районларига янги ҳаёт бахш этади. Уларнинг машаққатли, аммо мамлакат учун жуда зарур ишларига муваффақиятлар тилаймиз, ўртоқлар. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Мамлакат олдида турган хилма-хил иқтисодий ва социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун **меҳнат унумдорлигини тез ўстириш, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш**дан бошқа йўл йўқ. Самарадорликка зўр бериш—бутун иқтисодий стратегиямизнинг жуда муҳим таркибий қисми эканлиги ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келади.

80-йилларда бу вазифанинг ҳал этилиши айниқса зарур бўлиб қолади. Бу нарса, аввало, меҳнат ресурслари проблемаси кескинлашиши билан боғлиқдир. Биз қўшимча ишчи кучи жалб этишга эмас, балки фақат меҳнат унумдорлигини оширишга умид боғлашимиз лозим. Қўл меҳнати салмоғини кескин камайтириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш иқтисодий юксалишнинг зарур шарти бўлиб қолмоқда.

Шуни ҳам айтиш кераки, мамлакатнинг энергия ва хом ашёга бўлган эҳтиёжлари тобора ўсмоқда, уларни ишлаб чиқариш эса тобора қимматга тушмоқда. Бинобарин, капитал маблағларни ҳаддан ташқари кўпайтириш йўлини тутмасдан, ресурслардан янада рационалроқ фойдаланишга, шу жумладан, маҳсулот тайёрлашга ишлатиладиган металлни камайтириш, арзонроқ ва самаралироқ материалларни қўлланиш, шунингдек уларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига ресурслардан янада рационалроқ фойдаланишга эришиш керак.

Ниҳоят, халқ хўжалиги ривожлана борган, шаҳарлар ва саноат марказлари ўса борган сари атроф муҳитни сақлашга тобора кўп маблағ талаб қилинадиган бўлади, — шу беш йилликнинг ўзида бу мақсадларга 11 миллиард сўм ажратилмоқда. Иқтисодий потенциал ва меҳнаткашларнинг фаровонлиги юксак суръатлар билан ривожланган шароитда бу маблағ кўпая беради. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли билангина олиниши мумкин.

Келгуси даврда биз транспорт, алоқа, моддий таъминот системасини—инфраструктура деб аталган ҳамма соҳаларни жадал ривожлантиришга кўпроқ ресурслар ажратишимиз лозимлигини ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди. Ўтмишда шу соҳаларнинг кўпларига, жумладан, йўл қурилишига, омбор хўжалигига биз унчалик эътибор бера олмаган эдик. Энди бу иш билан шуғулланишга ва жиддий равишда шуғулланишга тўғри келади.

Шуларнинг ҳаммаси кўпгина масалаларни келтириб чиқаради. Жуда катта иш қилиниши лозим. Аслини олганда, халқ хўжалигининг структураси ва техникавий даражасида чуқур сифат силжишлар қилинишига эришиш, унинг ўз қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириш керак. Партиянинг самарадорликни ошириш тўғрисидаги йўл-йўриқлари амалда ана шундай маънони билдиради.

Янги беш йиллик бу соҳада ҳам катта роль ўйнаши лозим— уни **самарадорлик ва сифат беш йиллиги** деб атаганликлари бежиз эмас. Бу унинг энг асосий хусусиятларидан биридир.

Биз миқдорни ҳам унутмаймиз, албатта. Ўнинчи беш йиллик давридаги совет экономикаси—чинакам улкан кўламдаги экономика бўлади. Чунончи, миллий даромадни 1980 йилда 457,5 миллиард сўмга етказиш, яъни 96 миллиард сўм миқдорда кўпайтириш планлаштирилмоқда. Саноат маҳсулоти деярли 197 миллиард сўмлик миқдорда ортиб, 720 миллиард сўмликдан ошиб кетади.

Шу билан бирга, бир қанча позициялар соҳасида ўсиш суръатларни тўққизинчи беш йилликдагидан бирмунча камроқ қилиб белгиланди. Бунинг сабаби нима? Бу ўринда ўтган йиллардаги қийинчиликлар бирмунча ўз аксини топди. Аммо, бу асло биринчи даражали бўлмаган вақтинчалик омилдир. Асосий нарса шундан иборатки, биз бу беш йилликда халқ хўжалигининг янада балансли ва пропорционал ривожланишини таъминлашга, ишнинг сифат кўрсаткичларини ошириш учун яхшироқ шароит яратишга интилдик. Экономиканинг ҳамма тармоқларини, ҳар бир министрлик ва корхона ишини самарадорлик ва сифатни қатъият билан оширишга қаратиш—бу эндиликда энг муҳим вазифадир, ўртоқлар.

Биз сифат проблемасини жуда кенг маънода тушунамиз. Бу проблема хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Юқори сифат деганда меҳнатни ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини кўпайтириш, пировард натижада эса жамият эҳтиёжларини яхшироқ, янада тўларoқ қондириш маъносини тушунмоқ керак. Шу боисдан ҳам планлаштириш ва бошқаришнинг бутун механизми, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бутун системаси, инженерлар ва конструкторларнинг куч-ғайратлари, ишчиларнинг маҳорати маҳсулот сифатини оширишга қаратилиши зарур. Партия ташкилотлари, касаба союзлари ва комсомол бу масалага доимо зўр диққат-эътибор беришлари керак.

Самарадорлик йўли ўнинчи беш йилликда саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг тахминан 90 проценти, қишлоқ хўжалиги ва қурилишдаги маҳсулотни кўпайтиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланиши лозимлигида ўз ифодасини топади. Умуман, мамлакат миллий даромадини кўпайтиришнинг 85—90 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади. Ўтган беш йилликда миллий даромадни кўпайтиришнинг 80 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинган эди.

Шу жиҳатдан олганда иш вақтининг зое ўтиши ва бекор туриш, бир маромда ишламаслик, меҳнат ва технология интизомининг бўшлиги, бир қанча корхоналарда кадрлар қўнимсизлигининг кўплиги сингари камчиликларга айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Моддий ва молиявий ресурслардан янада тежаб-тергаб, ўринли фойдаланиш зарур. Бу масалалар КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги декабрь Пленумида кескин қилиб қўйилди. Жамиятимизнинг бойлиги нақадар кўпаймасин, қаттиқ иқтисод қилиш ва тежамкорлик халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти бўлиб қола беради. **(Қарсаклар).**

Ҳар бир сўмни, ҳар бир меҳнат соатини, маҳсулотнинг ҳар бир тоннасини аниқ ҳисоблаш ва ундан самарали фойдаланиш, хўжасизлик ва тартибсизликни мутлақо тугатиш— бизнинг юксак партиявий бурчимиздир. Зеро, биз ўзимиз учун энг азиз бўлган Ватан бойлиги ва қудрати йўлида, халқ фаровонлиги ва равнақи йўлида тежаймиз.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўнинчи беш йилликда лойиҳалаштириб қўйилган кўрсаткичларига капитал маблағни кўпайтиришнинг аввалги беш йилликдагига қараганда камроқ суръатлари ёрдамида эришиш мўлжалланмоқда. Капитал маблағларнинг жами ҳажми анча салмоқли, тахминан 630 миллиард сўм бўлади. Аммо, унинг ҳажми тўққизинчи беш йилликдаги 42 процент ўрнига 24—26 процент кўпаяди. Биз шундай қилишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, чунки ҳозир ишлаб турган асбоб-ускуналардан, барпо этиб қўйилган қувватлардан янада тўла-тўкис фойдаланишга кўпроқ зўр беришни муҳим деб ҳисоблаймиз. Шунинг ўзи халқ хўжалигини интенсивлаш йўлидир.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланилмаётганлиги оқибатида биз йил сайин кўп миллиардлаб сўмлик маҳсулотни кам оляпмиз. Бу — бевосита исрофгарчилик деб аталган нарсадир. Аммо, кўпгина министрликлар ва идоралар ихтисослаштиришни актив ривожлантириш, маблағларни тармоқлараро ишлаб чиқаришлар фойдасини кўзлаб қайта тақсимлаш, инструмент ва мосламалар; унификация қилинган узеллар ва деталлар ишлаб чиқарадиган махсус заводлар барпо этиш йўлини тутмаётганлиги оқибатида эҳтимолки бундан ҳам кўпроқ исрофгарчилик бўлаётгандир. Ремонт базаси ҳаддан ташқари тарқоқ тус олиб кетган. Бу тенденциялар ресурсларнинг ҳамма турларини кўплаб исроф қилишга олиб боради.

Шундай бўлмоқдаки, кўпгина хўжалик раҳбарлари ўзларини ҳамма нарса билан ўзлари таъминлашга интиладилар —шундай қилса иш пухтароқ бўлади, чунки «бегона» таъминотчилар панд бериб қўйишлари мумкин, деб ўйлайдилар. Бизда план ва шартнома интизоми кўп бўғинларда ҳали ҳам бузилиб турганлиги шундай психологияни юзага келтирмоқда. Аммо, натурал хўжалик ва идоравий маҳдудлик тенденцияларини рағбатлантириш йўли билан эмас, балки интизомни кучайтириш йўли билан бу нуқсонга қарши курашиш керак. Партия, Марказий Комитет бу зарарли тенденцияни тугата олишларига, бунинг учун зарур бўлган ҳамма ишни қилишларига аминман.

Капитал қурилишга келганда, ҳозирги кун вазифалари тўғрисида гапириладиган бўлса, бутун куч-қувватни 1976 йилда ишга тушириладиган объектларга тўплаш ва бу объектларни йил охирида эмас, балки планда белгиланган аниқ муддатларда ишга тушириш муҳимдир. Янги ишга туширилган корхоналарда лойиҳада белгиланган кўрсаткичларга эришиш муддатлари хусусида ҳам шу гапни айтиш керак.

Эртанги кун янада қатъий чоралар кўришни талаб қилади. Капитал маблағларни планлаштириш ва шу маблағлардан фойдаланишга ёндошишнинг ўзини ўзгартириш, ишлаб турган корхоналар билан янги қурилаётган корхоналарни бир бутун комплекс сифатида планлаштиришни таъминлаш лозим. Капитал маблағларни министрликлар билан идоралар умуман, янги объектлар учун эмас, балки планда белгиланган маҳсулотни кўпайтириш учун ажратишлари керак. Моддий ва молиявий ресурсларни аввало ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун, — янги объектлар қурмай туриб, ёки озроқ капитал чиқим қилиб, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мумкин бўлган соҳаларга сарфлаш зарур.

Тез, тежамли ва замонавий техника асосида қуриш—капитал қурилишда юксак самарадорликка эришишнинг шартларидир. Бинобарин, биз кўп миллионли қурувчилар армияси айни шундай ишлашига аминмиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ҳамма беш йиллик планлар каби ўнинчи беш йиллик план ҳам улуғ социалистик Ватанимизни ташкил этувчи ҳамма республикалар, миллатлар ва элатларни ривожлантириш программаси бўлади. Совет жамиятининг иқтисодий ва социал тараққиёти — Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон, Белоруссия ва Молдавиянинг, Ўрта Осиё, Болтиқ бўйи, Закавказье республикаларининг тараққиёти демакдир. Бутун мамлакат миқёсида таркиб топган яхлит хўжалик организми — халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам моддий негизидир. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети шуни мамнуният билан таъкидлайдики, «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳанинг муҳокамаси ҳамма жойда, барча областлар, ўлкалар ва республикаларда сиёсий активлик вазиятида, ишчанлик характерида ўтди. Бу муҳокама меҳнаткашларнинг партия томонидан ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишдан ғоят манфаатдорлигини яна бир карра намойиш қилди. Лойиҳани муҳокама қилишда 7,6 миллион киши сўзга чиқди. Бир миллиондан ортиқ таклиф ва истаклар айтилди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси тузган махсус комиссия меҳнаткашлар айтган таклифларни беш йиллик план устидаги ишда ҳисобга олиш учун кўриб чиқади.

Коммунистлар, бутун совет халқи партиянинг иқтисодий сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаганлиги, янги беш йиллик биринчи йилининг дастлабки ойларидан бошлабоқ зарбдор меҳнат қилинаётганлиги —навбатдаги беш йиллик план муваффақиятли бажарилишининг муҳим шартидир. Ҳар бир коммунист, муштарак ишимиз учун жон куйдираётган ҳар бир киши партия Директиваларини оғишмай амалга ошириши, жамият, давлат, халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиши, шундай ва фақат ана шундай ишлаши лозим. **(Давомли қарсаклар).**

3. ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ЭКОНОМИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ўртоқлар! Мен айтиб ўтган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари ва хусусиятлари орасида съездда махсус равишда кўриб чиқишга арзийдиган бир қанча конкрет асосий проблемаларни алоҳида ажратиб олиш мумкин. Шу масалалар ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтаман.

Фан — техника тараққиётини жадаллаштириш

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда. Бу вазифанинг аҳамиятини КПСС XXIV съезди зўр куч билан таъкидлаганлиги ёдингизда бўлса керак. Биз, коммунистлар социализм шароитидагина фан-техника революцияси инсон ва жамият манфаатларига мос келадиган тўғри йўналиш касб этади, деб ҳисоблаймиз. Ўз навбатида фан ва техникани жадал ривожлантириш асосидагина социал революциянинг туб вазифалари ҳал этилиши — коммунистик жамият қурилиши мумкин.

Биз съезд қарорларини бажариб, фан-техника потенциалини сезиларли равишда юксалтиришга эришдик. Илмий тадқиқотлар жабҳаси янада кенгайди. Юз мингларча ихтирочилар ва рационализаторларнинг ижоди янада кўпроқ кенгайиб бормоқда. Бирталай илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, бутун-бутун тармоқлар техника соҳасида илғор марраларга чиқиб олди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналарнинг кўпгина турлари, машиналарнинг айрим типлари, бир қанча технология жараёнлари дунёдаги энг яхши ютуқлар даражасига етди.

Айни вақтда ҳамма соҳадаги ишларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳисоботларда «янги» маҳсулотлар қаторига қўшилган бўлса ҳам аслида техникавий савияси жиҳатдан эмас, балки ишлаб чиқарилган куни жиҳатидангина янги бўлган маҳсулот турлари ҳам учраб турибди. Бу гап, жумладан, қурилиш ва йўл машиналарини, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун керакли асбоб-ускуналарни, бинокорлик материалларини, қуюв машиналарини ва бошқа айрим турдаги буюмларни тайёрлаб бераётган бир қанча корхоналарнинг маҳсулотига тааллуқлидир. Фан ютуқлари айрим экспериментларда (бу экспериментлар ғоят порлоқ бўлса ҳам) ва кўргазмага қўйилган нусхалардагина эмас, шу билан бирга ноёб машиналардан тортиб, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган буюмларгача бўлган маҳсулотларнинг минг-минглаб янги турларида ҳам тезроқ ўз ифодасини топиши учун ҳали кўп иш қилиниши даркор. Янги илмий ғояларни амалда татбиқ этиш — ҳозир уларни ишлаб чиқиш каби жуда муҳим вазифадир.

(Давоми олтинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми)

Бу гапларни фундаментал фанга қизиқишни камайтириш деган маънода тушуниш ярамайди, албатта. Яхши назариядан кўра ҳам зўрроқ амалиёт йўқ дегани—ҳақ гап. Фундаментал тадқиқотлар чашмаси доимо қулф уриб турмаса, фан-техника тараққиётининг жўшқин оқими қуриб қолишини биз жуда яхши биламиз.

Партиянинг йўли катта фанни ривожлантириш тўғрисида, унинг бош штаби — Фанлар академияси ҳақида бундан буён ҳам доимий ғамхўрлик қилишдан иборат. Ўтган кузакда 250 йиллик юбилейи кенг нишонланган академияда фан аҳилларининг дурдонаси — битмас-туганмас тажриба орттирган илмий мактаблар ва йўналишларнинг асосчилари, илм-фан чўққилари сари янги йўл очаётган энг талантли ёш олимлар тўпланган. Партия академиянинг фаолиятини юксак қадрлайди ва назарий тадқиқотлар маркази, мамлакатдаги жамики илмий ишларнинг координатори бўлган академиянинг ролини янада баланд кўтаради. **(Қарсаклар).**

Партия Марказий Комитети билан ҳукуматнинг топширувига биноан, академия институтлари министрликлар ва идоралар билан биргаликда 1976—1990 йилларга мўлжалланган фан-техника тараққиёти ва унинг социал-иқтисодий оқибатлари комплекс программаси лойиҳасини тайёрлаб бердилар. Программа устидаги ишни давом эттириш — бу программа жорий ва узоқ муддатли планлаштиришнинг таркибий узвий қисмини ташкил этиб, шундай йўл-йўриқларни ўз ичига оладики, бу йўл-йўриқларни билмай туриб экономикага муваффақиятли раҳбарлик қилиб бўлмайди.

Биз тармоқ тадқиқот институтларида, конструкторлик ва лойиҳа ташкилотларида меҳнат қилаётган, фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштиришни бевосита таъминлаётган олимлар ва мутахассисларнинг ишига катта аҳамият бераяпмиз.

Фан-техника революциясининг муваффақияти, унинг экономикага, жамият турмушининг ҳамма соҳаларига самарали таъсири фақат илмий ходимларнинг куч-ғайратлари билангина таъминланиши мумкин эмас. Тарихий аҳамиятга молик бўлган бу жараёнга ижтимоий ишлаб чиқаришдаги, хўжалик механизми ҳамма бўғинларидаги барча ходимларни жалб этиш тобора катта аҳамият касб қилмоқда.

Фан ва техникадаги революция хўжалик фаолияти услуби ва методларини тубдан ўзгартиришни, қолоқлик ва мутаассибликка қарши кескин кураш олиб боришни, фанга чинакам ҳурмат билан қарашни, фан аҳиллари билан маслаҳатлашиш, ҳисоблашиш маҳорати ва истагини талаб қилади. Фан ва техникадаги революция янги ғояларнинг ихтиро этилишидан тортиб оммавий равишда ишлаб чиқарилганича бўлган бутун занжир бўйлаб тезроқ амалга оширилишига тўла-тўкис имкон берадиган, эскирган маҳсулот чиқарилишига мустаҳкам иқтисодий тўсиқ қўядиган шарт-шароитлар вужудга келтирилиши учун планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштиришни талаб қилади.

Шуларнинг ҳаммаси — жуда муҳим партиявий вазифалардир. Бинобарин, бутун хўжалик қурилишимизда ҳозир бундан ҳам актуалроқ ва бундан ҳам масъулиятлироқ вазифа йўқ, деса бўлади.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш— умумхалқ вазифаси

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта иш қилиниши керак. Бу соҳада партия бир-бири билан боғлиқ бўлган икки мақсадни ўртага қўймоқда. Биринчиси: мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан узлуксиз таъминлашга эришиш, бунинг учун ҳамиша етарли резервларни муҳайё қилиб қўйиш бўлса, иккинчиси: шаҳар билан қишлоқ турмушининг моддий ва маданий-маиший шароитларини бир-бирига тобора яқинлаштириш йўлидан янада олға боришдир, бу эса бизнинг программамизга ёзиб қўйилган талабдир.

Бу мақсадларнинг ҳар иккаласи иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан принципиал аҳамиятга эгадир. Уларнинг иккаласи ҳам ленинча аграр сиёсатнинг ижодий ривожланишидан иборат бўлган партия йўл-йўриқларининг мазмунини белгилаб беради. Бу — колхозчи деҳқонлар билан ишчилар синфининг туб манфаатларига батамом мос келадиган замон синовидан ўтиб, умумхалқ томонидан маъқулланган йўл-йўриқлардир. Демак, улар тўғри йўл-йўриқлардир. **(Қарсаклар).** Демак, партия бундан буён ҳам шу йўл-йўриқларга амал қилаверади. **(Давомли қарсаклар).**

Биз — реалистлармиз. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини сифат жиҳатидан ўзгартириш вақт, меҳнат, жуда катта маблағ талаб қилишини яхши биламиз. Шу боисдан ҳам биз асосан объектив-тарихий характердаги бир қанча сабабларга кўра кейинги вақтлардагина бу тармоққа кўпроқ маблағ ажрата бошладик. Қишлоқ хўжалиги Совет ҳокимиятининг ҳамма йиллари давомида олган уч юз йигирма миллиард сўм капитал маблағдан 213 миллиард сўми кейинги иккита беш йилликка тўғри келади. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар учта асосий йўналишга мужассамлаштирилди:

Механизация. Колхоз ва совхозлар кейинги ўн йил ичида уч миллионтадан кўпроқ трактор ва 900 мингта дон комбайни, бир миллион саккиз юз мингта юк ва ихтисослаштирилган автомобиль, кўп миллиард сўмлик бошқа қишлоқ хўжалик техникаси олдилар; қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг энергия таъминоти икки баравар кўпайди.

Мелиорация. Суғориладиган 6,4 миллион гектар ва захи кетказилган 8 миллион гектардан кўпроқ ер экинзорга айлантирилди. Ерларнинг ҳолатини яхшилаш соҳасида бошқа катта ишлар ўтказилди.

Химиялаш. 1966 йилдан 1975 йилгача ўғитлардан фойдаланиш 2,8 баравар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан фойдаланиш икки баравардан зиёд кўпайди.

Шуларнинг ҳаммаси пухта замин яратиш имконини берди — бу замин қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш учун мустаҳкам, салмоқли заминдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ биз бунинг сезиларли натижаларини олиб турибмиз. Икки беш йиллик мобайнида дон экинларининг ҳосилдорлиги 1,4 баравар кўпайди. Жамоат хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги 58 процент ошди. Умуман бир кишига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш деярли чорак баравар кўпайди, мамлакат аҳолиси 23 миллион киши кўпайган бир шароитда шундай натижага эришилди.

Ўртоқлар! Эришилган натижаларни муносиб баҳолаш билан бирга биз қишлоқ хўжалигини техника, ўғит, энергия билан қуроллантиришнинг ҳозирги замон шароитлари даражасини таъминлаш учун ҳали жуда кўп иш қилиниши лозимлигини равшан кўриб турибмиз. Шу сабабли вазифа партия ишлаб чиққан йўлни келгусида ҳам шу қадар қатъият билан амалга ошира боришдан иборат. Биз худди шундай иш тутаяпмиз. **(Қарсаклар).** Янги беш йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 172 миллиард сўм, яъни ўтган беш йилликка нисбатан 41 миллиард сўм кўп пул сарфлаш мўлжалланмоқда. Съезд делегатлари, бутун Марказий Комитетнинг шу йўлини қўллаб-қувватлашларига аминман. **(Давомли гулдурос қарсаклар).**

Ўнинчи беш йилликда колхоз ва совхозлар тўққизинчи беш йилликдаги 307 миллион тонна ўрнига 467 миллион тонна ўғит олади. Техника етказиб бериш 1,5 баравар кўпаяди, бу техника янада замонавий, серунум ва хилма-хил машина-механизмлардан иборат бўлади. Бу эса дон хўжалигини комплекс механизациялашни асосан туґаллашга, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларидаги, шунингдек чорвачиликдаги механизация даражасини анча оширишга яқинлашиш имконини беради.

Мелиорация ишлари ҳажми кенгаяди. Шу дамгача қилинган ишларга, мамлакатдаги мавжуд 25 миллион гектардан кўпроқ суғориладиган ва захи кетказилган ерларга беш йил ичида яна 9 миллион гектар ер қўшиш мўлжалланмоқда. Қора тупроқли бўлмаган зонадаги мелиорация ишлари кенг ривожланади. Мамлакат Европа қисмининг жанубида ва жануби-шарқида, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда янги катта суғориш системалари барпо этилади. Бу — жуда катта иш-дир. Илғор хўжаликлар суғориладиган ерларда лалмикор ерлардагига қараганда уч-тўрт баравар кўп ҳосил етиштирмоқдалар. Уларнинг тажрибасидан фойдаланиб, кадрларни тайёрлаб, ҳамма жойда ҳам шундай натижаларга эришиш лозим.

Сизларга маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмини илгариги беш йилликка нисбатан 14-17 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Дон етиштиришни кўпайтириш энг актуал вазифадир. Бу — қишлоқ коммунистлари, ҳамма колхозчилар ва совхоз ходимларининг зарбдор иш участкасидир. Ўртача йиллик ялпи дон ҳосилини камида 35-40 миллион тонна кўпайтириш зарур. Биз бу вазифани бемалол уддалай оламиз. Ўтган беш йилликнинг айрим йилларида биз шунча ҳосил етиштириб олганлигимиз маълум. Ҳамма резервлар ишга солинса, бундан ҳам каттароқ натижаларга эришиш мумкин.

Биз дон етиштиришни кўпайтириш вазифасини алоҳида таъкидлар эканмиз, айни вақтда бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ҳам эътиборни бўшаштира олмаймиз. Қанд лавлаги, пахта, сабзавот, мева етиштиришда катта ўсишга эришиш керак. Бу ўринда «майда иш» йўқ — картошка пиёзнинг ўрнини, помидор шарбати эса ўсимлик ёғининг ўрнини босмайди. Совет кишисининг дастурхонида ҳамма нарса муҳайё бўлиши лозим. Буни таъминлаш эса қишлоқ хўжалик ходимларининг бевосита бурчидир.

Чорвачилик соҳасида кўп иш қилиниши керак. Интенсив методларни жорий қилишни жадаллаштириш, чорва ва парранда маҳсулдорлигини ҳамда уларнинг сонини кўпайтириш даркор. Ем-хашак — чорвачиликни юксалтиришнинг асоси эканлигини яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман. Шу сабабли озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ўтлоқ ва яйловларнинг ҳолатини яхшилаш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилиши керак. Ем-хашак тайёрлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланишнинг замонавий технологияларига ўтишни тезлаштириш, омихта ем саноатини активроқ ривожлантириш лозим.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тубдан юксалтириш соҳасида партия бошлаган йўл доирасида, ишнинг асосий йўналишлари давомийлигини бутун чоралар билан таъминлаш билан бирга ҳар бир беш йилликнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Энди, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамлана борган сайин, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш вазифаси кўндаланг бўлиб қолмоқда.

Бу вазифа аввало, кадрларнинг масъулиятини, уларнинг ташаббускорлигини кучайтиришни, давлат томонидан ажратиб берилаётган маблағлар ва моддий ресурслар энг кўп самара берадиган бўлиши тўғрисида, колхоз ва совхозларнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилишни талаб этади. Бундай ички резервлар эса бор.

Минг-минглаб илғорларимизнинг иши бундан яққол далолат бериб турибди. Уларнинг кўплари шу залда ўтиришибди. Съезд делегатлари орасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бутун мамлакатда машҳур миришкорлари, чунончи: Терентий Семенович Мальцев, Александр Васильевич Гиталов, Турсуной Охунова, Михаил Иванович Клепиков, Лейда Пейпс, Николай Васильевич Бочкаров ва бошқалар бор. Бундай кишилар тобора кўпайиб бораётганлиги жуда соз. **(Қарсаклар).** Улар об-ҳаво ёмон бўлган шароитда ҳам яхши ва омилкор меҳнат билан юксак натижаларга эришиш мумкинлигини амалда кўрсатмоқдалар.

Аммо биз ерга ҳурматсизлик билан қараш, техника ва ўғитдан яхши фойдаланмаслик ҳолларига ҳамон дуч келиб турганлигимиздан кўз юммаслигимиз лозим, бундан кўз юмишга ҳаққимиз йўқ. Қишлоқ хўжалиги ҳамма ходимларининг масъулият туйғусини ошириш учун шу ҳақда съезд минбаридан гапириш керак.

Хўжаликлараро кооперациялаш ва агро-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш замирида маҳсулот етиштириш ҳажмини тез кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришнинг катта имкониятлари яшириниб ётганлигини Молдавия, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссиядаги бир қанча областлар ҳамда бошқа айрим республикаларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Бинобарин, бу йўлни активроқ ўтказиш лозим. Бизнинг ташкилотчилик ишимиз, планлаштириш, иқтисодий омиллардан фойдаланиш бу илғор жараёнга ҳар тарафлама кўмаклашиши керак.

Қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш кўпдан-кўп конкрет вазифалар билан шуғулланиш билан бир вақтда энг тез ва катта самара олинишини таъминлайдиган вазифаларни ҳал этишга бутун эътибор ва воситаларни жамлашимизни ҳам талаб қилади. Бу ўринда тузукроқ ўйлаб кўришга тўғри келади. Шу муносабат билан ҳаётнинг ўзи, Ватанимиз ва жаҳон практикаси кўндаланг қилиб қўяётган баъзи бир етилган масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Селекция ва уруғчиликни ривожлантириш — шу масалаларнинг биридир. Мутахассисларнинг фикрича, замонавий асосда яхши ташкил этилган уруғчилик ҳосилдорликни камида 20 процент ошириши мумкин. Бу эса қўшимча равишда неча ўн миллион тонналаб дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиш мумкин, деган маънони билдиради. Сут ва гўшт чорвачилигининг, паррандаларнинг янги зотларини етиштириш ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Яхши зотдор чорва мол чорвачилик маҳсулотини кўпайтирибгина қолмай, шу билан бирга ем-хашакнинг катта қисмини тежаб ҳам қолади, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ва материал сарфини реал равишда қисқартиради.

Биз минерал ўғит ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан кўпайтираётган ҳозирги кунда шу ўғитдан рационал фойдаланиш муҳимдир. Бунинг учун ўғитни ташиш ва асраш вақтида исрофгарчиликни қисқартиришни ва ўғит сифатининг яхшиланишини таъминлаш лозим бўлган тадбирлар системаси билан бир қаторда агрохимия хизматини, ҳар бир хўжаликнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳосилни энг кўп кўпайтириш имконини берадиган ана шундай хизматни тўғри ва пухта йўлга қўйиш ҳам талаб этилади.

Қишлоқлар машиналар, мураккаб ускуналар билан тобора кўп таъминланмоқда. Бунинг маъноси шуки, қишлоқ хўжалигидаги инженерлик-техника хизматини яхшилаш вазифаси ҳам актуал бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида кўпгина иш қилинди. Аммо ўрта ва қуйи бўғинларда бу проблема ҳамон жиддий бўлиб турибди. Бўлимлар, бригадалар, фермаларнинг раҳбарларини тайёрлаш савиясини ошириш керак. Бир қанча республика ва областларда механизаторлар, бошқа оммавий касбдаги ходимлар етишмаяпти, бу эса давлатга қимматга тушаяпти. Ишнинг бу муҳим участкасига жуда синчиклаб эътибор бериш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ҳозиргача эришган ва айниқса келгуси йилларда эришадиган даража қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришни яхшилашни талаб қилади. Бу — мураккаб иш, бу соҳада тайёр йўл-йўриқлар йўқ. Аммо, бу иш билан шуғулланиш лозим, чунки биз сарфлаётган куч-ғайратларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш ва бошқаришни тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Бу гап қишлоқ хўжалигининг ўз тармоқларига тааллуқлидир. Бу гап унинг ривожини қишлоққа техника, ўғит, омихта ем етказиб бераётган, қурилиш ишларини олиб бораётган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган тармоқлар билан боғлаб олиб боришга ҳам тааллуқлидир. Бу соҳада биз идоравий тарқоқликка, планлаштиришдаги нуқсонларга ҳамон тез-тез дуч келиб турибмиз, бу эса катта исрофгарчиликка сабаб бўлмоқда.

Чамаси, қишлоқ хўжалигининг у билан бевосита боғлиқ бўлган саноат тармоқлари билан ишлаб чиқариш-иқтисодий ҳамкорлигини яхшилаш — жиддий равишда яхшилаш, бутун агро-саноат комплексини ривожлантиришга бир хил, умумдавлат манфаатларини кўзлаб ёндошишни таъминлаш вақти келди.

Ўртоқлар! Биз, коммунизм бинокорлари қишлоқ хўжалигига яна бир нуқтаи назардан — атроф муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ҳам ёндошмоғимиз даркор. Бу— саноат олдидагина турган проблема эмас, чунки деҳқон билан чорвадорнинг меҳнати — аслида табиатдан, атрофимиздаги табиий муҳитдан инсон эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишнинг ўзидир.

Аммо табиатдан ҳар хил фойдаланиш мумкин. Табиатни унумсиз, ҳаётсиз, инсонга зарар етказадиган бўшлиққа айлантириб қўйиш ҳам мумкин, инсоният тарихида бундай мисоллар кўп учрайди. Бироқ, ўртоқлар, табиатнинг саҳоватини ошириш, табиатнинг ҳаётий кучларини тўлароқ намоён этишга ёрдам бериш мумкин ва лозим. «Яшнаб турган ўлка» деган ҳаммага маълум оддий ибора бор. Одамларнинг билими, тажрибаси, уларнинг табиатга ихлоси, меҳр-муҳаббати чинакам мўъжизалар яратаётган ерларни шундай деб атайдилар. Бу — бизнинг социалистик йўлимиздир. **(Давомли қарсаклар).** Бинобарин, биз қишлоқ хўжалигини табиатни муҳофаза қилишнинг, жонли табиий бойликларни кўпайтиришнинг доимий ҳаракатланиб турадиган жуда катта механизми деб билишимиз керак. Табиат ҳам бизга юз карра ортиқ саҳоват кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни партия жуда муҳим умумдавлат, умумхалқ вазифаси деб билмоқда. Экономиканинг ҳамма тармоқлари бу вазифани ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиши даркор.

Партия аграр сиёсатини амалга ошириш йўлидаги курашда дала ва фермаларнинг ходимлари доимо олдинги марраларда туриб келдилар ва ҳозир ҳам олдинги марраларда турибдилар. Уларнинг меҳнати енгил эмас, улар тонг отгандан кун ботгунча ишлайдилар. Шу боисдан ҳам қишлоқ меҳнатчиларига кўпдан-кўп раҳмат айтиш учун ҳаммамизнинг, партия билан халқнинг жуда катта асоси бор. **(Давомли қарсаклар).** Келгусидаги чинакам улуғвор вазифаларни ҳал этишда съезд номидан уларга муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар. **(Давомли қарсаклар).**

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтирайлик, савдо ва аҳолига маиший хизматни яхшилайлик

Ўртоқлар! Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш аҳолининг хилма-хил моллар ва кўрсатиладиган хизматга эҳтиёжини тўлароқ қондириш билан чамбарчас боғланган. Дарҳақиқат, пул даромадларининг ўсиши халқ турмуш даражасининг реал юксалишидан далолат бермайди. Бунинг устига баъзи молларнинг етишмаётганлиги, хизмат ҳажмининг чекланганлиги меҳнатни моддий жиҳатдан рағбатлантириш имкониятларини қисқартиради. Шу сабабли партия қишлоқ хўжалигини тез юксалтириш билан бир қаторда «Б» группаси деб аталган саноат тармоқларини ривожлантиришга катта аҳамият беради.

Биз ўтмишда қабул қилинган анъанавий мезонга қараб бу тармоқларнинг ривожланишига баҳо берар эканмиз, анча катта муваффақиятларга эришилди, деб тўла ҳуқук билан айта оламиз. Беш йил мобайнида енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг бир мингга яқин янги корхоналари қурилди. Аҳолига сотилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хусусан саноат молларининг миқдори кўп даражада ортди. Маданий-маиший буюмлар ва узоқ вақт фойдаланиладиган моллар билан таъминлаш анча ошди.

Лекин шунга қарамай, Марказий Комитет «Б» группаси тармоқларидаги аҳвол бизни қаноатлантира олмайди, деб ҳисоблайди. Бунда гап ҳосил кам бўлганлиги орқасида қишлоқ хўжалик хом ашёси етишмай қолганлиги сабабли енгил саноат ва озиқ-овқат саноатидаги бир қанча корхоналарда планлаштирилган кўрсаткичларга эришиш иложи бўлмаганлиги тўғрисидагина бормаётир. Биз масалани кенгроқ ва кескинроқ қилиб қўйишимиз керак. XXIV съездда инсоннинг кундалик эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсага муносабатимизни кескин суръатда ўзгартириш, ишлаб чиқариладиган моллар ва кўрсатиладиган хизматнинг миқдори, шунингдек уларнинг сифати жиҳатидан туб силжишларга эришишни таъминлаш зарур эканлиги тўғрисида гап борганлигини биласиз. Бу вазифани тўла ҳажмда бажара олмаганлигимизни эътироф қилишга тўғри келади. Биз оғир саноатнинг юксак суръатлар билан ривожланишини таъминлаганимиз ҳолда «Б» группасини ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни ҳали ўрганиб олганимизча йўқ.

Бунинг учун кўп ташкилотлар жавобгардир. Бизнинг марказий план ва хўжалик органларимиз енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаси тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қилмаётганликларини очиқ айтиб ўтиш керак. Биз ана шу тармоқларга раҳбарлик қилиш ишониб топширилган министрлардан, шунингдек янги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш юзасидан олган мажбуриятларини бажармаган, бу тармоқларни юқори сифатли асбоб-ускуналар ва хом ашё билан таъминламаган кишилардан талаб қилишга ҳақлимиз. Хуллас, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга иккинчи даражали, қўшимча — ёрдамчи иш деган қарашларга тамомила хотима берилди, деб бўлмайди. Бу — партиянинг программ йўл-йўриқларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган жуда катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик иш эканлигини ҳануз тушуниб олмаган кишилар бор.

Бинобарин, биз шундай хулоса чиқаришимиз керак: «Б» группасидаги тармоқларга ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига ажратиладиган капитал маблағларни кўпайтириб борган ҳолда экономиканинг ана шу соҳасини ривожлантиришни планлаштирадиган ва бунга раҳбарлик қиладиган кишиларга бўлган талабчанликни оширишимиз зарур.

Партия ўзи қабул қилган йўлдан орқага чекинмайди. Биз «Б» группасидаги тармоқлар бўйича белгиланган ҳозирги план топшириқларини минимал топшириқлар, деб ҳисоблаймиз. Йиллик планлар устида иш олиб борганда бу соҳаларнинг тез ўсишини таъминлаш зарур. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда катта резервлар бор; бунда республикалар, ўлка ва областларнинг, корхоналар ва министрликларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашлари учун жуда кенг имкониятлар мавжуддир.

Маҳсулотнинг сифати ва ассортиментини яхшилаш соҳасида жуда катта резервлар бор. Масалан, ўтган йили 700 миллион жуфтга яқин чарм-пойафзал ишлаб чиқарилди. Ҳар бир кишига қарийб уч жуфтдан пойафзал тўғри келди. Пойафзалга бўлган талаб ҳали қондирилмаётган экан, бунда гап уларнинг миқдорида эмас, балки юқори сифатли, модали пойафзал етишмаётганлиги тўғрисида бораётир. Газлама, кийим-кечак ва галантерея буюмлари, уй-рўзғор техникаси, мебель ва бошқа маҳсулотларнинг кўп турлари соҳасида ҳам тахминан шундай аҳволни кўрамиз. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишнинг сифатини яхшилаш, истеъмолчига ва унинг талаб-эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш проблемаси тағин ҳам кескин тарзда қўйилмоқда.

Бу соҳалардаги ишларнинг аҳволи, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишнинг сифати, кадрларни тайёрлаш методлари ва уларнинг меҳнат шароитлари доим партия, совет ва хўжалик органларининг диққат марказида туриши лозим. Биз замонавий фан ютуқлари ва конструкторлик фикри самараларини «Б» группаси соҳасига жорий қилмай туриб, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг, савдо ва маиший хизматнинг техникавий базасини мустаҳкамламай туриб, «Б» группасини барқарор юксалтириш ва молларнинг ҳамда хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилашга умид боғлаб бўладими? Албатта бўлмайди. Оғир саноат корхоналарида халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш аввалгидек бундан буён ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Партия ана шундай молларни ишлаб чиқариш юзасидан ўзлари учун белгиланган планларни турли баҳоналар билан бажармаётган раҳбарлар олдига қаттиқ талаб қўяди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган саноат тармоқларида, савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳасида бир ярим миллиондан зиёд коммунист ва уч миллион комсомол аъзоси меҳнат қилмоқда, бу соҳаларда жами 40 миллионга яқин киши ишлаб турибди. Мен уларга мурожаат қилиб, шу гапларни айтишни истайман: ўртоқлар, совет кишиларининг фаровонлиги ҳам, кайфияти ҳам сизларга, сизларнинг меҳнатингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни эсдан чиқарманг. Ташаббус кўрсатиб, яхши ишлангиз, илғорларга тенглашингиз. Партия сизларни шунга даъват этмоқда, сизлардан шуни кутмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши

Асосий хўжалик проблемалари орасида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тобора катта аҳамият касб этади. Бу — халқ хўжалигимизни тез ўстириш ва жаҳонда содир бўлаётган буюк ўзгаришлар, тинчлик ҳамда кескинликни юмшатиш сиёсати эришган муваффақиятларнинг бевосита натижасидир.

Биз ташқи иқтисодий алоқаларни сиёсий вазифаларни ҳам, иқтисодий вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган самарали восита, деб биламиз. Социализм мамлакатлари ҳамдўстлигининг куч-қудрати ва жипслиги иқтисодий интеграция йўлида мустаҳкамланиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик уларнинг экономикаси ва ижтимоий ҳаётини прогрессив асосларда қайта қуришни енгиллаштирмоқда. Ниҳоят, капиталистик давлатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар тинч-тотув яшаш сиёсатининг моддий негизини мустаҳкамламоқда ва кенгайтирмоқда.

Ҳар бир мамлакатнинг, ундаги бойликлар ва эришилган иқтисодий даражадан қатъий назар, ривожланиши учун халқаро меҳнат тақсимотидан фойдаланиш ўсиб бораётганлиги — замонамизнинг хусусиятларидан биридир. Бошқа давлатлар каби биз ҳам хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ва фурсатдан ютиш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш учун қўшимча имкониятларни сафарбар қилиш мақсадида ташқи иқтисодий алоқалар берадиган афзалликлардан фойдаланишга интилмоқдамиз.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа, янада кенг жиҳатлари ҳам бор. Хом ашё ёки энергетика проблемаси, энг кўп тарқалган ва ғоят хатарли бўлган касалликларни тугатиш ҳамда атроф-теваракдаги муҳитни муҳофаза қилиш, космосни ўзлаштириш ва жаҳон океани ресурсларидан фойдаланиш каби жаҳон проблемалари ҳозирги куннинг ўзидаёқ ғоят муҳим ва актуал проблемалар бўлиб қолмоқда. Бу проблемалар келгусида ҳар бир халқнинг ҳаётига, халқаро муносабатларнинг бутун системасига тобора кўпроқ таъсир ўтказади. Социализмнинг бошқа мамлакатлари каби бизнинг мамлакатимиз ҳам бутун инсониятнинг манфаатларига тааллуқли бўлган ана шу проблемаларни ҳал этишдан четда тура олмайди.

Партиянинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлини белгилайдиган асосий сиёсий ва иқтисодий мотивлар ана шундай, ўртоқлар!

Тўққизинчи беш йилликда бу соҳада мўлжаллланганидан анча кўпроқ натижаларга эришилди. Ташқи савдо ҳажми 1970 йилдаги 22 миллиард сўмдан 1975 йилда 51 миллиард сўмгача ортди. Саноатнинг турли соҳаларида, хусусан химия, автомобилсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида қарийб икки минг объект учун комплект машина-ускуналар олинди. Бутун импортнинг бешдан икки қисми халқ истеъмоли моллари ва уларни ишлаб чиқариш учун керакли хом ашёдан иборат бўлди.

Бизнинг экспортимиз ҳам тез ривожланди. Шу билан бирга хом ашё товарларини эмас, балки машина ва ускуналарнинг кўп турлари, шу жумладан атом реакторлари, электрогенераторлар, самолётлар, станокларни ҳам экспорт қилиш тез ортаборди. Совет Иттифоқи чет элларда неча юзлаб саноат объектларини қуришда қатнашди.

Ўнинчи беш йилликда ташқи савдо оборотини анча кўпайтириш мўлжалланади. Мен ташқи иқтисодий алоқаларимизнинг энг муҳим йўналиши ҳақида — социализм мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида гапириб ўтдим. Энди капитализм дунёси билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг баъзи умумий масалаларига тўхталиб ўтаман.

Бу масалаларнинг биринчиси — ташқи савдонинг самарадорлигини ошириш, унинг структураси ва балансини яхшилашдан иборатдир. Ҳисоб-китоблар хом ашёнинг хилма-хил турлари бундан буён ҳам экспортимизнинг талайгина қисмини ташкил этажагини кўрсатиб турибди. Энг фойдали хом ашё молларининг салмоғини ошириш, сотиладиган хом ашёнинг кенг кўламда қайта ишланишини таъминлаш тағин ҳам муҳимдир. Шу билан бирга экспортда ишлаб берувчи саноат маҳсулоти ҳиссасини жиддий равишда ошириш зарур. Бунинг учун ташқи бозорларда кўп талаб этилаётган моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг рақобатга бардош бериш қобилиятини ошириш керак. Импорт соҳасидаги сиёсатга келганда шуни айтиш керакки, бу сиёсат экономика олдига қўйилган асосий вазифаларни ҳал этишга, унинг самарадорлигини оширишга янада кўпроқ қаратилиши лозим.

Иккинчи муҳим масала — бу одатдаги савдо доирасидан ташқари чиқадиган ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги формаларини ривожлантиришдир. Ана шу янги формалар бизнинг имкониятларимизни кўп даража кенгайтиради ва одатда энг кўп самара беради. Мен бунда, жумладан компенсация битимларини назарда тутаман. Тамомила давлатимиз ихтиёрида бўлган янги корхоналар ана шу битимларга мувофиқ, чет эл фирмалари билан ҳамкорликда вужудга келтирилади. Бизга кредит, машина-ускуна, лицензия берилмоқда, биз эса, унга тўланадиган ҳақнинг бир қисмини ана шу корхоналарда ёки бошқа корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан қопламоқдамиз. Шу хилдаги битимлар ҳозирча асосан хом ашё ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқарадиган соҳаларга тааллуқлидир. Лекин, бу битимларнинг таъсир доирасини кенгайтириш, ишлаб берувчи саноатни ҳам шу доирага қўшиш, ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликка янгича ёндошиш йўлларини қидириб, топиш пайти келди.

Компенсация битимларини кенг ривожлантириш бу битимларни амалга оширишга қатнашувчи ҳамма ташкилотларнинг масъулиятини — ташқи савдо ташкилотларининггина эмас, саноат министрликлари ва корхоналарнинг, хусусан қурувчиларнинг ҳам масъулиятини оширишни талаб этади. Белгиланган муддатда қуриб бериш ва лойиҳаларда кўрсатилган қувватларни ўзлаштириш, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаб бериш керак. Акс ҳолда ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликнинг наф келтириши тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Биз ўзимизнинг ташқи иқтисодий сиёсатимизни қардош мамлакатлар сиёсати билан боғлаб олиб борамиз. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи акти руҳида ҳаракат қилиб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари номидан Европа иқтисодий ҳамжамиятига расмий муносабатлар ўрнатишни таклиф қилди. Ўзаро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги битим лойиҳаси Европа иқтисодий ҳамжамияти министрлар кенгашига тақдим этилди. Бу лойиҳа ҳар икки ташкилотнинг ва уларга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг ҳамкорлик қилиши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришни кўзда тутади. Биз бунга тайёрмиз.

Ташқи иқтисодий алоқаларда сиёсат билан экономика, дипломатия билан коммерция, саноат ишлаб чиқариши билан савдо бирга қўшилиб кетади. Бинобарин, уларга ёндошиш ҳам, уларни бошқариш ҳам барча идораларнинг куч-ғайратларини бир жойга тўплайдиган, сиёсий ва хўжалик манфаатларимизни ифода этадиган тарзда комплекс равишда уюштирилиши лозим. Партия Марказий Комитети ана шу муҳим масалани шу тарзда қўяди. **(Қарсаклар).**

Экономикани бошқаришни, хўжалик механизмини янги талаблар даражасига кўтарайлик

Ўртоқлар! В. И. Ленин тўғри сиёсат, тўғри йўл ишлаб чиқилганидан кейин ишнинг муваффақияти аввало уни ташкил этишга боғлиқ, деб кўрсатган эди. Бизнинг сиёсатимиз, бизнинг йўлимиз худди шундай. Бинобарин, ишни ташкил этиш, яъни экономикани бошқаришни кенг маънода янада такомиллаштириш ҳал қилувчи звено бўлиб қолади.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат кейинги йилларда бу масалани кўп марта муҳокама қилдилар. Бир қанча қарорлар қабул қилинди, муайян амалий натижаларга эришилди. Жумладан, саноатдаги бир қанча тармоқларни бошқаришнинг бош схемалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, ишлаб чиқариш ва саноат бирлашмалари тобора кўп ташкил этилмоқда. Эндиликда катта тажриба тўпланган ва олға ҳаракат қилиб боришимизни кўрсатган йўналишлар аниқ белгиланган бир пайтда биз хўжалик механизмини қайта қуришни тезлата оламиз ва тезлатишимиз керак. Умумий вазифа ана шундай. Бу вазифани бажариш учун хўжаликка раҳбарликнинг асосий томонларини қамраб оладиган тадбирларнинг ягона системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Аввало, **планлаштиришни** жиддий суръатда **такомиллаштиришни** таъминлаш зарур. Бизнинг мамлакатимиз биринчи бўлиб экономикага планли раҳбарлик қилиш йўлига ўтди. Неча ўнлаб бошқа давлатлар ана шу мураккаб санъатни биздан ўргандилар ва ўрганмоқдалар. Аммо бизнинг олдимизда ҳам планлаштириш ишларини юксак даражага кўтариш, бу ишни хўжалигимизнинг қиёфаси ва янги миқёсларига, замоннинг янги талабларига мувофиқлаштириб олиб бориш вазифаси турибди.

Бу соҳада турган вазифалар аниқ-равшандир. Бу вазифалар — куч ва ресурсларни энг муҳим умумдавлат программаларини бажаришга сафарбар қилишдан, тармоқ ва территориал ривожланишни, перспектив ва ҳозирги проблемаларни моҳирлик билан бирга қўшиб олиб боришдан, экономикани баланслаштиришни таъминлашдан иборат. Бу вазифаларни ҳал этмоқ учун план ва хўжалик органлари кўп иш қилишлари керак. Бу соҳада иқтисодий фан куч-ғайратини сарфлаш учун, замонавий илмий методларни, шу жумладан иқтисод — математика методларини жорий қилиш учун, бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар бор.

Бошқарув фаолияти ва аввало планлаштириш соҳасидаги фаолият **халқ хўжалигининг пировард натижаларига** эришишни кўзда тутиши лозим. Экономика ўсиб, мураккаблашиб борган сари, ана шу пировард натижалар оралиқдаги кўп звеноларга, тармоқларнинг ичидаги алоқалар ва тармоқлараро алоқаларнинг мураккаб системасига тобора боғлиқ бўлиб қолаётган бир пайтда бундай ёндошиш жуда актуал аҳамият касб этади. Бундай шароитда ишнинг оралиқ натижалари кетидан қувиб, асосий нарсани — пировард натижаларни эътибордан четда қолдириш ҳеч гап эмас. Ва, аксинча, оралиқ звеноларининг бирортасига тегишинча эътибор берилмай қолса, сарф қилинадиган кўп куч-ғайрат ва маблағларнинг жамики, пировард самарасига путур етиши мумкин. Афсуски, биз бундай ҳолатларга ҳали кўп дуч келмоқдамиз.

Масалан, хушбичим ва тўкис кийимга талабни қондириш учун давлат кўп маблағ сарф қилмоқда, пахта, жун, синтетик тола етиштиришни кўпайтирмоқда. Аммо пардоз берувчи машиналар ва бўёқларнинг сифати пастлиги, тўқимачилик ва тикувчилик саноатининг қолоқлиги орқасида пировард натижа кўп жиҳатдан пасайиб кетмоқда. Мамлакатда пўлат эритиш йил сайин кўпайиб бормоқда, аммо пировард натижада истеъмолчига пўлат эмас, ундан ясаладиган конкрет буюмлар керак. Прокатнинг хиллари кўпайтирилган, металлнинг сифати кўнгилдагидек бўлган, машинасозлик юксак даражага кўтарилган тақдирдагина истеъмолчи ана шу буюмларни олади. Ёнилғининг қимматли турларини, нефть химиясининг маҳсулотларини олиш учун, экспорт ресурсларини кўпайтириш учун хом нефтдан тўла фойдаланиш ўрнига унинг талайгина қисми қора мой ҳолида ёқиб юборилса, хом нефть ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан ҳам натижа кам бўлади.

(Давоми еттинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми).

Ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади у ёки бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш эканлигини эсда тутибгина қолмай, бундан амалий хулосалар чиқариб олиш ҳам муҳимдир. Бу хулосаларнинг бири шубҳасиз, шундан иборатки, истеъмолчига — бунда гап хом ашё ва материаллар, машиналар ва ускуналар ҳақида ёки халқ истеъмол моллари ҳақида боришдан қатъий назар, ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш учун кенгроқ имкониятлар яратиб бериш керак. Хўжалик механизми кўп звеноларининг бу борадаги ишини тубдан яхшилаш керак. **Иқтисодий рағбатлантириш омиллари ва воситаларидан** — хўжалик ҳисоби, фойда, нарх, мукофотдан **моҳирлик билан фойдаланиш** — бу соҳадаги ишнинг иккинчи йўналишидир. Бошқа сўзлар билан айтганда, министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг фаолиятига ва аввало улар бажарадиган ишнинг самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш учун асос бўлган бутун кўрсаткичлар системасини такомиллаштириш талаб этилади. Бу кўрсаткичлар ходимнинг манфаатларини корхоналарнинг манфаатлари билан, корхонанинг манфаатларини давлат манфаатлари билан бирга қўшиб олиб бориши, тиғиз планларни қабул қилиш (ва албатта бажариш), ресурсларни тежаш, буюмларнинг таннархини камайтириш ва айни вақтда уларнинг янги турларини тезроқ ўзлаштириш, ғоят сифатли маҳсулотни зарур ассортиментда ишлаб чиқаришга даъват этмоғи лозим.

Ношуд хўжалик ходимларининг шартномаларда олинган мажбуриятларни бузишларига ва паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришларига, резервлардан ёмон фойдаланилаётганлигига қарамай, илғорлар сафига ўтиб олишларига ҳануз имконият бераётган ҳамма йўлларни беркитиб қўйиш керак. Шу мақсадда план ва шартнома интизомини бузувчиларни қаттиқ ва шафқатсиз жазолаш билан бирга, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг таъсирчан системасини жорий этиш лозим.

Мамлакат олдида турган иқтисодий ва социал вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нормалаш системасини яхшилаш керак. Ишнинг ана шу масъулиятли соҳаси учун бевосита жавоб берадиган давлат органларининг роли оширилмоғи лозим.

Экономикага раҳбарликни яхшилашнинг яна бир, жуда муҳим звеноси — **бу бошқарувнинг ташкилий структураси ва методларини такомиллаштиришдир.** Биз демократик централизмнинг ҳар икки негизини бир йўла мустаҳкамлаб боришимиз керак. Бир томондан .централизмни ривожлантириш ва бу билан маҳкамачилик ҳамда маҳаллийчилик тенденцияларига ғов солиш керак. Иккинчи томондан эса, демократик асосларни маҳаллий ташаббусни ривожлантириш, раҳбарликнинг юқори эшелонларини майда-чуйда ишлардан халос қилиш, оперативчилик ва эпчиллик билан қарорлар қабул қилинишини таъминлаш лозим.

Ҳаёт бошқа кўп масалалар тўғрисида ҳам ўйлаб кўришга мажбур этади. Масалан, биз Ғарбий Сибирда қилинган ишларга ҳақли равишда юксак баҳо бердик. Аммо иш яхши ташкил этилганида эди янада салмоқли муваффақиятларга эришиш мумкин бўлур эди. Қандай ҳолат рўй бераётганлигига бир назар ташланг. Ғарбий Сибирда идораларга қарашли тўрт дарё флоти, кўпгина қурилиш ва таъминот ташкилотлари ишлаб, аслида бир хил вазифани бажармоқдалар. Москвада эса улар неча ўнлаб министрлик ва идораларга бўйсинган. Кўриб турибсизки, қўйчивон кўп бўлгани билан камчиликлар оз эмас. Кучларнинг парчалаб юборилганлиги, концентрациялашнинг сустлиги ўринсиз сарфлар ва нобудгарчиликка сабаб бўлмоқда, йирик вазифаларнинг ҳал этилишини кечиктирмоқда.

Бундай фактлар шундай хулосага олиб келади: умумдавлат миқёсидаги йирик тармоқлараро ва территориал проблемаларни комплекс ҳал этиш методларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш пайти келди. Бунда ишнинг лойиҳалаштиришдан тортиб амалга оширишгача ҳамма босқичларини қамраб оладиган ягона, марказлаштирилган программалар талаб этилади. Шу нарса муҳимки, ҳар бир ҳолда бутун масъулиятни ўз зиммасига оладиган, у ёки бу программа доирасида ҳамма ишларни координация қиладиган конкрет органлар, конкрет кишилар бўлиши керак. Турдош соҳалар группаларини (масалан, ёқилғи — энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш ва ҳоказо) бошқарув системасини вужудга келтириш масаласини ҳал қилиш ҳам талаб этилади. Шу билан бирга министрликларнинг роли ва масъулиятини ошириш, ишлаб чиқариш бирлашмаларини вужудга келтириш соҳасидаги ишларни туғаллаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш лозим.

Ташкилий масалаларнинг моҳияти, сирасини айтганда, шундан иборатки, зарур ҳуқуқларга эга бўлган ва бу ҳуқуқлар доирасида бутун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган ҳар бир киши ўз иши билан шуғуллансин. Ана шу энг оддий ҳаётий қоида айни вақтда бошқариш фани ва практикаси асосларининг асосидир. **(Қарсаклар).**

Бошқарувни такомиллаштириш соҳасидаги ҳамма ишда вақт омили тўла равишда ҳисобга олиниши лозим. Планлаштириш соҳасида бунинг маъноси шуки, маблағ ва ресурслар билан бир қаторда турли лойиҳаларни тузиш учун талаб этилган муддатларни ҳам, тез самара берадиган вариантларни танлаб олишни ҳам аниқ ҳисобга олиш керак. Рағбатлантириш соҳасида: вақтни тежаганлиги учун рағбатлантириш ва уни исроф қилганлиги учун қаттиқ чоралар кўриш керак. Ишни ташкил этиш соҳасида — ортиқча звеноларни ва бюрократик процедураларни бартараф қилиш, қарорларнинг оператив тарзда қабул қилинишини таъминлаш лозим.

Марказий Комитет бошқарув структурасини, хўжалик юритишда таркиб топган методларни ўйламай-нетмай, шошма-шошарлик билан қайта қуришларга қаршидир. Етти марта эмас, саккиз марта ёки ҳатто ўн марта ўлчаб бир кесиш керак, дейдилар. Аммо биз ўлчаб олганимиздан кейин, мутtасил ривожланиб бораётган халқ хўжалигини мавжуд хўжалик механизми доирасига сиғдириш иложи йўқлигини тушуниб олганимиздан кейин, бу механизмни кескин суръатда такомиллаштириш лозим. **(Қарсаклар).** Бу — Министрлар Советининг, Госпланнинг, марказий хўжалик органларининг бевосита бурчидир.

Бу масалалар юзасидан тегишли таклифларни тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган иш бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга биз экономикага раҳбарликни яхшилаш тадбирларини энг муҳим резерв деб қарашга ҳақлимиз ва шундай, деб қарашимиз ҳам керак. Бу резервдан фойдаланиш ўнинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажаришга, яқин келгусидаёқ самара олишга ёрдам беради.

* * *

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимиз илгари ҳеч қачон бунчалик қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга эга бўлмаган эди. Бизда илгари ҳеч қачон малакали кадрларнинг ҳозиргидек жуда катта армияси бўлмаган эди. Биз хўжалик қурилишининг партия томонидан ижодий тарзда чуқур англанган ва умумлаштирилган бундай бой тажрибасига ҳеч қачон ҳозирдагидек таяниб иш кўрмаган эдик.

Буларнинг ҳаммаси Ленин партияси раҳбарлигидаги совет халқининг қаҳрамонона ғайрат-шижоати вужудга келтирган бебаҳо капиталдир. Ўртоқлар, биз сизлар билан бирга бу капитални қандай тасарруф этиш учун, мамлакат олдига мисли кўрилмаган кўламлардаги вазифаларни қўйишга йўл очиб берадиган буюк янги имкониятларни қай тариқа тўла рўёбга чиқариш учун жавобгармиз.

Олдимизда катта ва мураккаб иш турибди. Аммо бизнинг партиямиз, бизнинг халқимиз бу вазифани шараф билан бажаришига ва ер юзида биринчи коммунистик жамият қурилиши йилномасида янги ажойиб саҳифа очишига шак-шубҳа йўқ. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

III.

ПАРТИЯ РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ШАРОИТИДА

Ўртоқлар! Ўтган беш йилликнинг якунлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленин йўлидан борганлигини яққол исбот этади. Партия ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг, бутун халқнинг сиёсий йўлбошчиси ролини муносиб бажариб келмоқда. Партиянинг илмий башорат кучи ва партия сиёсатининг реализми, унинг омма куч-ғайратини коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиш қобилияти яна бир бор намоён бўлди.

Бизнинг партиямиз марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг революцион байроғини баланд кўтариб бормоқда, ўзининг тарихий вазифасини шараф билан амалга оширмоқда, коммунистик ғояларнинг тантанаси учун ҳормай-толмай курашмоқда.

1. ПАРТИЯНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ.

КАДРЛАР СИЁСАТИ МАСАЛАЛАРИ

Партия ҳисобот даврида тобора ўсди ва мустаҳкамланди. Партия ҳаётининг ленинча нормалари ва партиявий раҳбарлик принципларига қаттиқ риоя қилиш асосида партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги янада мустаҳкам бўлиб қолди.

XXIV съезддан кейин КПСС сафига қарийб 2,6 миллион киши қабул қилинди. Ҳозирги вақтда партия сафларида 15 миллион 694 минг коммунист бор. Уларнинг 41,6 процентини ишчилар, 13,9 процентини колхозчилар, қарийб 20 процентини техника зиёлилари вакиллари, 24 процентдан кўпроғини фан, адабиёт, санъат арбоблари, маориф, соғлиқни сақлаш, бошқарув аппарати ходимлари, ҳарбий ўртоқлар ташкил этади.

Партиянинг ўсишини, унинг сифат составини яхшилашни таърифлар эканмиз, қуйидаги принципиал моментларга тўхталиб ўтишни истаймиз. Ривожланган социализм шароитида, Коммунистик партия бутун халқнинг партияси бўлиб қолган бир вақтда партия ўзининг синфий характерини асло йўқотмайди. КПСС ўз табиатига кўра ишчилар синфининг партияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. **(Қарсаклар).** Ҳозирги пайтда партия сафига кирувчиларнинг 58 процентини ишчилар ташкил этганлигидан ғоят мамнунмиз. Бу — қонуний бир ҳол бўлиб, у ишчилар синфининг жамият ҳаётидаги етакчилик ролини акс эттиради.

Ҳисобот даврида партия сафига қабул қилинганларнинг 11 процентидан кўпи колхозчилардан иборат бўлди. Партия сафларининг доим колхозчилар ҳисобига кенгая бориши ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади.

Партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинувчиларнинг тахминан 9 процентини мастерлар, смена инженерлари, участка бошлиқлари, агрономлар, зоотехниклар ва ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашаётган бошқа кишилар ташкил этади. Шу тариқа ,умуман олганда КПСС сафига қабул қилинувчиларнинг 80 процентга яқини ижтимоий ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлмиш моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган кишилардан иборат. **(Қарсаклар).**

Халқ хўжалиги мутахассислари, ўқитувчилар ва врачлар, фан, адабиёт ва санъат арбоблари орасида партиялилар қатлами ғоят ўсди. Ҳозирги вақтда тахминан ҳар тўрт-беш мутахассиснинг бири коммунистдир. Бу яхши гап. Дарҳақиқат, совет зиёлилари фан-техника революциясини амалга оширишда, халқнинг маданиятини юксалтиришда, коммунистик қурилишнинг ҳамма вазифаларини ҳал этишда жуда катта роль ўйнамоқдалар.

Партия сафига янгидан қабул қилинган кишиларнинг ғоят кўпчилиги, ёки учдан икки қисмидан кўпроғи комсомоллардир. КПСС сафига тобора кўп ёшларнинг кириб келаётганлиги партиянинг ҳаётий кучлари битмас-туганмас эканлигини, ёш авлодимиз коммунизм идеалларига астойдил содиқ эканлигини яққол кўрсатиб турибди. **(Қарсаклар).**

Ўттиз йил мобайнида КПСС аъзоларининг сони қарийб уч баравар ортди. Партия сафлари бундан буён ҳам ўсиб боражаги тамомила аёндир. Социализм даврида ижтимоий тараққиётнинг бутун боришидан, партия раҳбарлик роли, унинг обрў-эътибори ўсишидан келиб чиқадиган объектив тенденция ана шундай. Аммо КПСС ўз сафларини ўстиришга зўр бермайди. У Ленин сўзлари билан айтганда, қандайдир имтиёзлар олиш учун эмас, балки коммунизм манфаатлари йўлида фидокорона ишлаш учун партияга кираётганлигини амалда исбот қилган кишиларнигина ўз сафларига қабул қилади.

Биз олға ҳаракат қилиб борганимиз сари, партия йирик вазифаларни ҳал қила борган сари унинг сафларини бошланғич партия ташкилотининг, бутун коллективнинг тақдирига сазовор бўлган, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив қатнашаётган янги кучлар ҳисобига кенгайтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишимиз лозим. Шу мақсадда кандидатлик стажининг аҳамиятини ошириш зарур. Партия аъзолигига кандидатнинг сиёсий ва ишчанлик ҳислатларини ҳар томонлама текшириш, уни маркссча-ленинча тарбиялаш каби ишларнинг ҳаммасига қаттиқ талабчанлик билан ёндошмоқ керак. Биз ҳар бир коммунист юксак ғояли, партиянинг актив жангчиси бўлиши, коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бориши лозим эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

КПСС Ленин васиятларига амал қилиб, партия аъзоси номини юксак даражага кўтариш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. XXIV съезднинг қарорига мувофиқ, партия ҳужжатлари алмаштирилганлиги бу соҳада муҳим роль ўйнади. Партия ҳужжатларини алмаштириш қандай мақсадларни кўзлаган бўлса, ана шу мақсадларга эришилди, деб тўла асос билан айтиш мумкин. **(Қарсаклар).** Партия ҳужжатлари алмаштирилганлиги коммунистларнинг, партия ташкилотларининг ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал этиш учун курашидаги активлигини оширишга ёрдам берди.

Коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги ошганлиги, партия ташкилотларида уставни бузувчиларга нисбатан муросасизлик вазиятининг вужудга келганлиги партия ҳужжатлари алмаштирилганлигининг муҳим натижасидир. Бунда партия ташкилотлари ҳужжатларни алмаштириш партия сафини тозалаш эмас, деган фикрга асосландилар. Айни вақтда улар коммунист деган юксак номга нолойиқ кишилар партия сафида бўлмаслигини қаттиқ кузатиб турдилар. Ҳужжатларни алмаштириш мобайнида 347 мингга яқин киши янги партия билетларини ололмади. Булар партия ҳаёти нормаларидан четга чиқиб кетган, интизомни бузган, партия ташкилотлари билан алоқани узиб қўйган шахслардир.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз бугунги кунда катта, қудратли организмдир. Унинг составида 14 иттифоқдош республика Компартиялари Марказий Комитетлари, 154 ўлка ва область, ўн округ, 4243 шаҳар ва район партия комитетлари, 390 минг бошланғич партия ташкилоти, шу жумладан саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарида, колхозларда, совхозларда ва бошқа ишлаб чиқариш коллективларида 150 минг бошланғич партия ташкилоти бор. Партиянинг ҳамма звенолари пухта, актив ва собитқадамлик билан ишлашлари муҳим эканлигини яхши биласиз. Партия ҳаётининг ленинча нормаларини ва партиявий раҳбарлик принципларини, демократик централизм принципини оғишмай қўлланган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Партия ана шу норма ва принципларни қаттиқ ҳимоя қилиб, уларнинг бузилишига қарши кураш олиб бориб, ҳамиша юксак принципиалликни намойиш қилди. Партия XX съездининг қарорлари бу соҳада катта аҳамиятга молик бўлди. Ҳозирги пайтда бу съезднинг чақирилганига йигирма йил тўлмоқда. Партия ҳаётининг ленинча нормалари ва принципларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда партия Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленуми, партия XXIII ва XXIV съездларининг қарорлари муҳим роль ўйнади. Партия ички демократиясини изчил ривожлантириш, партиянинг ҳар бир аъзосига нисбатан талабчанликни ошириш — бу ленинча принциплар ўтилган босқич эмас. Бу бизнинг кунларда ҳам партия тараққиётининг негизидир. **(Қарсаклар).**

XXIII ва XXIV съездларининг партия қурилиши масалаларига доир йўл-йўриқларини бажариш партия ички демократиясини, коллектив раҳбарликни янада чуқурлаштиришга, партия фаолиятини ташкил этиш формалари ҳамда методларини тағин ҳам ривожлантиришга ёрдам берди. Буларнинг ҳаммаси съезд арафасида ўтказилган ҳисобот-сайлов кампаниясида янада зўр куч билан намоён бўлди.

Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистларнинг 94 процентидан кўпи қатнашганлигини, музокараларда эса йиғилиш иштирокчиларидан ҳар тўрт кишининг бири сўзга чиққанлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир. Йиғилишлар, конференциялар ва съездлар ишчанлик вазиятида, коммунистларнинг катта активлиги ва етуклиги ўсган, танқид ва ўз-ўзини танқид юксак даражага кўтарилган бир вазиятда ўтди. Коммунистлар сайлаб қўйилган партия органларининг XXIV съезд қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ишларига принципиал баҳо бердилар, келгусидаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши матбуотда, радио ва телевидениеда кенг ёритилди. Шу тариқа, партия комитетларининг коммунистлар олдида берган ҳисоботлари аслида меҳнаткашлар олдида берилган ҳисоботга айланди. Бунинг чуқур маъноси бор. Партиянинг халқдан яширадиган сири йўқ. Барча совет кишилари партиянинг ишлари ва планларидан хабардор бўлиб туриши, булар тўғрисида ўз фикрларини баён қилишларидан партия астойдил манфаатдордир. **(Қарсаклар).**

Йиғилишларда, конференцияларда ва съездларда партия сафларининг монолит жипслиги намойиш қилинди партиянинг бош йўли, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюросининг амалий фаолияти якдиллик билан тўла-тўкис маъқулланди. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет жамияти тараққиётининг жадал суръатлари, коммунистик қурилиш миқёсларининг ўсиб бораётганлиги, халқаро майдондаги фаолиятимиз **экономика ва маданиятни ривожлантиришга, кишиларни тарбиялашга партия раҳбарлиги даражасини доим юксак поғонага кўтаришни, омма ўртасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшилашни** қаттиқ талаб этади.

Марказий Комитет, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Секретариати ҳисобот даврида зўр ғайрат билан актив иш олиб бордилар.

Шу давр ичида Марказий Комитетнинг ўн бир Пленуми бўлиб ўтди. Бу Пленумларда партия ва бутун мамлакат ҳаётига доир энг муҳим масалалар муҳокама қилинди. 1972, 1973, 1974 ва 1975 йиллар декабрь Пленумлари айниқса катта аҳамиятга молик бўлди. Бу Пленумлар бутун партияни актуал иқтисодий проблемаларни конкрет таҳлил этиш билан қуроллантирдилар, куч-ғайратни энг кўп даражада марказлаштиришни талаб этган вазифаларни биринчи ўринга қўйдилар. Бир қатор Пленумларда ташқи сиёсий масалалар қараб чиқилди. Чунончи, 1972 йил май ойида ўтказилган Пленум кескинликни юмшатиш учун олиб борилган курашнинг ўша ғоят масъулиятли ва айтиш мумкинки, бурилиш ясалган пайтда бизнинг олдимизда турган проблемаларни муҳокама қилди. Ўртоқлар! Ўша пайтда АҚШ президенти бизнинг мамлакатимизга биринчи марта келиши лозимлиги сизларга маълум эди: аммо Вьетнамда уруш қизиб кетган эди. Вазият анча чигал эди. Шундан кейинги бутун давр Пленумнинг қарорлари принципиал, реалистик қарорлар бўлиб, тўғри йўлни белгилаб берганлигини кўрсатди. 1973 йил апрель ойида ўтказилган Пленумда давлатимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир масалаларнинг муҳокама қилиниши муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг фаолияти тўлақонли ва оператив бўлди. XXIV съезддан кейинги даврда Сиёсий бюро 215 мажлис ўтказди. Сиёсий бюро саноат, қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилишга доир, давлат ва хўжалик аппаратининг ҳамма звеноларида бошқарувни такомиллаштиришга доир масалалар билан мунтазам шуғулланди. Халқнинг турмуш даражасини юксалтириш юзасидан XXIV съезд белгилаган тадбирларни бажаришга алоҳида эътибор қилинди. Партия ички ишлари ва идеология ишини яхшилашга тааллуқли туб проблемалар мунтазам суратда муҳокама қилинди. Ташқи сиёсий фаолият ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари Сиёсий бюронинг ишида катта ўрин олди.

Марказий Комитет секретариати ўтган давр ичида 205 мажлис ўтказди. Секретариат партия ташкилотларининг фаолияти билан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалалари билан доим шуғулланди. Секретариат қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилиш ва текширишга аввалдагидан кўра кўпроқ эътибор берди.

Марказий Комитет маҳаллий партия ташкилотларининг тажрибасини диққат-эътибор билан ўрганди ва умумлаштирди. Бир қатор иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область, шаҳар ва район партия комитетларининг фаолиятлари муҳокама қилинди. Уларнинг экономикага партиявий раҳбарликни қандай амалга ошираётганликлари, ташкилий-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий ишни қандай олиб бораётганликлари қараб чиқилди. Омманинг меҳнат фаолияти соҳасида тўпланган тажриба ҳам синчиклаб таҳлил этилди. Москва ва Ленинград, Украина ва Қозоғистон, Урал ва Белоруссия, Ўрта Осиё ва Болтиқ бўйи, Закавказье ва Молдавиядаги партия ташкилотларининг, коллективларнинг ва айрим меҳнаткашларнинг кўпгина қимматли ташаббуслари маъқулланди ҳамда бутун мамлакатда кенг ёйиш учун тавсия этилди. Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси ва секретариатининг коллектив суратда батафсил муҳокама қилиш натижасида қабул қилган қарорлари партия ташкилотларига аниқ йўл-йўриқ, равшан директивалар бердики, бу уларнинг ишларини яхшилаш имкониятини туғдирди.

Ўртоқлар!

Меҳнаткашларнинг мактублари партиямиз ва унинг Марказий Комитетининг омма билан алоқа боғлашдаги муҳим формаларидан биридир. Бу мактубларнинг сони доим ортиб бораяпти. Бу мактублар совет кишиларининг ижтимоий активлиги ўсганлигини акс эттиради. Мактубларда партия сиёсати қўллаб-қувватланади, партия ва давлат ҳаётининг кўпгина туб масалалари хусусида фикр изҳор қилинади.

Меҳнаткашларнинг мактубларида эътиборга сазовор бўлган ҳамма масалалар ҳақида Марказий Комитетга мунтазам ахборот бериб турилибди. Энг муҳим таклиф ва мулоҳазаларни Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва секретариати қараб чиқмоқда, бу таклиф ва мулоҳазалар қарор ҳамда қонунларни ишлаб чиқиш вақтида ҳисобга олинмоқда. Ушбу съезд материалларини тайёрлаш вақтида ҳам уларнинг кўпидан фойдаланилди.

Республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия ташкилотларининг фаолияти партиянинг умумий ишларида жуда катта аҳамиятга эгадир. Партиянинг энг муҳим звенолари — область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иши йил сайин самарали ва сермазмун бўлиб қолмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жойларда партия сиёсатини ўтказиш учун асосий жавобгарлик уларнинг зиммасидадир. Улар сабот-матонат ва собитқадамлик кўрсатиб, КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга оширишни ташкил этганликларини, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини юксалтириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида хўжалик ва сиёсий имкониятларимиздан фойдаланишга эришганликларини таъкидлаб ўтиш керак. Ана шу комитетларнинг катта хизмати шундаки, улар оммавий халқ ташаббусини ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам бердилар. Кейинги йилларда маҳаллий партия органлари умумдавлат аҳамиятга молик бўлган йирик конкрет таклифларни аввалдагига нисбатан анча кўпроқ илгари сурганликлари диққат-эътиборга сазовордир.

Партия раҳбарлигининг даражаси партиямизнинг негизи бўлган **бошланғич партия ташкилотларининг** нечоғлиқ жанговорлик ва ташаббускорлик билан ишлашларига бевосита боғлиқдир.

Бошланғич партия ташкилотлари иқтисодий ва маданий қурилишнинг олдинги сафларида бориб, халқ орасида иш кўрмоқдалар. Улар ўзларининг ҳамма ишлари билан партия сиёсатини омманинг жонли ижоди билан бирга қўшиб олиб боришга, хўжалик-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга актив ёрдам бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ўтган даврда саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш корхоналари, илмий муассасалар ва ўқув юртлари, министрликлардаги бир қанча партия ташкилотларининг иши тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорларда бошланғич партия ташкилотлари эндиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга янада актив таъсир кўрсатишлари лозим эканлиги, ҳар бир коллективда дўстона ишлаш ва ижодий изланиш муҳитини вужудга келтириш ҳақида, кишиларни тарбиялаш тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Партиянинг раҳбарлик, сафарбар этувчилик роли мавҳум бир тушунча эмас. Бу — ҳаётнинг ўзи, бутун кундалик практикамизнинг ўзидир. Аммо партиянинг омманинг ташкилотчиси, илҳомчиси сифатидаги роли оғир пайтларда жуда яққол намоён бўлади. 1972 йил мураккаб йил бўлганлиги ҳақида гапириб ўтган эдим. Биз ўз кучимизни, уюшқоқлигимизни, хоҳиш-иродамизни ўша вақтда табиий стихияга қарши қўйдик. Марказий Комитет, маҳаллий партия ташкилотлари кишиларни отлантирдилар, илҳомлантирдилар, ғалла учун чинакам кураш бошланди. Бу курашда шаҳарлардан келган ишчилар, Совет Армиясининг жангчилари, студентлар колхозчилар билан, совхозларнинг ходимлари билан бир ёқадан бош чиқариб, актив қатнашдилар.

Мен ўша вақтда мамлакатнинг ҳосил учун курашда муваффақият қозониш масаласи ҳал этилаётган районларида бўлдим. Кишилар катта қийинчиликларга дуч келишган эди. Аммо улар ғоят зўр ғайрат ва жонбозлик билан ишладилар! Улар имкони бўлган ҳамма ишларни қилдилар. Шуни ҳам айтиб ўтаманки, улар кўп кишиларга иложи йўқ, деб туйилган ишларни бажардилар. Шуларнинг ҳаммасини кўргач, партиямиз учун, ажойиб халқимиз учун юксак ифтихор туйғуларга тўлиб тошмаслик мумкин эмас эди. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! **Ленинча иш услуби** — партиявий раҳбарликнинг муваффақият қозониши учун муҳим шартдир. Ленинча услуб эса субъективизмга ёт бўлган, барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндошиш руҳи билан суғорилган ижодий услубдир. Бу услуб ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанликни кўзда тутади, хотиржамликка берилишга йўл қўймайди, бюрократизм ва расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига зиддир.

Шу муносабат билан танқид ва ўз-ўзини танқид масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Биз Марказий Комитетнинг Пленумларида шу хусусда жиддий, принципиал тарзда гаплашиб олдик. Бунинг боиси шуки, ҳал этиладиган вазифаларнинг миқёслари ва мураккаблиги орта борган сари ҳамма ишларга қатъий, танқидий ёндошиш алоҳида аҳамият касб этади.

Марказий Комитет «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисида»ги қарорида бутун партия учун муҳим бўлган бир қанча масалаларни кўтарди. Марказий Комитет диққат-эътиборни аввало, танқид ва ўз-ўзини танқид методининг моҳиятига қаратди. Бу методнинг моҳияти нимадан иборат? Шундан иборатки, у ёки бу ташкилот, у ёки бу ходим фаолиятининг ҳамма томонларига объектив баҳо бериш керак. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, мавжуд камчиликларни тугатиш мақсадида уларни ҳар томонлама таҳлил этиш керак. Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, камчиликларга ва уларнинг келиб чиқиши учун айбдор бўлган кишиларга либералларча муносабатда бўлишга йўл қўймаслик лозим. Кишиларга ишонч ва ҳурмат топширилган иш учун юксак талабчанлик билан бирга қўшиб борилиши керак. Бу — партиявий қонундир, бу партиявий қонун бўлибгина қолмай, бутун ишимизнинг ҳам қонунидир. Бунда, ўртоқлар, танқидга нотўғри муносабатда бўлиш борасидаги ҳар бир фактга партия органлари дарҳол ва жиддий эътибор беришлари лозим, албатта.

Жиддий эътибор бериш тўғрисида гапирганимизда биз ифодаларнинг ўткирлигини эмас, балки ишнинг моҳиятини назарда тутамиз, албатта. Танқид ҳаққонийлиги ва кўтариладиган масалаларнинг ижтимоий аҳамияти билан қимматлидир. Ўз навбатида, ўз-ўзини танқиднинг қадри унинг самимийлиги билан, хато ва нуқсонларни тузатиш учун дарҳол киришишга шай бўлиб туриш билан белгиланади.

Марказий Комитет танқид ва ўз-ўзини танқид масалалари билан бир қаторда бошқа бир проблемани — қабул қилинган қарорларнинг ижросини контрол қилиш ва текшириш проблемасини ҳам қараб чиқди. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатининг мажлисларида шу ҳақда кўп марта гапирилди. Сиёсий бюро барча партия ташкилотларига йўллаган махсус мактуб шунингдек КПСС Марказий Комитетининг бир қанча қарорлари шу масалага бағишланди.

Бу ўринда алоҳида шарҳларга эҳтиёж бўлмаса керак. Қабул қилинган қарорлар бажарилиши лозим эканлиги ҳар бир кишига аёндир. Партия қарорлари эса унинг коллектив иродаси, омманинг жамланган тажрибасидир. Аммо баъзан шундай ҳам бўладики, айрим қарорлар контролнинг сустлиги орқасида бажарилмай қолади, ёки пухта, тўла-тўкис бажарилмайди.

Бирор қарор бажарилмай қолганидан кейин худди ана шу масалалар юзасидан иккинчи ва баъзан ҳатто учинчи қарор қабул қилинади. Бу қарорларнинг мазмуни чакки бўлмаса ҳам, аммо бунда гап бажарилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида боряпти. Истар-истамас шундай савол пайдо бўлади: эски мавзуга доир янги қарор ён бериш бўлиб чиқмайдими, либерализмнинг ўзига хос бир кўриниши бўлмайдими? Бунинг натижасида талабчанлик пасайиб кетмайдими? Бундай практикага тамомила чек қўйиш керак!

Қабул қилинган қарорларнинг ижросини контрол қилиш ва текшириш — ташкилотчилик ишининг энг муҳим қисмидир. Бу — ҳар бир партия, совет ва хўжалик раҳбарининг, ҳар бир партия органининг, ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг ишидир. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари секретариатларининг, область ва ўлка партия комитетларининг, республикалар Министрлар Советларининг, Советлар ижроия комитетларининг, министрликлар ва идоралар коллегияларининг бу ишдаги ролини ошириш лозим.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети, маҳаллий партия комитетларининг партия комиссиялари ҳам бу соҳада жиддий иш олиб бормоқдалар. Улар ҳисобот даврида партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш учун кураш билан боғланган ва умумий аҳамиятга молик бўлган бир қанча муҳим масалаларни кўтардилар.

Халқ контроли органлари ижрони текшириш соҳасидаги ишларда муҳим ўрин тутадилар. Партия ташкилотлари бу органларнинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланишлари, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак.

Мен ҳозир бизнинг партиямизда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ёки танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи билан боғлиқ бўлган қандайдир ташвишли ҳолат пайдо бўлди, деган маънода гапираётганим йўқ. Гап бошқа нарса устида бораётир. Ишда ленинча услубга оғишмай риоя қилиш — барча партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг муваффақиятли ишлаши, барча планларимизни амалга оширишнинг заминидир.

Партиянинг ўзи ҳам, партия фаолиятининг характери ҳам қандайдир қотиб қолган бир нарса эмас, албатта. Партиянинг иши ҳар бир босқичда янги мазмун билан тўлиб бормоқда. Бинобарин XXV съезд қўядиган янги вазифалар партиявий иш формалари ва методларини бундан буён ҳам илмий асосда такомиллаштиришни талаб этиши табиийдир.

Партиянинг **кадрлар сиёсати** қудратли восита бўлиб, партия шу восита орқали ижтимоий тараққиётнинг боришига таъсир ўтказади. Ўтган йиллар мобайнида амалий ишда яхши, қобилиятли ташкилотчилар эканлигини исбот қилган кўпгина ёш, истиқболли ўртоқлар турли раҳбарлик лавозимларга кўтарилди. Бизнинг кадрларимиз тўққизинчи беш йиллик планни бажариш учун, ички ва ташқи сиёсат вазифаларини амалга ошириш учун кураш жараёнида жиддий сиёсий чиниқиш мактабини ўтдилар, бой тажриба тўпладилар.

Ҳозирги раҳбар ўзида партиявийликни ишнинг кўзини яхши билиш билан, интизомни ташаббус ва ишга ижодий ёндошиш билан бирга қўшиб олиб бориши лозим. Шу билан бирга раҳбар ҳар бир соҳада социал-сиёсий, тарбиявий жиҳатларни ҳам эътиборга олиши, кишиларга, уларнинг эҳтиёж ва талабларига сезгирлик билан қараши, ишда ва турмушда ўрнак бўлиши лозим. **(Қарсаклар).**

Халқ хўжалигининг сиёсий жиҳатдан етук, кишилар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган актив мутахассисларини партиявий ишга кўтариш катта аҳамиятга эгадир. Ҳисобот даврида бу соҳада бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги вақтда Компартиялар Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари секретарларининг 99.5 проценти олий маълумотли, уларнинг 70 процентидан кўпи инженер-техник ва қишлоқ хўжалик маълумотига эгадир. Уларнинг ҳаммаси бошланғич партия ташкилотларининг, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари бўлиб ишлаганлиги ижобий ҳолдир. Шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг 99.2 проценти олий маълумотли, шу жумладан 60 проценти саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан иборат. Биз бу йўлни бундан буён ҳам янада астойдил давом эттираверишимиз керак. **(Қарсаклар).**

Партияда кадрларга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш мустаҳкам қарор топди. Ходимларни ҳеч асос бўлмагани ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва тез-тез алмаштириб туришларга чек қўйилди. Бу масала XXIII съезддаёқ кўтарилган эди. Иш манфаатлари тақозо этган ва у ёки бу иш участкасини мустаҳкамлаш зарурати туғилган пайтда кадрлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилади. Аммо бу гапдан ўз аравасини тортмайдиган, ўз бурчларини уддалай олмайдиган кишиларни раҳбарлик лавозимларда қолдириш мумкин, деган маъно асло келиб чиқмайди. Масъулиятни сезмайдиган мансабнинг ўзи обрў ва ҳурматни таъминлаб беради, деб ўйлаб, эски билимини рўкач қилиб яшайдиган кишиларни раҳбарлик ишида қолдириш сира ҳам мумкин эмас.

Ўз фаолиятига танқидий баҳо бера олмайдиган, оммадан ажралиб қолган, хушомадгўй ва лаганбардорларни кўпайтирадиган ва коммунистларнинг ишончидан маҳрум бўлиб қолган кишилар партиявий раҳбар бўлолмайди. **(Қарсаклар).** Съезд масаланинг шу тарзда қўйилишини маъқуллайди, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Партия кадрларни тайёрлаш ва қайтадан тайёрлашни ташкил этишга ўсиб бораётган талабларни эътиборга олган ҳолда ёндошмоқда, уларнинг ўз назарий савияларини оширишлари, билимларини чуқурлаштиришлари, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишни эгаллаб олишлари учун зарур бўлган чораларнинг ҳаммасини кўрмоқда. Ҳисобот даврида партия ўқув юртларида 40 минг киши тайёрланди. Партия ва совет ходимларидан 230 мингдан зиёд киши курсларда қайтадан тайёрланди. Хўжалик кадрлари, мутахассислар турли институтларда, факультетларда, халқ хўжалигини бошқариш институтида ва малакани ошириш курсларида ўз малакаларини оширмоқдалар. Буларда ҳар йили бир миллиондан ортиқ киши ўқимоқда.

(Давоми саккизинчи бетда).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми).

Биз бу ишларнинг ҳаммасини бундан буён ҳам такомиллаштиришимиз зарур. Хусусан идеология фронти учун раҳбар партия кадрлари тайёрлашни қай тариқа янги, янада юксак даражага кўтариш, ҳозирги кунда раҳбар партия ишида банд бўлган ўртоқларнинг ғоявий-назарий ва ишчанлик савиясини қай тариқа доим ошира бориш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Марказий партия ўқув юртларининг фаолиятини янада яхши йўлга қўйиш лозим. Бунда ўтмишнинг тажрибасини ҳам эсдан чиқармаслик, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, замонавий формалари тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Энг муҳими шуки, партиянинг тажрибали, назарий жиҳатдан етук ўртоқларнинг янада катта резервига эга бўлишига эришмоқ лозим.

Партия кадрларни юксак қадрлайди, уларнинг ижодий имкониятларига ишонади, уларни меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб ўстиради. Бизнинг кадрларимиз халқ олдидаги ўз масъулиятини англаб, ўзининг бутун куч, билими ва тажрибасини бундан буён ҳам коммунизм ишига сарф қилажакларига шак-шубҳа йўқ. **(Давомли қарсаклар).**

2. ПАРТИЯНИНГ ҒОЯВИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШИ

Ўртоқлар! Тузумимизнинг кучи омманинг онглилигидадир. Шунинг учун ҳам партия коммунистик онгликни тарбиялашни, одамларни коммунизм қуришга тайёр, иродали ва уқувли қилиб тарбиялашни ўзининг доимий иши деб ҳисоблайди. Ҳисобот даврида **одамларни ғоявий тарбиялаш масалалари, коммунизмнинг муносиб қурувчиси бўлган янги кишини шакллантириш проблемалари бутун ишимизда катта ўрин олиб келди.**

КПСС ўзининг бутун революционлаштирувчи фаолияти каби коммунистик тарбия ишини ҳам марксизм-ленинизм назариясининг мустаҳкам пойдеворига қурмоқда. Марксизм-ленинизм тўғри стратегия ва тактикани ишлаб чиқмоқ учун бирдан-бир ишончли негиздир. Бизга у тарихий истиқболни тушунтириб беради, социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг узоқ йилларга мўлжалланган йўналишини олдиндан белгилаб олишга, халқаро воқеалар орасида тўғри йўлни топиб олишимизга ёрдам беради. Марксизм-ленинизм кучи доимий ижодий ривожланиб боришидадир. Маркс шундай деб таълим берган эди. Ленин шундай деб таълим берган эди. Партиямиз уларнинг васиятларига ҳар доим содиқ бўлиб қолади! **(Қарсаклар).**

Маълумки, ҳар қандай назариянинг чинлигини кўрсатувчи мезон амалиётнинг ўзидир. Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг революцион кураши, коммунистларнинг бутун амалий фаолияти марксизм-ленинизмнинг моҳиятини ифодаловчи назарий қоидалар ва принципларнинг бузилмаслигини жуда яққол кўрсатиб берди.

XXIV съезднинг кўрсатмаларига мувофиқ маркса-ленинча назариянинг актуал проблемаларини ишлаб чиқиш учун бир талай ишлар қилинди. Янги жамият қуришнинг жуда катта тажрибаси партия ҳужжатларида умумлаштирилди, халқаро ривожланишнинг энг янги жараёнлари анализ қилиб берилди. Фалсафа, иқтисод, тарих фанларида, социал ва сиёсий проблемаларни ўрганишда жиддий муваффақиятлар мавжуд.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида назарияни янада ижодий ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж камаймайди, балки, аксинча, тағин ҳам каттароқ бўлиб қолади. Турли фанлар, жумладан табиёт фанлари билан ижтимоий фанлар туташган жойда ҳам умумназарий, фундаментал характерга, ҳам амалий характерга эга бўлган самарали тадқиқотлар олиб бориш учун янги имкониятлар очилмоқда. Бу имкониятлардан тўла равишда фойдаланиш керак.

Партия билан давлат аввало ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни бошқариш билан алоқадор проблемаларнинг тадқиқ қилиб берилишига, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини анча ошириш имкониятини берадиган тавсияларга муҳтождирлар.

Жамиятимиз тараққиётининг, ундаги ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг тенденцияларига тааллуқли масалаларни чуқур тадқиқ қилиб бериш ғоят муҳимдир. Масалан, етук социализм жамиятидаги меҳнатнинг характери ва мазмуни, социал структуранинг ўзгаришлари шулар жумласидандир. Меҳнатга қараб тақсимлашни такомиллаштириш, маънавий рағбатлантириш билан моддий рағбатлантиришни қўшиб олиб бориш, социалистик турмуш ва кўп қиррали маданиятимизнинг ривожланиши — мана шу проблемаларни кўриб чиқиш турли фанлар намояндаларининг куч ва ғайратини бирлаштириб иш олиб боришни талаб қилади. Давлатчилигимиз тараққиётининг проблемаларини, тарбиявий, идеологик иш формаларини ва методларини ўрганишни бундан буён ҳам давом эттириш зарур. Шу муносабат билан жамоатчилик фикрини ўрганишга катта эътибор бермоқ керак.

Атроф муҳит ва нуфус проблемалари кейинги вақтларда кескин тус олганлиги совет олимларининг назар-эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Табиатдан фойдаланишнинг социалистик усулларини яхшилаш, самарали демографик сиёсатни ишлаб чиқиш табиёт ва ижтимоий фанлар бутун бир комплексининг муҳим вазифасидир.

Жаҳон тараққиёти ва халқаро муносабатларнинг, революцион жараённинг, шу жараён турли оқимлари бир-бирига ўтказаётган таъсирнинг ва шу турли оқимлар бирлигининг, демократия учун курашнинг социализм учун кураш билан бўлган нисбатининг, ҳозирги замоннинг бош масаласи бўлган уруш ва тинчлик масаласида кучларнинг бир-бири билан курашининг кардинал проблемаларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш аҳамияти тобора кўпроқ кучайиб бормоқда.

Очиқ кўриниб турибдики, ижтимоий фанимиз олдида турган вазифалар турмуш билан жуда чамбарчас боғланганидагина ҳал қилиб берилиши мумкин. Схоластик назариябозлик олға томон қилаётган ҳаракатимизга тўсқинлик қилиши мумкин, холос. Амалиёт билан боғланиб иш олиб боришгина фаннинг самарадорлигини ошириши мумкин. Бу эса ҳозирги кундаги марказий проблемаларнинг биридир.

Илмий ишда ижодкорлик вазияти вужудга келтиришнинг аҳамияти XXIV съездда кўрсатиб ўтилган эди. Бу вазифа кечаги каби бугун ҳам муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, қарашларни ижодий таққослаш бизнинг муштарак маркса-ленинча ғоявий платформамизга асосланиши лозим. Фанда партиявийлик принципларига изчил равишда риоя қилиш, хориждаги ғоявий мухолифларнинг ўнг оппортунистик ва «сўлчилик» қарашларига кескин зарба бериш муҳим вазифамиздир.

Ўртоқлар! XXIV съезддан кейин Марказий Комитет бир қанча қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда идеология ишининг тажрибалари умумлаштирилди, бу ишни яхшилашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Чунончи, Тошкент шаҳар партия ташкилотининг иши тўғрисидаги қарорда коммунистларнинг маркса-ленинча таълими масалалари кўриб чиқилди. «Белоруссия партия ташкилотида идеологик кадрларни танлаш ва тарбиялаш иши тўғрисида», «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорларида идеология кадрлари билан ишлашнинг бутун бир системаси тўғрисидаги масала кенг равишда қўйилди.

Натижада ҳисобот даврида маҳаллий партия ташкилотларининг бу соҳадаги активлиги анча ошди. Улар ғоявий-тарбиявий ишнинг етилган масалаларига кўпроқ эътибор бермоқдалар, бу ишнинг мазмунини чуқурроқ ўрганмоқдалар, бу ишни хўжалик ва маданий қурилиш билан мустаҳкамроқ боғлаб олиб бормоқдалар.

Умуман ғоявий-тарбиявий иш соҳасида биз олдинга силжидик. Лекин хотиржам бўлиш учун бизда ҳеч қандай асос йўқ.

Ички турмушимизни олиб кўринг. Ҳар куни сезиларли ўзгаришлар бўлиб турибди. Янги бўғинлар ҳаёт қучоғига кириб келмоқда. Фан ва техниканинг ривожланиши социал-иқтисодий шароитларни янгиламоқда. Халқнинг онглилиги ва хабардорлиги ўсганлиги омма орасида олиб бораётган бутун ишимиз олдига катта-катта талаблар қўймоқда. Бу ишда эса камчиликлар, ҳал этилмаган проблемалар ҳали ҳам мавжуд.

Жаҳон сиёсатидаги ижобий силжишлар, кескинлик юмшаб бораётганлиги социализм ғояларини кенг ёйиш учун қулай имкониятлар яратиб бермоқда. Лекин, иккинчи томондан, икки системанинг бир-бирига қарши ғоявий кураши тобора активлашмоқда, империализм пропагандаси тобора макрли тус олмоқда.

Икки хил дунёқараш ўртасидаги курашда бетарафликка ва ёнбосишларга ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу курашда сиёсий хушёрлик юксак даражада бўлиши, пропаганда иши актив, оператив ва ишонтирарли равишда бўлиши, душманнинг идеологик диверсияларига ўз вақтида зарба берилиши лозим. **(Қарсаклар).**

Шундай қилиб, ҳозирги замон шароити партиянинг идеологик фаолияти олдига янги вазифалар қўймоқда. Партия ташкилотларнинг тажрибаси бизга қандай йўлдан бориш кераклигини кўрсатиб бермоқда. Шу йўлдан борсак, идеология ишининг самарадорлигини оширишга эриша оламиз. Бу йўл — бутун тарбия ишини комплекс тарзда олиб бориш, яъни меҳнаткашлар турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб бориш йўлидир.

Сиёсий маориф ғоявий-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Биз бир талай ишлар қилиб қўйдик. Масалан, шундай бир фактнинг мағзини чақиб кўрайлик. Ҳозирги вақтда фақат партия маорифи системасининг ўзидагина 20 миллионга яқин киши, шу жумладан партиясизлардан етти миллиондан зиёдроқ киши ўқимоқда. Ўқувчи ёшларимиз — мактаб ўқувчилари ва студентлар сиёсий билимларнинг асосларини эгалламоқдалар. Марксизм-ленинизмни оммавий ўрганиш ижтимоий онгнинг ривожланишида ҳозирги босқичдаги жуда муҳим хусусиятдир.

Коммунистларни ва партиясизларнинг тобора кенгроқ оммасини партия ўқувига тортишга бўлган эътиборни камайтирмай туриб, бу ишнинг мазмуни тўғрисида, унинг назарий даражасини ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш ҳозирги вақтда, партия қадам қўяётган янги босқичда муҳим вазифадир. Партия XXV съезднинг қарорларини чуқур ўрганиш эндиги даврда биздаги партия маорифи барча шохобчаларининг бош вазифасидир. Аввало биз шундай қилишимиз керакки, съезд материалларини ёш коммунистлар, шунингдек партия сафига киришга тайёрланаётган кишилар яхши эгаллаб олсинлар. Съезднинг ғояларини ҳар бир коммунистга, ҳар бир совет кишисига етказиш фақат пропагандистлар, лекторлор, докладчиларнинггина эмас, шу билан бирга барча партия активларимизнинг ҳам фахрли бурчидир. Бу ишни ҳамма билимларимизни, бутун ишонтириш маҳоратимизни, бутун қалбимиз кучини сарфлаб олиб боришимиз керак. Мана шуларнинг ҳаммаси съезд қарорларини оғишмай амалга оширишнинг шарт-шароитларидан биридир.

Ўтган давр ичида партия ташкилотлари меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва шу билан бир вақтда омманинг интернационалистик онгини мустаҳкамлаш ишига кўп куч сарфладилар. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги ва Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг ўттиз йиллиги байрам қилинганлиги, шу нуқтаи назардан қараганда, жуда катта роль ўйнади.

Биз ҳаммамиз, ўртоқлар, халқимиз шу ажойиб юбилейларни нақадар баланд руҳ билан, нақадар сидқидилдан тўлқинланиб нишонлаганлигини унутганимиз йўқ. Ўтган ярим аср меҳнат бунёдкорликларида, Улуғ Ватан урушидаги ҳарбий шижоатларда мамлакатимиздаги барча синфлар ва социал группаларнинг, миллатлар ва элатларнинг бузилмас бирлиги ўсиб вояга етди ва чиниқди. **(Давомли қарсаклар).** Шунинг учун ҳам мана шу бирлик, барча совет кишиларининг мана шу жипслиги, уларнинг ўз улуғ Ватанига содиқлиги, халқларнинг интернационалистик қардошлиги ўтган юбилейларнинг асосий мазмуни бўлди. Шу юбилейларнинг жуда катта ҳам сиёсий, ҳам тарбиявий аҳамияти худди мана шундадир. **(Қарсаклар).**

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларини, Советлар мамлакати учун, Ватанимиз учун фахрланиш, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш ғояларини меҳнаткашлар, аввало ёш авлод онгига сингдириш партиянинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Марказий Комитет Львов области партия ташкилотининг, Тбилиси шаҳар комитетининг иши тўғрисидаги қарорларида интернационал тарбия ишларининг қўйилишидаги камчиликларга партия ташкилотларининг диққат ва эътиборини жалб қилди. Бугун биз бундан тўғри хулосалар чиқарилганлигини мамнуният билан қайд кила оламиз. Партия ташкилотлари меҳнаткашларга ватанпарварлик ва интернационал тарбия бериш ишларини тағин ҳам кўпроқ ташаббускорлик билан ва кенг равишда олиб бордилар. Миллатчилик ва шовинизмнинг айрим кўринишлари, тарихий воқеаларга синфий нуқтаи назардан ёндошмаслик фактлари, маҳаллийчилик кўринишлари, патриархалчиликни мадҳ этиш йўлидаги уринишлар тугатилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар томонидан чуқур тушунилди ва қўллаб-қувватланди, мамлакатимиз халқларининг дўстлигини ва қардошлигини янада мустаҳкамлашга ижобий таъсир ўтказди.

Тарбиявий иш тўғрисида гапирганимизда, ўртоқлар, бу ишда Совет Армияси ўйнаётган жуда катта ролга тўхтамасдан ўтиб бўлмайди. Йигитлар ҳаёт мактабини ўтмай туриб солдатлар оиласига кириб келадилар. Лекин улар чидам ва интизом мактабини ўтиб, техникани ўрганиб, профессионал билимларни эгаллаб ва сиёсий тайёргарликка эга бўлиб, армиядан одам бўлиб қайтиб келадилар. **(Қарсаклар).**

Бизнинг армиямиз социалистик Ватанга, тинчлик ва интернационализм ғояларига, халқлар дўстлиги ғояларига чуқур содиқлик руҳида тарбияланган. **(Қарсаклар).** Совет Армияси ўзининг мана шу фазилатлари билан буржуа армияларидан фарқ қилади. Худди шунинг учун ҳам совет кишилари ўз армиясини севади ва у билан фахрланади **(Қарсаклар).**

Оммани сиёсий тарбиялашдаги муваффақият конкрет ишлар билан ўлчанади, албатта. Коммунистик ғоявийлик — билимлар, эътиқодлар ва амалий ишлар қотишмасидир.

Социалистик мусобақа ҳозирги вақтда юксалиб кетганлиги **сиёсий тарбия билан меҳнат тарбияси бир-бирига мустаҳкам қўшилганлигининг** яққол натижасидир.

Бутун мамлакат муқобил планлар қабул қилиш ҳаракатидек ажойиб ташаббусга қўшилмоқда. И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи коллективининг фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлатиш, юқори сифатли маҳсулот чиқаришни кўпайтириш йўлидаги ташаббуси кенг равишда ёйилди. Москвадаги «Динамо» заводининг, Горький ва Минск автомобиль заводларининг коллективлари ҳар бир ходимнинг шахсий ижодий планлари асосида меҳнат унумдорлигини ошириш намунасини кўрсатдилар.

Ленинград ишчиларининг беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарайлик, деган чақириғи ҳамма жойда нақадар кенг қувватланганлигини айтмайсизми! Бир лавадан бир кунда камида бир минг тонна кўмир қазиб олиш учун Геннадий Смирнов, Владимир Мурзенко, Михаил Чих бригадалари ташаббуси билан бошланган мусобақа, Николай Злобин қурувчилар бригадасининг хўжалик ҳисобида пудратга олиб ишлаш тажрибаси, донгдор тўқувчилар Елена Амосова, Алевтина Смирнова, Валентина Плетнева, Валентина Бобкова ва бошқалардан ўрнак олиниб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун бошланган ҳаракат ҳамма жойда қўллаб-қувватланди.

Шу нарса диққатга сазовордирки, ўнинчи беш йилликнинг биринчи кунлариданоқ «Экономикани ва халқ фаровонлигини янада ўстириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини оширайлик!» деган шиор остида умумхалқ социалистик мусобақаси авж олиб кетди.

Энг муҳими шуки, ўртоқлар, битта ҳам яхши ташаббус сўниб қолмасин. Бундан бир неча йил аввал Горький корхоналарида «Ёнимизда битта ҳам қолоқ бўлмасин!» деган чақириқ пайдо бўлган эди. Бу чақириқ фақат ишлаб чиқаришдаги шиор бўлибгина қолмай, шу билан бирга у ахлоқий нормага ҳам айланди. Дастлаб бу чақириқни кенг кўпчилик қўллаб-қувватлади, лекин афсуски, ҳозирги вақтда баъзи бир жойларда бу чақириқ унутиб қўйилди. Ваҳолонки, бу чақириқни ҳамма жойда ёйиш бутун мамлакат учун муҳим натижалар бериши мумкин.

Социалистик мусобақа тўғрисидаги Ленин ғоялари нақадар чуқур томир ёйганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Коммунистлар мусобақанинг олдинги сафида бораётганликлари билан фахрланамиз. Мусобақа хўжалик ишларига, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, маънавий вазиятга чуқур таъсир ўтказмоқда. Бундан буён ҳам социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантираверишимизнинг муштарак жанговар шиоримиздир.

Коммунистик тарбия халқ маорифи ва профессионал таълим системасини доимий равишда такомиллаштиришни тақозо қилади. Шундай қилиш ҳозирги вақтда, фан-техника революцияси шароитида айниқса муҳим.

Фан-техника революцияси меҳнатга, бинобарин, одамни меҳнатга тайёрлашга ҳам илгаригидан бошқачароқ тус бермоқда. Биз бу соҳада кўпгина ишлар қилмоқдамиз. Лекин қилинган ва қилинаётган ишлар бу соҳадаги барча вазифаларни тўла ҳал қилиб бераётгани йўқ.

Жумладан, бутун умумий таълим системасини ва биринчи навбатда ўрта мактабни янада жиддий такомиллаштириш зарурлиги очиқ кўриниб турибди. Одам учун зарур бўлган билимлар ҳажми кескин равишда тез ошиб бораётган ҳозирги шароитда фактларнинг муайян мазмунини ўзлаштиришни асосий вазифа қилиб олишнинг ўзи энди кифоя қилмай қолди. Ўз билимларини мустақил равишда тўлдира бериш, илмий ва сиёсий информациянинг тез кўпайиб бораётган оқими орасида йўл топиб ола билиш маҳоратини сингдириш муҳим вазифадир. Бу борада бизни катта ишлар кутиб турибди. Бу ишлар эҳтиётлик билан, чуқур ўйлаб ,беҳуда ағдар-тўнтарларга ёки шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилишга йўл қўймай олиб бориладиган ишлардир, албатта.

Хўш, бу борада нималар талаб қилинади? Чамаси, ўқитувчилар тайёрлашни ҳам яхшилаш керак, ўқитиш методларининг ўзини турмуш талабларига ҳам мувофиқлаштириш керак, мактабни замонавий ўқув қуроллари билан, шу жумладан кўргазмали қуроллар билан ҳам таъминлаш керак.

Меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш ишида партия органлари кўрган чораларни бу ерда, съездда айтиб ўтиш керак. Бундай иқтисодий таълим беришнинг кенг системаси XXIV съезд қарорлари асосида вужудга келтирилган эди. Шу вақтгача 42 миллиондан кўпроқ киши иқтисодий таълим олди. 36 миллион киши ҳозирги вақтда ўқиб турибди. Бу ишни давом эттирмоқ керак. Иқтисодий таълимни янада ривожлантириш билан бирга биз унинг меҳнатни ташкил қилишнинг илғор тажрибасини ҳамма жойда кенг равишда, фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга энг кўп даражада ёрдам бериши учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Ўртоқлар! Ҳаётда актив позицияда туриш, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан ишнинг бирлиги кундалик хулқ-атвор нормасига айланиши инсон шахсини улуғлайдиган энг зарур фазилатлардир. Шундай позицияни вужудга келтириш **ахлоқий тарбиянинг вазифасидир.**

Сиёсатимизни ва принципларимизни билсалар ҳам, лекин амалда бунга ҳамма вақт ҳам амал қилмайдиган, сиёсатимиз ва принципларимизни амалга ошириш учун курашмаётган, социалистик турмуш нормаларининг бузилишига нисбатан муросасозлик қилаётган кишилар, афсуски, ҳануз учраб туради. Сўз билан ишни бир-биридан ажратиб қўйиш, қандай формада ифодаланмасин, хўжалик қурилишига, айниқса ахлоқий тарбияга зарар етказади.

Биз совет халқининг моддий фаровонлигини яхшилаш борасида бир талай натижаларга эришдик. Биз бу вазифани бундан буён ҳам изчиллик билан ҳал қилаверамиз. Бироқ, моддий имкониятлар ўсиб бориши билан бир вақтда одамларнинг ғоявий-ахлоқий ва маданий савияси ҳам муттасил ўсиб бориши зарур. Акс ҳолда бизда мешчанлик, майда буржуа психологияси иллатлари такрор пайдо бўлиши мумкин. Буни назар-эътибордан қочириш керак эмас.

Жамиятимиз ўз тараққиётида нақадар баланд кўтарилса, социалистик ахлоқ нормаларидан четга чиқиш борасида ҳануз учраётган ҳоллар айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган бўлиб қолади. Молпарастлик, хусусий мулкчилик тенденциялари, безорилик, бюрократизм ва одамга нисбатан лоқайдлик тузумимизнинг моҳиятига бутунлай зид ҳоллардир. Бундай ҳоллар билан олиб борилаётган курашда меҳнаткашлар коллективининг фикридан ҳам, матбуотнинг танқидий сўзларидан ҳам, ишонтириш методларидан ҳам, қонун кучидан ҳам — қўлимизда бўлган воситаларнинг ҳаммасидан тўла равишда фойдаланиш зарур. **(Қарсаклар).**

Ҳисобот даврида **оммавий информация ва пропаганда воситаларининг** ғоявий савиясини ошириш, уларнинг ишини координациялаш билан бу ишларнинг оперативлигини ошириш масалалари Марказий Комитет фаолиятида катта ўрин олди. Натижада шу воситаларнинг экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда, бутун ижтимоий ҳаётга ўтказаётган таъсири тағин ҳам кўпроқ ўсди.

Кейинги йилларда совет матбуотининг тиражлари ошди, янги нашрлар сони кўпайди. 400 тадан кўпроқ янги газеталар, 113 та журнал таъсис этилди. Обуна тўплаш маълумотларига қараганда, мамлакатимизда ҳар бир оилага ҳозирги вақтда ўрта ҳисобда тўрттадан кўпроқ вақтли нашр тўғри келади. Бу жуда катта кўрсаткич. Айни вақтда шу нарса маълумки, бир қанча нашрларга бўлган талабни қондириш тез ўсиб бораётган эҳтиёждан орқада қолмоқда. Бу борада, жумладан, қоғоз ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Бу фақат хўжалик масаласигина эмаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Газеталар, журналлар, радио ва телевидениенинг моддий-техникавий базасини янгилашни ҳам тезлаштириш зарур.

Партия ташкилотлари матбуотга ҳар куни конкрет раҳбарлик қилиб туришлари, матбуотдаги чиқишларнинг ғоявий савиясини ва таъсирчанлигини оширишга эришишлари лозим. Матбуотнинг ижтимоий аҳамиятига етарли эътибор бермаётган ходимлар, афсуски, ҳали ҳам учраб туради. Шундай ходимлар ҳам борки, улар ўз шаънларига айтилган мақтовларни мамнуният билан қабул қиладилар, лекин танқидга қулоқ солишни ва ундан тўғри хулосалар чиқариб олишни билмайдилар. Партия комитетлари амалий танқиддан қўл силташга уринаётган, матбуотда муҳим проблемалар қўйилаётганлигига, меҳнаткашларнинг матбуотда эълон қилинаётган хатларига лоқайдлик билан қараётган кишиларни тўғри йўлга солиб қўйишга мажбур бўлмоқдалар.

Ўртоқлар! Ҳаммангизнинг эсингизда бўлса керак, XXIV съезд **адабиёт ва санъат масалаларига** жиддий эътибор берган эди. Съезд яратилган ёрқин, талантли асарларга ижобий баҳо бериб, баъзи адибларни, санъат арбобларининг ижодий истиқболсиз йўлга буриб юбориши мумкин бўлган баъзи бир ҳаддан ташқари чиқишларини қайд қилиб ўтган эди.

Ҳозирги кунда биз айтишимиз мумкинки, XXIV съезднинг адабиёт ва санъат масалаларида тутган йўли тўла равишда тўғри йўлдир. Ижодкор зиёлиларнинг фаолияти ўтган йиллар давомида янада активлашди, улар коммунистик жамият қуришнинг умумпартиявий, умумхалқ ишига тобора салмоқлироқ ҳисса қўшмоқдалар.

Мана шу ижобий, ҳаётбахш жараён, табиийдирки кейинги йилларда мамлакатимизда яратилган социалистик реализмнинг янги асарларида акс этди. Мамлакат ҳаётидаги асосий, муҳим ҳодисалар, совет кишилари шахсий тақдирининг бир қисми бўлиб қолган ҳодисалар мана шу асарларда тобора кўпроқ, энг муҳими эса чуқурроқ ифодаланмоқда.

Мисол учун илгари «ишлаб чиқариш мавзуи» деган қуруқроқ ном билан аталадиган мавзуни олиб кўринг. Эндиликда бу мавзу чинакам бадиий формага кирди. Пўлат эритувчиларнинг ёки тўқимачилик фабрикаси директорининг, инженер ёки партия ходимининг муваффақияти учун адабий ёки саҳна қаҳрамонлари билан бирга тўлқинланамиз, ҳаяжонланамиз. Ҳатто қурувчилар бригадаси учун мукофот тўғрисидаги масала жузъий бўлиб кўринган бир ҳол кенг ижтимоий аҳамият касб қилмоқда, қизғин мунозаралар мавзуига айланмоқда.

Кейинги йилларда бадиий ижодкорликнинг ҳаққоний, таъсирлантирувчи асарлари учун яна бир муҳим мавзу бор, у ҳам бўлса, совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасоратидир. Уруш қатнашчилари романлар, повестлар, фильмлар, спектаклларнинг қаҳрамонлари билан бирга қалин қор босган фронт йўлларидан яна бир марта ўтаётгандек бўлмоқдалар, тирик ва ўлик сафдошларининг сўнмас руҳи олдида қайта-қайта таъзим қилмоқдалар. Санъатнинг мўъжизакор таъсири билан ёш авлод эса ўз оталарининг ёки осойишта тонг пайтлари Ватан эрки учун мангулик они бўлиб қолган ҳур қизларнинг шижоатига ўзини шерикдек ҳис қилмоқда. **(Давомли қарсаклар).** Ҳақиқий санъат асари мана шунақа бўлади: ўтмишни гавдалантириб совет ватанпарварини, интернационалистни тарбиялайди. **(Қарсаклар).**

Адабиёт ва санъатимизнинг бир талай куч ва ғайрати сарфланган яна бир мавзуни айтиб ўтсак арзийди. У ҳам бўлса, ахлоқ-одоб, ахлоқий изланишлар мавзуидир. Бу борада ўзига яраша камчиликлар ҳам бўлди. Лекин ҳар ҳолда муваффақиятлар кўпроқдир. Ёзувчиларимизнинг, санъаткорларимизнинг хизмати шундаки, улар инсоннинг энг яхши хислатларини — унинг принципиаллигини, софдиллигини, ҳис ва туйғуларининг чуқурлигини қўллаб-қувватлашга интилмоқдалар, бу борада коммунистик ахлоқимизнинг бузилмас принципларига таяниб иш кўрмоқдалар.

Тинчлик учун, халқларни озод қилиш учун кураш, бу курашда меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлиги сингари муҳим, олижаноб мавзу ҳам санъат усталаримиз, ёзувчиларимиз, шоирларимизнинг илҳом манбаи бўлиб турибди.

Бадиий зиёлилар орасида бир-бирининг ижодига ва ўз ижодига нисбатан талабчанлик кучайди, бадиий саёз, хомхатала, айниқса ғоявий нуқсонлари бўлган асарлар ва постановкаларга юз-хотир қилинмай баҳо берилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасида ижодий союзларнинг, шу союзлар партия ташкилотларининг катта хизмати борлиги кўриниб турибди. **(Қарсаклар).**

Театрларимиз, адабий-бадиий журналларимиз заводларни, колхозларни, Байкал-Амур магистрали ва Кама автомобиль заводи сингари қурилишларни оталиққа олишлари тобора кенгайиб бораётганлигини фақат табриклаш мумкин. Тажрибали устоз санъаткорлар ҳаваскорлик коллективларига, адабий бирлашмаларга, халқ театрларига раҳбарлик қилмоқдалар. Санъатни ҳаётий билимлар билан бойитишдан иборат жонли жараён давом этмоқда ва иккинчи томондан, кўп миллионли меҳнаткашлар оммаси маданият хазиналаридан тобора кўпроқ баҳраманд бўлмоқда.

Адабиёт ва санъат масалаларига партиявий ёндошиш бадиий зиёлиларга нисбатан меҳрибонликни, уларнинг ижодий изланишларига кўмаклашишни принципиаллик билан бирга қўшиб олиб боришни тақозо этади. Ҳар қандай асарнинг ижтимоий аҳамиятига баҳо беришда, ўз-ўзидан маълумки, шу асарнинг ғоявий йўналиши асосий мезон бўлиб келди ва бўлиб қолади. Марказий Комитет, партия органлари ҳам худди шундай, ленинча ёндашиб, идеология ишининг шу соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Шундай бўлсада, баъзан, онда-сонда айрим ходимлар бадиий ижодкорликка, формаларнинг хилма-хиллигига, услубларнинг ўзига хослигига тааллукли масалаларни маъмуриятчилик методлари билан ҳал этишга уриниб, бу масалаларга бачканалик билан ёндошсалар, бундай ҳолларда партия буларни четлаб ўтмайди, аҳволни тўғрилаб қўяди.

Совет ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, театр, кино, телевидение ходимлари — ўз таланти ва профессионал маҳорати билан халққа, коммунизм ишига хизмат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси чуқур ташаккурга лойиқдирлар. **(Қарсаклар).** Ижодкор зиёлиларимизнинг ёш авлоди ҳаёт қучоғига тобора дадил кириб келаётганлигидан хурсандмиз. Чинакам талант кам учрайди. Адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари миллий бойликдир. Биз шуни яхши биламизки, бадиий сўз, бўёқлар жилоси, тошдаги нақшлар, товушларнинг оҳангдорлиги замондошларни илҳомлантиради, қалбимизда авлодимиз тўғрисидаги, замонамиз, унинг ҳаяжонлари ва бунёдкорликлари тўғрисидаги хотираларни келажак аждодларга етказади. **(Қарсаклар).** Партияли ва партиясиз маданият арбоблари тарихимизга, ҳозирги кунимизга ва келажагимизга, партиямиз ва халқимизга, улуғ Ватанимизга муносиб янги асарлар яратсинлар, деб ўз истакларимизни билдирайлик. **(Давомли қарсаклар).**

3. ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Ўртоқлар! Совет жамиятининг сиёсий системасини ҳар томонлама ривожлантириш коммунистик қурилиш борасидаги бутун ишимизнинг муҳим жиҳатидир. Бунда гап социалистик давлатчиликни такомиллаштириш тўғрисида, социалистик демократияни янада ривожлантириш ҳақида, давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш тўғрисида, жамоат ташкилотларининг фаолиятини активлаштириш ҳақида боряпти.

Партия, унинг Марказий Комитети мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги ва у аста-секин ўсиб коммунистик жамиятга айланаётганлигини, бизнинг давлатимиз бутун халқнинг манфаатларини ва иродасини ифодаловчи умумхалқ давлати эканлигини назарда тутдилар ва тутмоқдалар ҳамда бу ишни шунга асосланиб олиб бормоқдалар. Бизда янги тарихий муштараклик — совет халқи вужудга келганлигини ва у ишчилар синфининг етакчилигида ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқига, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг дўстлигига асосланганлигини назарда тутдик ва назарда тутмоқдамиз. Биз давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ўз активликларини ҳар томонлама ривожлантиришларига кўмаклашишга, уларнинг ташаббускорлигини бутун чоралар билан рағбатлантиришга интилдик.

Давлат қурилиши соҳасида **Советлар ишига** партия алоҳида эътибор бермоқда. XXIV съездда қўйилган таклифларга мувофиқ депутатнинг статуси тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу статус депутатларнинг ҳуқуқларини ва бурчларини, шунингдек давлат ва жамоат органларининг депутатларга нисбатан бурчларини аниқ белгилаб берди. Бу эса сезиларли натижалар келтирди. Ҳозирги вақтда Советлар депутатларининг ташаббуси билан кўпгина муҳим масалалар қўйилмоқда ва ҳал этилмоқда. Шуни очиқ айтиш керакки, депутатларнинг сайловчилар берган наказларига асосланиб киритаётган таклифлари халқимизнинг, бутун ҳаётимизнинг талаблари ва эҳтиёжларини акс эттирмоқда.

Сизларнинг эсингизда бўлса керак, ўз вақтида Сиёсий бюронинг ташаббуси билан қонунлар қабул қилинган эди ва бу қонунлар қишлоқ ва поселка, район ва шаҳар Советларининг ҳуқуқларини ҳамда моддий имкониятларини кенгайтирган эди. Ҳисобот даврида тўпланган тажриба шундай қилинганлиги мутлақо тўғри бўлганлигини очиқ кўрсатди. Маҳаллий Советларнинг иши, айтиш мумкинки, янада жонланиб кетди. Ўлка, область ва округ Советларининг компетенциясини белгилаб берадиган қонунлар ҳам қабул қилинсин деган таклифни делегатлар қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Биз доимий равишда шуғулланиб келган яна бир масала бор, у ҳам бўлса, **қонунларимизни такомиллаштириш, социалистик ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масаласидир.** Ҳаётимизнинг баъзи бош проблемаларига доир партия ва ҳукумат органлари томонидан ишлаб чиқилиб, СССР Олий Совети, иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари томонидан қабул қилинган қонунлар жуда катта социал-сиёсий аҳамиятга эга. Бу ишда СССР Олий Советининг доимий комиссиялари ҳам катта роль ўйнади, бу доимий комиссияларнинг фаолияти кейинги йилларда умуман сезиларли равишда активлашди.

Биз юридик нормаларни жамиятимиз эришган янги даражага мувофиқлаштириб олдик. Илгари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш доирасидан четда қолиб келган, масалан, атроф муҳитни, шу жумладан сув ҳавзаларини, ер остини, осмонни ва шу кабиларни муҳофаза қилиш сингари ҳаётий соҳаларга тааллуқли қонун-қоидалар тайёрланди. Ҳозир бизда табиатни ҳимоя қилиш борасида муайян мақсадни кўзлаб иш олиб боришга имкон берадиган ва асослаб берилган юридик нормалар борлиги жуда яхши.

Яқинда Сиёсий бюро ижтимоий ҳаётдаги янги ҳодисаларни ҳисобга олиб, меҳнат ҳуқуқини, маъмурий ҳуқуқни ва бошқа баъзи қонунларни янада такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлашни тегишли органларга топширди.

Хўжалик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни яхшиламоқ учун ҳам бирталай ишлар қилиниши керак. Бу соҳадаги қонунларимиз маҳсулот сифатини ошириш, иқтисодий тежашга риоя қилиш вазифаларини ҳал этишни амалий равишда таъминлаб туриши лозим. Бу қонунлар давлатни алдашдан, қўшиб ёзишдан, социалистик мулкни талашдан, маҳаллийчилик кўринишларидан ва шу кабилардан иборат бўлган мавжуд фактларга қарши самарали чоралар кўрилишини таъминлаши лозим.

Совет давлати қонунлари мажмуасини нашр этиш пайти келганга ўхшайди. Бу қонунлар мажмуаси бутун ҳуқуқ тартиботимизнинг стабиллигини оширишга ёрдам беради. Бу нарса қонунларимизни барча совет гражданлари тағин ҳам бемалол ўрганадиган ҳолга келтиради. **(Қарсаклар).**

Равшандирки, ўртоқлар, биз совет қонунларини, совет жамиятининг манфаатларини, совет гражданларининг ҳуқуқларини қўриқлаб турган **милиция, прокуратура, судлар, юстиция органлари** фаолиятини такомиллаштиришга ҳар доим эътибор бериб келдик ва бундан буён ҳам эътибор бераверамиз. Партия, давлат мана шу муассасалар ходимларининг машаққатли ва фахрли меҳнатини юксак даражада қадрламоқдалар, уларнинг составини яхши тайёрланган, муносиб кадрлар билан тўлдириш ғамини емоқдалар. **(Қарсаклар).**

Давлат хавфсизлиги органлари империалистик давлатлар разведкаларининг, ҳар хил хорижий антисовет марказларнинг ва бошқа душман унсурларнинг қўпорувчилик ҳаракатларидан совет жамиятини мустаҳкам муҳофаза қилиб турибдилар. Уларнинг фаолияти халқаро вазиятдан ва совет жамиятининг тараққиётидан келиб чиқаётган талабларга мувофиқ равишда ташкил этилмоқда. Бизнинг чекистларимиз революция рицари Феликс Дзержинский асос солган традицияларни асраб, ривожлантирмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Давлат хавфсизлиги органлари ўзларининг бутун ишларини партия раҳбарлигида ва унинг доимий назорати остида олиб бормоқдалар, бу ишни халқ ва давлат манфаатларини кўзлаб, меҳнаткашлар кенг оммасининг мададига таяниб, конституция нормаларига, социалистик қонунларга қаттиқ риоя қилиш асосида бажармоқдалар. Уларнинг кучи, аввало, мана шундадир, улар зиммасига юкланган вазифалар муваффақиятли амалга оширилишининг асосий гарови мана шундадир. **(Қарсаклар).**

Мана шу йиллар давомида партия **мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ва Қуролли Кучларни такомиллаштиришга** лозим бўлган даражада эътибор бериб келди. Биз съездга шуни айтишимиз керакки, бу соҳада бир талай ишлар қилдик. Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминлаш яхшиланди, шахсий составнинг жанговар тайёргарлиги ва ғоявий чиниқтириш сифати оширилди. Умуман ўртоқлар, совет халқи ўз бунёдкорлик меҳнатининг самаралари жуда яхши муҳофаза қилиниб турганлигига амин бўлиши мумкин. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқининг шонли Қуролли Кучлари совет халқи тинч меҳнатининг посбони бўлиш, ялпи тинчликнинг таянчи бўлишдан иборат ўз масъулиятли вазифасини бажариш учун зарур воситаларнинг ҳаммасига бундан буён ҳам эга бўлсин деб партиямиз ҳамма чораларни кўраверади. Бунга ҳам ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги лозим. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Жамоат ташкилотлари совет сиёсий системасининг ажралмас қисмидир. Умуман улар мамлакатдаги катта ёшдаги деярли барча аҳолини бирлаштириб турибди. Бу ҳам диққатга сазовор фактдир. Бизнинг жамоат ташкилотларимиз жамият ишларини бошқаришда гражданларни қатнаштиришнинг муҳим воситаларидан биридир.

(Охири тўққизинчи бетда).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ докладининг охири

(Давоми)

Масалан, **касаба союзлари** сингари энг оммавий жамоат ташкилотини олиб кўринг. Касаба союзларининг 107 миллион нафардан кўпроқ аъзоси бор. Касаба союзларининг иши инсон ижодий кучлари сарфланаётган асосий соҳа — ишлаб чиқариш соҳасида демократияни амалга оширишга бевосита жуда кенг йўл очиб бермоқда.

Касаба союзлари, аввало, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишлари, турмуш масалалари, социал масалалар билан актив шуғулланишлари лозим. Лекин ишлаб чиқариш ривожланавермаса, меҳнат интизоми мустаҳкамланавермаса, меҳнат унумдорлиги ўсавермаса бу соҳада улар қилаётган ишнинг баракаси бўлмай қолади. Касаба союзлари ҳар бир меҳнаткашнинг манфаатларини ўз фаолиятларининг марказий вазифаси қилиб қўйганликлари учун ҳам ишлаб чиқаришни юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш уларнинг бурчидир.

Бизнинг жамиятимиз ҳаётида касаба союзларига катта ўрин берилган. Бу эса улар зиммасига кўпгина вазифалар юклайди. Касаба союзларининг иши шундай ташкил этилиши керакки, бу иш уларнинг ҳуқуқларига ва масъулият даражаларига тўлиқроқ жавоб берадиган бўлсин. Шундай бир масалани олиб кўрайлик. Маълумки, саноатни тармоқларга бўлиб бошқаришни қайта тиклаганимизга ва бундай бошқариш такомиллаштирилаётганлигига бир неча йил бўлди. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ўсиб бормоқда, ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилмоқда. Бироқ, мана шуларнинг ҳаммаси касаба союзлар ишида ҳозирча лозим бўлган даражада акс этгани йўқ. Ишлаб чиқариш касаба союзларининг структурасини саноатни бошқариш структурасига тўлиқроқ мувофиқлаштирмоқ учун бу тўғридаги масалани, шунингдек ишлаб чиқариш бирлашмаларидаги касаба союзлар ишининг формалари ва методлари тўғрисидаги, тармоқ касаба союзлари раҳбар органларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани тартибга солиб олишимиз керак.

Кейинги вақтларда колхозлардаги касаба союз ташкилотларининг роли тобора ошиб бормоқда. Уларнинг оммавийлигини кенгайтиришга ёрдам бериш зарур, бу эса қишлоқ хўжалигини юксалтириш ҳамда колхозчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш вазифаларини ҳал этмоқ учун анчагина аҳамиятга эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси муҳим масалалардир. Уларни ҳал этиш зарурдир. **(Қарсаклар).**

Ленинчи комсомолимиз шаънига кўпгина илиқ сўзлар айтилди ва айтилмоқда. Бунинг учун ҳамма асослар бор, ўртоқлар. 35 миллионли комсомоллар армияси партиянинг ишончли ёрдамчисидир, унинг бевосита жанговар резервидир. Партия комсомол олдига қандай вазифалар қўймасин, комсомол бу вазифаларни ҳал этиш учун ёшлик шижоати билан курашиб келмоқда. **(Қарсаклар).**

Ўтган беш йиллик давомида комсомол қанчадан-қанча яхши ташаббусларни бошлаб бермади, қанчадан-қанча шавкатли ишларни амалга оширмади! Байкал-Амур магистрали қурилишини, зарбдор комсомол қурилишларини айтмайсизми, беш йилликда бундай зарбдор комсомол қурилишлари 670 та эди, бу қурилишларда йигит ва қизлардан ярим миллиондан кўпроқ киши ишлади. Комсомол Россия Федерациясининг ери қора тупроқ бўлмаган зонасидаги мелиорация ва қишлоқ қурилишининг 1200 та объектини қуришни ўз оталиғига олди. Студентларнинг қурилиш отрядларини айтмайсизми! Ёшлар бу отрядларга нечоғлик интилаётганлигини ҳаммамиз биламиз. Зеро, бу отрядлар жуда катта иш қилмоқдалар. Тўққизинчи беш йилликда бу отрядлар тахминан 5 миллиард сўмлик иш бажардилар. Бу отрядларнинг меҳнат тарбияси мактаби сифатидаги аҳамиятини ҳар қанча таъкидласак оз.

Комсомолнинг меҳнат шуҳрати унинг курашиб қўлга киритган мустаҳкам позициясидир. Лекин, ўртоқлар, турмушнинг ўзи комсомол олдига тобора катта ва юксак талаблар қўймоқдаки, буни тушуниш керак. Зеро, комсомол сафида ёшлар коммунистик қурилишда онгли равишда қатнашишга актив қўшилмоқдалар. Айниқса, ёшлар билан, ҳали характери қарор топмаган ёшлар билан иш олиб борилаётганлигини назарда тутсак, бу борада онглиликни тарбиялаш унчалик осон иш эмас. Ёшлар ҳар қандай яхши ташаббусга сидқидилдан, қизғин равишда қўшилишга тайёрдирлар. Лекин расмиятчилик билан тўқнашиш, тарбиявий ишга бюрократларча ёндашишга дуч келиш қалблар ўтини сўндириб қўяди. Ваҳолонки, бизнинг вазифамиз бу ўтни сақлаб қолиш билангина кифояланмай уни аланга олдиришдан ҳам иборатдир. Жўшқинлик, ўткир зеҳн, ёшлик ғайрати бизнинг кишиларимизда бир умрга сақланиб қолишини истаймиз. Бунга комсомол ёрдам бериши лозим, бу иш комсомолнинг муҳим вазифаси бўлиши лозим. **(Қарсаклар).**

Ёшлар, комсомоллар коммунистик қурилиш йилномасига янги шонли саҳифалар ёзадилар, бунга партия қатъий ишонади! **(Қарсаклар).**

Халқимизнинг катта ишлари тўғрисида гапирар эканмиз, бу ишларда совет хотин-қизлари қандай роль ўйнаётганлигини айтмасдан ўтиб бўлмайди **(Қарсаклар).** Ватанимиз ўз муваффақиятлари ва ғалабаларига кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг фидокорлиги ва таланти туфайли эришди. Съездимиз ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида келажак учун белгилаб берадиган муҳим вазифаларни ҳал қилишга ҳам шонли хотин-қизларимиз, ҳеч шубҳасиз, катта ҳисса қўшадилар. Хотин-қизларга доимий ғамхўрлик қилиниши, **(Қарсаклар),** меҳнат жараёнининг қатнашчиси, болаларнинг онаси ва тарбиячиси ҳамда уй бекаси бўлган хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш ҳақида қайғуришни партия ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Ўртоқлар! Қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида Совет давлати кўраётган чораларнинг моҳиятини чет эллардаги танқидчилар кўпинча бузиб кўрсатмоқдалар. Улар интизомни ва гражданларнинг жамият олдидаги масъулиятини мустаҳкамлаш тўғрисида бўлаётган ҳар қандай гапни демократиянинг бузилиши деб тасвирламоқдалар. Бу хусусда нима деб бўлади?

Ҳа, биз инсон шахсини, гражданлик ҳуқуқларини бутун чоралар билан ривожлантириш ғамини ейиш билан бирга, жамоат интизомини мустаҳкамлаш проблемаларига, барча гражданларнинг жамият олдидаги ўз бурчларига риоя қилишларига лозим бўлган даражада диққат-эътибор бермоқдамиз. Чунки интизом ва мустаҳкам жамоат тартиби бўлмаса демократияни амалга ошириб бўлмайди. Ҳар бир гражданнинг ўз бурчларига, халқ манфаатларига масъулият билан ёндашувигина социалистик демократизм принципларини тўлиқ равишда амалга оширмоқ, инсон шахсининг чин эркинлигини таъминламоқ учун бирдан-бир мустаҳкам негиз яратиб беради. **(Қарсаклар).**

Бизнинг жамиятимизда коммунизм қуриш манфаатларига хизмат қилаётган нарсаларнинг ҳаммаси ахлоқ ва одобга мос бўлиб тушаверади, деб Ленин айтган сўзларни эслатиб ўтиш мумкин. Худди шунингдек биз ҳам халқ манфаатларига, коммунистик қурилиш манфаатларига хизмат қилаётган нарсалар бизнинг назаримизда демократик моҳиятга эгадир деб айтишимиз мумкин. **(Қарсаклар).** Шу манфаатларга зид бўлган нарсаларни рад қилаверамиз, бу билан ҳеч ким бизни, нотўғри қиляпсиз деб ишонтира олмайди. Биз сиёсий системамизни такомиллаштира бориб, қандай йўлдан бораётганлигимизни жуда аниқ биламиз. Биз танлаб олган йўлимиз тўғри йўл эканлигига тўла равишда аминмиз. **(Давомли қарсаклар).**

Эндиликда биз фақат назария туфайлигина эмас, шу билан бирга кўп йиллик тажрибамиздан ҳам шуни билиб олдикки, социализм бўлмаса чинакам демократия бўлиши мумкин бўлмаганидек, демократия доимий ривожланиб бормаса социализм ҳам бўлиши мумкин эмас. **(Қарсаклар).** Социалистик демократиямизни такомиллаштиришни биз, аввало, жамиятнинг ҳамма ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг тобора кенг қатнашувини оғишмай таъминлаш деб тушунамиз, давлатчилигимизнинг демократик асосларини янада ривожлантираверишни деб, инсон шахсининг ҳар томонлама равнақ топиши учун шарт-шароит яратиб бериш деб тушунамиз. Партия шу йўлда ишлаб келди ва бундан буён ҳам шу йўлда ишлайверади.

Ўртоқлар! Социализм муттасил ривожланиб бораётган жамиятдир. Биз бир кун ҳам бир жойда туриб қолмаймиз, биз ҳамма вақт олға бораверамиз. Шу сабабли жамиятимизнинг сиёсий системасини такомиллаштириш мақсадида қилинган ишлар чуқур социал моҳиятга ва аҳамиятга эга.

Такрор айтаманки, кўпгина ишлар қилинди. Мана энди қилинган ишларни умумлаштириб бериш вақти ҳам келди. **СССРнинг янги конституцияси** лойиҳасини тайёрлашда биз ана шунга асосланиб иш олиб бормоқдамиз. Пайдо бўлаётган ҳар бир проблемани мумкин қадар аниқроқ салмоқлаб кўриб, сўнгра лойиҳани умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилмоқ учун бу иш шошма-шошарлик қилинмасдан, жуда синчиклаб олиб борилмоқда. Лекин бу ишда биз асос қилиб олган баъзи бир энг муҳим жиҳатларни бу ерда, съездда айтиб ўтмоқчиман.

Чамаси, конституциянинг янги лойиҳасида социализмнинг буюк ғалабаларини акс эттириш, социалистик тузумнинг давлатимизнинг синфий моҳиятини ифодаловчи умумий принципларинигина қайд қилиб қолмасдан, шу билан бирга ривожланган социалистик жамиятнинг асосий белгиларини, бу жамиятнинг сиёсий тузилишини ҳам қайд қилиш керак **(Қарсаклар).**

Коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг характери халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш принциплари тўғрисида конституцияда муфассалроқ айтиб ўтиш зарурлигини тақозо қилади. Шу билан бирга, жамиятнинг маънавий ҳаётида, фан, халқ маорифи, маданиятни ривожлантирмоқ учун шарт-шароит таъминлаб беришда давлатнинг ролини ҳам акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Бу билан биз социалистик давлатнинг меҳнат аҳлининг манфаатларини, бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб коммунизм қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлат сифатидаги инсонпарварлик характерини уқтириб ўтган бўламиз.

Социалистик демократияни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш янги конституция лойиҳасининг асосий хусусиятларидан бири бўлади.

Барча ижроия органларининг сайлаб қўйилган ҳокимият органлари олдида ҳисобот беришининг қаттиқроқ системасини ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бундан буён умумиттифоқ қонунларининг лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш кўзда тутилади. Ҳозирги кунда шундай қилинаётган бўлса ҳам, аммо бу ҳали қонун тариқасида мустаҳкамланган эмас.

Бу ерда фақат айрим асосий жиҳатларгина бирма-бир айтиб ўтилди, албатта. Лекин шу айтилганларнинг ўзи бу иш қай йўлда бораётганлиги тўғрисида тасаввур беради, деб ўйлаймиз.

Янги конституция давлатимизнинг олий мақсадини мустаҳкам қайд қилиб аниқ белгилаб бериши лозимлигини назарда тутамиз ва тутмоқдамиз. Бу олий мақсад эса коммунистик жамият қуришдан иборатдир. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! Беш йил ичида қилинган қизғин меҳнат натижаларини съездимизда якунлаб оламиз. Ишларимизнинг якунлари яхши. Эндиги беш йилликка мўлжалланган планларимизни муҳокама қиламиз. Бу планлар тиғиз, лекин пухта ўйланган, реал планлардир.

Қани энди қилинган ишларнинг ҳаммасини, қилмоқчи бўлган ишларимизнинг ҳаммасини тағин ҳам кенгроқ тарихий мезон билан ўлчаб кўрайлик.

Яқин орада, бир ярим йилдан кейин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланади. Олтмиш йил одамнинг ўртача умридан камроқдир. Лекин, шу вақт ичида мамлакатимиз асрларга тенг келадиган йўлни босиб ўтди. **(Давомли қарсаклар).**

Биз янги жамият, инсоният тарихида шу дамгача мисли кўрилмаган жамият барпо қилдик. Бу жамият кризислар бўлмайдиган, экономикаси муттасил ўсиб борадиган, етук социалистик муносабатларга, чинакам эркинликка эга бўлган жамиятдир. Бу жамият илмий-материалистик дунёқараш ҳукмронлик қилаётган жамиятдир. Бу жамият келажак, порлоқ коммунистик истиқболларга ишончи мустаҳкам жамиятдир. Унинг олдида яна ҳар томонлама тараққий этиш учун чексиз уфқлар очиқ.

Босиб ўтилган йўлнинг яна бир бош якуни, у ҳам бўлса совет турмуши тарзининг вужудга келганлигидир. Чинакам коллективизм ва ўртоқлик, мамлакатдаги барча миллатлар ва халқларнинг кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган жипслиги, дўстлиги, бизни кучли, бардам қилаётган маънавий соғломлик — буларнинг ҳаммаси турмуш тарзимизнинг ёрқин қирраларидир, воқелигимизнинг жон-танига сингиб кетган социализмнинг буюк ғалабаларидир. **(Давомли қарсаклар).**

Ниҳоят, ўтган олтмиш йилнинг энг муҳим якуни, у ҳам бўлса — совет кишисидир. Совет кишиси эркинликни курашларда қўлга киритиб, уни энг оғир жангларда сақлаб қола олди. У кучини аямай ва ҳар қандай қурбонлардан қайтмай келажакни қурди. У ҳамма синовлардан ўтиб ўзи таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди, ғоявий эътиқодни ва жуда катта ҳаётий ғайратни, маданиятни, билимларни ва бу билимларни тадбиқ қила билишни ўзида мужассамлаштирди. У ўзи оташин ватанпарвар бўлиш билан бирга изчил интернационалист ҳам бўлди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. **(Давомли қарсаклар).**

Советлар мамлакати бутун ер юзидаги халқларнинг кўз олдида ҳақли равишда тинчлик таянчи ва тинчликнинг байроқдори бўлиб турибди. Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, инсониятни янги қирғин урушлардан халос қилиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрмоқдамиз ва кўраверамиз.

Ҳа, биз ҳамма проблемалар ҳали ҳал этилмаганлигини биламиз. Биз ўзимизнинг камчиликларимизни бизни танқид қилаётганларнинг ҳаммасидан кўра яхшироқ биламиз, қийинчиликларимизни кўриб турибмиз. Шунинг учун ҳам биз буларни муваффақиятли равишда бартараф қилмоқдамиз. Жамиятимизни янада ривожлантиришга ва такомиллаштиришга олиб бораётган йўлни кўриб ва билиб турибмиз. **(Қарсаклар).**

Биз коммунизмга ҳали етганимиз йўқ, лекин партиямизнинг фаолияти, унинг интилишлари инсоннинг бахт-саодати учун, инсон учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни қилишга қаратилганлигини бутун дунё кўриб турибди. Партиянинг мана шу жуда юксак, инсонпарварлик мақсади уни халқ билан қондош қилиб қўймоқда, уни маҳкам, узилмас ришталар орқали барча совет кишилари билан боғламоқда. **(Қарсаклар).**

Совет кишилари шуни яхши биладиларки, қаерда қийинчиликлар бўлса, шу ерда коммунистлар олдинги сафда бўладилар. Совет кишилари шуни биладиларки, қандай кор-ҳол рўй бермасин, коммунистлар уларни доғда қолдирмайдилар. Совет кишилари шуни биладиларки, партия бўлган жойда муваффақият бор, ғалаба бор! **(Давомли, гулдурос қарсаклар).** Халқ партияга ишонади. Халқ партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қувватламоқда. Бу эса партиянинг бир кучига ўн куч қўшмоқда. Партия учун битмас-туганмас куч-ғайрат манбаи бўлмоқда. **(Қарсаклар).**

Лекин коммунистлар ҳам шуни яхши биладиларки, мамлакатга раҳбарлик қилишни коммунистларга ишониб топшириб қўйган халқ ғоят меҳнатсевар, мардонавор, чидамли, саховатли, истеъдодли ва доно халқдир. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).** Бу халқ — бошига балойи-офатлар тушган йилларда ҳам букилмайдиган халқдир. Бу халқ ўзининг жуда катта ишидаги ҳар бир нуқсонни кўрганида жон куйдираётган халқдир. Бу халқ ўз муваффақиятлари билан мақтанмайди, лекин бу муваффақиятларни камситмайди ҳам. У бошқа халқларнинг шодлигини кўриб қувонадиган ва дардига дардкаш халқдир, уларнинг адолат, эркинлик, социал тараққиёт йўлидаги курашига ёрдам беришга тайёр. Совет халқи — ҳақиқатан буюк, қаҳрамон халқ! **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет мамлакати, халқимиз машаққатли, лекин шонли йўлни босиб ўтдилар. Агар ҳар биримизга, коммунистларга, бошқача йўлни танлаб олишни истармидингиз, деган савол берилса, йўқ, деб жавоб беради, деб ўйлаймиз. Бизнинг йўлимиз ҳақиқат йўли, эркинлик йўлидир, халқ бахт-саодати йўлидир. **(Давомли қарсаклар).**

Съездимиз қабул қиладиган қарорлар янги ишларга рағбатлантирувчи қудратли восита бўлади. Бу қарорларни бажариш ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир партия ташкилотининг ва бутун партиямизнинг шон-шараф ишидир.

Бас шундай экан, ўзимиз интилаётган юксак мақсадлар сари олға бораверайлик ўртоқлар! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин ленинчи коммунистик партиямиз — илмий коммунизм партияси! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин инсон тарихида биринчи коммунистик жамият қураётган халқимиз! **(Гулдурос қарсаклар).**

Социализм мамлакатлари халқларининг дўстлиги, коммунистларнинг, барча социал ва миллий озодлик кучларининг интернационал жипслиги мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин мустаҳкам, адолатли тинчлик! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин коммунизм! **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг охирги сўзларини съездда ҳозир бўлганлар давомли, гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Съезд делегатлари ва меҳмонлар ўринларидан турадилар. Зал бўйлаб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети шарафига табрик садолари янграйди, қудратли «ура!» садолари, «КПССга шон-шарафлар!», «Яшасин ленинчи партиямиз!», «Яшасин улуғ совет халқи!» деган табрик сўзлари зал гумбазлари остида янграйди.

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИ, 24 ФЕВРАЛЬ

(Боши биринчи бетда).

Колумбия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Виейра бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Коста-Рика Халқ авангарди партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Мора бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Лаос Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг бош секретари, бош министр ўртоқ Кейсон Фомвихан бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Шауи бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Люксембург Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Урбани бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Мальта Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Вассало бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Марокаш тараққиёт ва социализм партиясининг бош секретари ўртоқ Али Ята бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Мартиника Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Мениль бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Мартинес Вердуго бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Никарагуа Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Санчес бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Янги Зеландия Социалистик бирлик партиясининг миллий секретари ўртоқ Жексон бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Норвегия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Кнутсен бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Панама Халқ партиясининг бош секретари ўртоқ Соуса бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Дель Прадо бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Куньял бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Пуэрто-Рико Коммунистик партияси бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Иризарри бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Сальвадор Коммунистик партияси Марказий Комитети бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Кастельянос бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Сан-Марино Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Барулли бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Шейхо бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

АҚШ Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Холл бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Арисменди бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Москва. Кремлнинг Съездлар саройида. ТАСС фотохроникаси.

Финляндия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Сааринен бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Плиссонье бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси ўртоқ Сорролья бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Швейцария Меҳнат партиясининг раиси ўртоқ Венсан бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Швеция коммунистлари сўл партияси раиси ўртоқ Вернер бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Шри Ланка Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Кейнеман бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Эквадор Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Саад бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар),**

Жанубий Африка Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Даду бошчилигидаги партия делегациясини **(қарсаклар)** ҳам қардошларча табриклаймиз.

Биз Гаити, Гватемала, Индонезия, Парагвай, Сенегал, Судан, Туркия, Филиппин Коммунистик ва ишчи партияларининг делегацияларини, шунингдек «Проблемы мира и социализма» журнали редакцион коллегиясининг вакилларини ҳам табриклаймиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бизнинг съездимизда биз билан дўстона алоқалар боғлаб турган Миллий-демократик партиялар ва ташкилотларнинг делегациялари ҳозир бўлдилар. Биз:

Жазоир ҳукуматининг министри ўртоқ Биняхё бошчилигидаги миллий озодлик фронтининг **(қарсаклар),**

Ангола озодлиги халқ ҳаракати Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, министр ўртоқ Батишта бошчилигидаги шу ҳаракатнинг **(қарсаклар),**

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, министр ўртоқ Нгуен Тхи Бинь бошчилигидаги шу фронтнинг **(қарсаклар),**

Гвинея Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, министр ўртоқ Кейта бошчилигидаги партиянинг **(қарсаклар),**

Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси ижроия комитети доимий секретариатининг аъзоси, республика ҳукуматининг бошлиғи ўртоқ Мендес бошчилигидаги шу партиянинг **(қарсаклар),**

Ироқ араб социалистик уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Ҳайдар бошчилигидаги шу партиянинг **(қарсаклар),**

Яман Халқ Демократик Республикаси миллий фронти — Бирлашган сиёсий ташкилоти Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Исмоил бошчилигидаги шу ташкилотнинг **(қарсаклар),**

Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети махсус революцион штабининг аъзоси ўртоқ Чистер-Чикайя бошчилигидаги шу партиянинг **(қарсаклар),**

Ливан Прогрессив-социалистик партияси раҳбарлик кенгашининг аъзоси ўртоқ Сальман бошчилигидаги шу партиянинг **(қарсаклар),**

Мадагаскар Мустақиллик конгресси партиясининг бош секретари ўртоқ Рабесахала бошчилигидаги шу партиянинг **(қарсаклар),**

Мозамбик Озодлик фронти Марказий Комитетининг ва фронт ижроия комитетининг аъзоси, министр ўртоқ Ребело бошчилигидаги шу фронтнинг **(қарсаклар),**

Жануби-Ғарбий Африка (Намибия) халқ ташкилоти миллий ижроия комитетининг аъзоси, ташкилот маъмурий секретари ўртоқ Гароиб бошчилигидаги шу ташкилотнинг **(қарсаклар),**

Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси ўртоқ Каддуми бошчилигидаги шу ташкилотнинг **(қарсаклар),**

Зимбабве африкаликлар миллий кенгаши ташқи маъмуриятининг раиси ўртоқ Мойо бошчилигидаги шу кенгашнинг **(қарсаклар),**

Сурия Араб Социалистик уйғониш партияси бош секретарининг ўринбосари ўртоқ Аҳмар бошчилигидаги шу партиянинг **(қарсаклар),**

Сомали Демократик Республикаси Олий революцион кенгашининг президенти ўртоқ Саид Барре бошчилигидаги шу кенгашнинг **(қарсаклар),**

Танганьика африкаликлар миллий иттифоқи (Танзания Бирлашган Республикаси) миллий ижроия кенгашининг аъзоси ўртоқ Сулаймон бошчилигидаги Танганьика африкаликлар миллий иттифоқи ва Афро-Ширози партиясининг **(қарсаклар),**

Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси президенти вазифасини бажарувчи ўртоқ Тамбо бошчилигидаги шу партиянинг **(қарсаклар)** вакилларини зўр мамнуният билан табриклаймиз.

Биз Чили Социалистик партиясининг бош секретари ўртоқ Альтамирано бошчилигидаги партия вакилларининг съездимиз ишида қатнашаётганлигини табриклаймиз **(қарсаклар).**

Биз шу ерда ҳозир бўлган бошқа партияларнинг вакилларини ҳам табриклаймиз. **(Қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! КПСС XXIV съездидан кейин ўтган йиллар мобайнида биз ҳозирги Марказий Комитет составига кирган бир қанча таниқли партия ва давлат ходимларидан жудо бўлдик. Семён Михайлович Будённий, Иван Степанович Конев, Александр Евдокимович Корнейчук, Антанас Юозович Снечкус вафот этдилар.

Шу вақт ичида жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати Вальтер Ульбрихт, Жак Дюкло, Бенуа Фрашон, Золтан Комочин, Амилкар Кабрал, Ван Мин, Жамсарангийн Самбу, Тим Бак, Эдгар Вооғ, Сальвадор Альенде сингари таниқли арбоблардан, мард интернационалчи курашчилардан жудо бўлди.

Биз вафот этган ва ҳалок бўлган ўртоқлар ҳамда дўстларнинг номларини қалбимизда ардоқлаб асраймиз. уларнинг ҳаёти тинчлик, демократия, социализм учун, ер юзидаги кишиларнинг бахт-саодати учун кураш билан чамбарчас боғланган эди.

Ўртоқ М. А. Суслов уларнинг хотирасини бир дақиқа сукут ичра ҳурмат билан эсга олишни таклиф қилади. Ҳамма ўрнидан туради.

Шундан кейин съезд съезднинг кун тартиби ва иш тартибини кўриб чиқишга ўтади.

КПСС XXV съездининг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари — докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.
2. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи — докладчи ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.
3. 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари — докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин.
4. Партиянинг Марказий органларини сайлаш.

Съезд ўз кун тартибидаги биринчи масалани кўриб чиқишга киришади.

«КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга сўз берилади.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари Леонид Ильич Брежневни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан кетма-кет бўлиниб турди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг якунловчи сўзларини залда ҳозир бўлган кишилар гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Съезд делегатлари ва меҳмонлари ўринларидан турадилар. Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети шарафловчи хитоблар, қудратли «Ура!», «КПССга шон-шарафлар!» деган сўзлар янграйди.

Раислик қилувчи ўртоқ М. А. Суслов мажлисни ёпиқ деб эълон қилади.

КПСС XXV съезди 25 февралда ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҲАР ЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИГАН «ДЕНГИЗ ВА ДАРЁ ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ» БАЙРАМИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни» байрами белгилансин.

«Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни» ҳар йили июль ойининг биринчи якшанбасида байрам қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1976 йил 23 февраль.

КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМИГА ТАБРИКЛАР

Ватанимизнинг партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларидан, саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг коллективлари, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, илмий муассасалар ва ўқув юртлари, ижодий ва жамоат ташкилотларидан, коммунистлар, комсомоллар ва ёшлардан, меҳнаткашлардан КПСС XXV съезди номига кўплаб табрикномалар, қутловлар ва меҳнат рапортлари келиб турибди.

Съезд президиуми ана шу табрикномаларни ўз ичига олувчи махсус бюллетень нашр этишни зарур деб топди.

(ТАСС).

БУТУН ДУНЁ НИГОҲИ МОСКВАДА

24 февраль куни юз миллионлаб кишилар Совет мамлакати ҳаётидаги ғоят буюк воқеа — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясиси XXV съезди очилишининг шоҳиди бўлдилар. Шу куни Марказий телевидение Кремлнинг Съездлар Саройидан бевосита эшиттириш бера бошлади. Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Совет Иттифоқининг Сибирь, Ўрта Осиё, Шимолий ва Узоқ Шарқ районлари аҳолиси учун эшиттириш ва кўрсатувлар «Восток» программаси орқали ва «Орбита» космик системаси орқали ҳам олиб борилди. «Интервидение» системаси съезд очилиши ва ишини Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Румыния, Чехословакия, Югославия аҳолисига кўриш имкониятини берди. Москвадан кўрсатувларни «Евровидение» системаси орқали Ғарбий Европа мамлакатларининг телевизион компаниялари қабул қилиб олди. Съезддан берилган эшиттиришни Совет Иттифоқидаги барча радиостанциялар олиб борди.

КПСС XXV съезди халқаро ҳаётда ғоят муҳим воқеа бўлди, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори съездга қаратилгандир. Марказий телевидение кечқурун съезд ишининг биринчи куни тўғрисида репортаж эшиттирди.

(ТАСС).

КПССНИНГ АГРАР СИЁСАТИ АМАЛДА

КУБАНЬ ШОЛИСИ

Кубань шоликорлари ва мелиораторлари партиянинг XXV съездига меҳнат совғаси тайёрладилар. Улар асосий магистрал каналларни ва арикларни лойдан тозалаб қўйдилар. Механизациялашган отрядлар 4 миллион куб метрдан зиёд — пландан анча кўп тупроқ қазидилар ва сурдилар. 5 мингта гидротехника иншооти ремонт қилиб қўйилди.

1975 йилда кубанлик деҳқонлар давлатга 500 минг тонна шоли сотдилар. Краснодар ўлкаси қўйган шу рекорди билан бутун Россия социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилиб, РСФСР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди.

Ўтган беш йилликда Кубань далалари мамлакатнинг катта шоликорлик районига айланди. Суғорма ерлар 160 минг гектар кўпайтирилиб, ҳозир 300 минг гектардан ошиб кетди. Собиқ ботқоқ ерларда 4 та янги суғориш системаси қурилди, 3 та сув омбори, шу жумладан шимолий Кавказда энг катта Краснодар сув омбори ишга туширилди. Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида гектар бошига 50 центнердан дон олинди.

Кубанликлар шу йил гектар бошига 51-52 центнердан шоли олиб, ялпи ҳосилини 720 минг тоннагача етказишмоқчи.

Беш йиллик охиригача Краснодар ўлкасида йилига 1 миллион тоннадан шоли етиштириладиган бўлади.

(ТАСС мухбири).

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШ КОМПАСИ

Жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ўз ишини бошлаган Москвага қаратилган. Сиёсий арбоблар ва жамоат арбобларининг баёнотларида, матбуотнинг мақолалари ва шарҳларида КПСС XXIV съезди қарорларининг амалга оширилганлиги тарихий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилмоқда. СССРда коммунизм моддий-техника базасини яратишда, ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда совет халқи эришган катта-катта муваффақиятлар таъкидлаб ўтилмоқда. Шарҳловчилар, жамоат арбоблари Ленин партиясининг анжумани Советлар мамлакатининг коммунизм сари олға бориш янги-янги истиқболларини очиб бериб, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, ҳамкорлик ва социал тараққиётни ривожлантиришга ёрдам беради, деган фикр билдирмоқдалар.

БУДАПЕШТ. Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Миклош Оварий «Непсабадшаг» газетасида чиққан мақоласида КПССнинг XXV съезди ВСИП ва бутун венгер халқининг диққат марказида турибди деб ёзади. Бу диққат-эътибор халоскорлик хизматлари учун оғамизга бўлган ҳурмат-эҳтиром, ҳамиша ёрдам беришга тайёр, дўстга меҳр-муҳаббат билангина чекланиб қолмайди. Энг катта ва қудратли социалистик мамлакат партиясининг съездлари ҳамиша халқаро кўлам касб этиб келди.

Ленин партиясининг раҳбарлигида биринчи бўлиб социалистик ривожланиш йўлига кирган мамлакат — Совет Иттифоқи тажрибаларидан фойдаланиш олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг сўзсиз шарти ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ВСИПнинг XI съездида сўзлаган нутқида айтганидек, қардош партияларнинг коллектив куч-ғайратлари ва биргаликдаги тажриба асосида ривожланган социализмни барпо этиш йўлини ишлаб чиқишнинг аҳамияти ҳам оз эмас, деб ёзади М. Оварий.

• • •

УЛАН-БАТОР. КПСС съездларининг аҳамияти бир мамлакат доирасидан анча ташқарига чиқиб, оламшумул характер касб этади деб ёзади Монголиянинг «Унэн» газетаси. Ҳамма қитъаларда КПСС XXIV съезди олға сурган Тинчлик программасини амалга оширишнинг самарали якунлари чиқарилмоқда. КПССнинг XXV съезди шубҳасиз улуғвор сиёсий воқеа бўлиб, халқаро майдонда социализм кучларини янада мустаҳкамлашга, ижтимоий тараққиёт учун курашувчи барча революцион кучларни жипслаштиришга қудратли таъсир кўрсатади.

БОНН. Германия Коммунистик партиясининг Раиси Г. Мис «Уньзере Цайт» газетасида ёзадики, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Москвада очиладиган съезди бутун дунёнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилади, зеро КПСС ва Совет давлати фаолиятининг съезд чиқарадиган якунлари ва съезд қабул қиладиган қарорлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма қитъалардаги кишиларнинг ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатади. КПССнинг XXV съездида совет коммунистлари ўтган беш йил ичида давлат қурилишида нақадар катта муваффақиятларга эришганликларини, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини доимо яхшилаб бориш ишида нақадар катта ўсиш бўлганлигини кўрсатадилар.

Биз КПССнинг XXV съезди арафасида Совет Иттифоқидаги ўртоқларимизга янги-янги катта муваффақиятлар тилаймиз.

• • •

ПАРИЖ. «Франция — СССР» жамияти президентлик кенгашининг аъзоси Раймон Маркье Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ҳозирги дунё тақдири ва халқаро муносабатларнинг ривожланиши учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлишини барча тинчликсевар халқлар, шу жумладан француз халқи яхши билади, деди.

Совет Иттифоқи планетамизда тинчликнинг мустаҳкам таянчи эканлигига миллион-миллион оддий французлар каби менинг ҳам ишончим комил. Мен улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ялпи тинчлик, социал тараққиёт ва демократия учун, дунёдаги барча прогрессив кучларни бирлаштириш учун кураш йўлида тарихий бир босқич бўлиб қолишига ишонаман.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди жаҳон матбуотининг диққат марказида турибди. Газеталар бу жуда муҳим сиёсий воқеага бағишланган бош мақолани ва бошқа материалларни эълон қилмоқдалар. «Съезд Коммунистик жамият қуришни давом эттириш учун ҳам, шунингдек халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги кураш учун, халқаро Коммунистик ҳаракатни муваффақиятли ривожлантириш учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади», — деб таъкидлайди Прагадаги «Руде право» газетаси.

«КПСС съездининг аҳамияти бир мамлакат доираси билан чегараланиб қолмайди, унинг иши умумий, халқаро оҳанг касб этади.— деб ёзади Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси. — Биз Совет коммунистларининг анжумани ишини алоҳида марок билан кузатиб борамиз. Польша Бирлашган Ишчи партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мақсадлар ва вазифаларнинг тўла-тўкис ғоявий, сиёсий бирлиги туфайли бирлашгандирлар. ПБИП билан КПССнинг қардошлиги, Польша билан СССРнинг иттифоқи тобора мустаҳкамланмоқда. Улар ўртасидаги алоқалар тобора яқинлашиб, ҳамкорлик тобора чуқурлашиб бормоқда».

Берлиндаги «Юнге вельт» газетасининг фикрича, «КПССнинг партиявий съездлари Совет Иттифоқидан бошқа мамлакатлар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. КПССнинг тажрибаси замонамизнинг ҳамма уч асосий революцион оқими: социалистик ҳамдўстлик, коммунистик ва ишчилар ҳаракати, миллий озодлик курашини бойитмоқда. КПСС бўлмаса ҳозирги асрда рўй берган ўзгаришларни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмас эди».

Югославиядаги «Вечерне новости» газетасининг таъкидлаб ёзишига қараганда, ер куррасининг ҳамма жойларида Кремлнинг Съездлар Саройидаги ишларни синчиклаб кузатиб туришибди. «Энг қудратли социалистик давлатни идора қилаётган партия съездининг иши ва қарорлари бутун жаҳон жамоатчилигини жуда қизиқтирмоқда», — деб ёзади яна газета.

Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси КПССнинг XXV съездини «кейинги беш йил ичида Совет Иттифоқидаги энг катта сиёсий воқеа» деб атайди. КПССнинг XXIV съездидан кейин ўтган давр ичида кескинликни юмшатиш соҳасида олға томон катта қадам қўйилди, деб уқтиради газета. Европадаги кўпгина муаммолар ҳал этилди. Социализм дунёдаги ўз позицияларини янада кўпроқ мустаҳкамлаб олди, дейиш мумкин, деб ёзади газета.

Қардош социалистик мамлакатларнинг матбуоти Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 58 йиллигини кенг нишонлади.

Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корваланнинг жисмоний жиҳатдан йўқотиш хавфи тобора кучайиб бормоқда, деб хабар қилади «Юманите» газетаси.

Газеталар АҚШдаги «Жузъий сайловларни». Ангола Халқ Республикаси Португалия томонидан танилганлигини. Аргентинадаги кескин вазиятни шарҳловчи материалларни эълон қилганлар.

(ТАСС, 24 февраль).



ЯМАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Яман Халқ Демократик Республикаси — тараққиёт сари дадил интилаётган ёш араб давлатларидан бири. Яқинда бу ерда Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари Союзининг делегацияси меҳмон бўлди. Делегация аъзолари республика пойтахти — тоғ бағрига жойлашиб, денгизга туташган Аданнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Бир қанча вилоятларда бўлдилар. Турли муассасалар ходимлари билан учрашдилар. Суратларда: 1. Адан шаҳрининг кўриниши. 2. Автомобиль ҳайдовчилар. 3. Бинокорлар.

Ш. Туробов фотолари.

ПОРТУГАЛИЯ: СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

ЛИССАБОН, 24 февраль, (ТАСС). Бутун Португалия пойтахтида КПСС XXV съездига бағишланган фотокўргазма очилди. «Португалия — СССР» дўстлик жамияти ташкил этган бу кўргазмада СССРнинг тинчликсевар ленинча сиёсати, коммунизм қураётган совет халқининг буюк муваффақиятлари асосий мавзу қилиб олинган.

Шу кунларда жамият бундан бошқа тадбирларни ҳам ўтказмоқда. Сетубал шаҳрида ҳам Совет Иттифоқига бағишланган фотокўргазма очилди. Жамият активлари бутун мамлакат бўйлаб йиғилишлар ўтказмоқдалар, совет кишиларининг ҳаёти ва меҳнатини ҳикоя қилувчи, Совет давлатининг халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатлари ўрнатишга қаратилган ташқи сиёсатини тушунтирувчи лекция ва докладлар ўқимоқдалар.

ПЕКИНГА КИМЛАРНИ ЧОРЛАШГАН

Яқинда Ғарбий Германия телевидениеси ўз томошабинларига ғоятда жангари бир программа кўрсатди. Унинг экранида Хитой танк дивизиясининг маневрлари намойиш қилинди. Бу маневрларда Ғарбий Германиялик икки ашаддий антисоветчи — оппозициядаги арбоблари А. Дреггер билан В. Маркс «фахрий меҳмон»лар сифатида ҳозир бўлдилар. «Сизлар Хитой ҳарбий мускулларининг намойишига таклиф этилган ғарблик дастлабки сиёсатчиларни кўриб турибсизлар», деб эълон қилди диктор.

Хўш, нима учун маочилар айнан Дреггер билан Марксни Пекинга, шу жумладан ҳарбий машқларга таклиф қилиб қолдилар? Бу саволга жавоб қайтариш қийин эмас: Дреггер ГФРда советларга қарши йиғинларнинг ташкилотчиси, Москва шартномасининг мухолифи сифатида ном чиқарган бўлса, В. Маркс Европада кескинлик юмшатилишига ва Шарқий Европа мамлакатлари билан амалий алоқалар боғланишига қарши чиқиб танилган кишидир. Хуллас, шу икки киши Пекинда «орзиқиб кутилган меҳмон» бўлиш учун маочиларнинг дидига тўғри келадиган одамлардир. Шу аснода бошқа мамлакатлардан ҳам худди шу принцип бўйича меҳмонлар танланаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ғарбдаги мамлакатларнинг соғлом фикр юритувчи доиралари қўллаб-қувватламаётган ташқи сиёсатининг «назариялари» билан яккаланиб қолган Пекин у ерда реакцион мазҳабдаги арбобларни танлаб-танлаб иш олиб бормоқда.

Дреггер билан Маркс Пекинга келиб қолишган экан «Совет Иттифоқининг агрессивлиги» тўғрисидаги, Хельсинки шартномаси «СССРгагина фойдали эканлиги» тўғрисидаги, Совет Иттифоқи «Европада тинчликнинг асосий хавф-хатари эканлиги» тўғрисидаги ҳамманинг меъдасига теккан сафсаталарни яна бир карра такрорлаб, қуролланиш пойгасини кучайтиришга, Европанинг урушдан кейинги чегараларини қайтадан кўриб чиқишга гиж-гижлатувчи чақириқларни бошқатдан ишга солмасдан туриб бўлармиди! Хитой ташқи ишлар министри Цяо Гуань-Хуа ГФРдан изғиб келган икки киши шарафига ўтказилган қабул маросимида айни мана шу руҳда гапирди.

Пекинлик министр жаҳонда биринчи Германия социалистик давлати борлигидан, ГДР халқининг социалистик ғалабаларидан тамомила кўз юмиб антисоветчилик ва антисоциалистик платформадаги ҳамжиҳатлик борасида маочилар билан Бонндаги консерватив кучларнинг «муштарак манфаатлари» борлигини очиқдан-очиқ айтди. У ўзи айтмоқчи «Германия масаласини» ГФРнинг реакцион доиралари олға сураётган реваншчилик талабларига мувофиқ ГДРни ютиб юбориш асосида қайтадан кўриб чиқилишига даъват қилди ва бунда «бирлашган Германияга» Ғарбий Европада етакчи антисоветчи куч ролини бериб қўйди. Маочи ГФРдаги ашаддий реакцион ва реваншчи доираларни ўз ҳимоясига олди ва ҳаттоки уларни «Герман миллати» манфаатларининг ҳақиқий ифодачилари даражасигача чиқаришга уринди. У фашист жиноятчилар гуноҳини кечириб, Совет Иттифоқи гўё «Германиянинг бўлиниб туришини абадийлаштириш» мақсадида жўрттага уларни реваншизм ва фашизмда айбламоқда, деди.

Шу антикоммунистик ва антисоветчилик йўли ГФРда оппозицияда турган икки раҳбарга жуда ёқиб тушди. Дреггер ҳозирги дунёнинг воқеликларидан, БМТ аъзолари бўлмиш икки герман давлати мавжудлигидан кўз юмиб, маочилар билан бир ёқадан бош чиқарди. Бунинг устига Дреггер маочиларга жўр бўлиш билан бир маҳалда ҳам Хитой томонидан, ҳам Ғарбий Европа томонидан ҳаракат қилиб, аслида Совет Иттифоқини «исканжага олишга» даъват қилди. Шу мақсадда Ғарбий Европа Хитой билан «ҳарбий жиҳатдан бирлашиши» лозим, эмиш.

Маочининг Совет Иттифоқи ва ГДРга нисбатан бўҳтон гаплари Шпрингер матбуотида кенг кўламда ёритилаётганлиги эътиборга сазовордир. Шу матбуот вакили — «ди Вельт» газетасининг директори Г. Кремп Дреггер билан Марксга ҳамроҳ Ғарбий Германиялик журналистлар «сайланма группаси» составига кирган. Айни шу кунларда «ди Вельт» катта бир мақола бериб, унда Совет Иттифоқини «Хитой халқининг душмани» деб найрангбозлик қилди. Лекин бу ғирт ёлғон гап. Уни такрор-такрор гапирган билан ҳам барибир ҳақиқатга айланмайди. СССР Хитой билан муносабатларни нормаллаштириш учун, бундан ташқари Совет — Хитой дўстлигини тиклаш учун изчиллик билан доимо курашиб келаётганлиги яхши маълум. Бу сиёсат иккала халқнинг туб манфаатларига, тинчлик иши манфаатларига мос келган бўлур эди. Совет кишилари Хитой халқи билан Хитой халқининг манфаатларига хоинлик қилган Пекиндаги ҳозирги амалдорлар ўртасига ҳеч қачон тенглик ишорасини қўймаганликлари ва бундан кейин ҳам қўймасликлари маълум.

ХДС арбобларининг Пекинга қилган визити мақсади равшан: улар миллатчилик ва реваншчилик ғояларини Пекиндаги раҳбарлар оғзидан ҳам эшитиш, ўз ғоялари ҳеч бўлмаганда Пекинда қўллаб-қувватланаётганлигини кўриш, бундан реакцион матбуотда, сўнгра эса октябрь ойида бўладиган сайлов арафасида ГФРдаги ички сиёсий курашда фойдаланиб қолишдан иборат. Бу ерда Ғарбий Германия реакциясининг сайловга олиб келаётган программаси ГФРдан ташқарида ҳам тобора қаршиликка учраётганлигини айтиб ўтиш жоиз. ГФРнинг НАТО блокидаги бир қанча иттифоқчилари ҳам юмшоқ қилиб айтганда, бу программага тушинмаяптилар. Дреггер ва Маркс типидаги ўнг арбоблар ҳар ҳолда иттифоқчилари борлигини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган кўринадилар.

Пекиндаги раҳбарларнинг яна антисоветчилик, антикоммунистик жазавалари тутганлиги тасодифий эмас. Пекиннинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши кураш вазифаларига бўйсундирилиб, кескинлик юмшатилишини барбод этишга қаратилган ҳозирги сиёсати кетма-кет барбод бўлиб бораётган Хитойнинг ўзида эса ички кескинлик зўрайиб, Пекин юқори доираларида ҳокимият учун қаттиқ кураш кескинлашаётган ҳозирги вазиятда маочилар зўр бериб янги иттифоқчилар изламоқдалар. Улар ашаддий реакциянинг ҳар қандай намояндалари билан қўл олишишга, империализм олдида ҳар қандай таслимчиликка боришга тайёрдирлар.

А. ПЕТРОВ,
ТАСС обзорчиси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ШОНЛИ САНАЛАР ШАРАФИГА

◆ **ГАВАНА.** На фақат Кубада, балки бутун Лотин Америкасида энг катта Гавана балиқчилар портида 10 минг тонна балиқ маҳсулотлари сақланадиган холодильник жадал реконструкция қилинмоқда. У бундан 10 йил аввал Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилганди. Холодильник реконструкция этилиб бўлгач, шу улкан рефрижераторга 15 минг тоннагача маҳсулот сиғадиган бўлади.

Порт ишчилари, инженерлари ва техниклари билан ёнма-ён ишлаётган совет мутахассислари ўртасида КПССнинг XXV съезди ва Куба Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган 1 съезди шарафига социалистик мусобақа бошлаш тўғрисида бу ерда имзоланган шартномада иккала томон маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш, материал ва маблағларни тежаш, техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мажбуриятларини олдилар.

ГАЗ ҚУВУРИНИНГ ЯНГИ ТАРМОҒИ

◆ **ПРАГА.** Чехословакиялик қурувчилар СССР—Ғарбий Европа транзит газ қувури иккинчи тармоғини ётқизиб битказаяптилар. Биринчи тармоқдан Совет Иттифоқининг табиий гази ЧССР, ГДР, Австрия, ГФР, Италия ва Францияга юборилиб турибди.

400 километр узунликдаги трассани қуриш Чехословакияда олтинчи беш йилликнинг биринчи йили бўлмиш 1976 йилнинг энг муҳим қурилишларидан бири деб эълон қилинди.

БЎЗ ЕРГА ҲУЖУМ

◆ **УЛАН-БАТОР.** МХР қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари бўз ерга ҳужум қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар олтинчи беш йилликда 230 минг гектар бўз ерни ўзлаштириб, экин майдонини миллион гектаргача етказишлари керак.

Марказий, Селенга, Хэнтэй ва Булган аймоқларида 11 та янги юксак даражада механизациялаштирилган давлат хўжаликларини барпо этиш мўлжалланади. Шулардан бештаси Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилади.

ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯ ЙЎЛИДА

◆ **БУДАПЕШТ.** Ўтган беш йиллик ичида Венгрияда транспорт воситаларини ишлаб чиқариш икки ярим баравар кўпайди. Транспорт машинасозлигини ривожлантириш суръатлари бошқа соҳалардагидан бир неча баравар юқори бўлди.

ВХР транспорт машинасозлиги корхоналарининг маҳсулотлари Совет Иттифоқида айниқса яхши маълум. Совет Иттифоқининг ўнлаб шаҳарлари кўчаларида қатнаётган «Икарус» автобусларидан ташқари Венгрия ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида СССРга автобусларнинг орт мостларини ҳам юбориб туради. Ликино ва Львов шаҳарларидаги заводларда тайёрланаётган автобусларга шу мостлар қўйилмоқда. Ўтган беш йилликда СССРда тайёрлаб чиқарилган кўпчилик автобуслар шу узеллар билан таъминланди. (ТАСС).

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

◆ **УСТЬ-ИЛИМСК** (Иркутск области), 24. **ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ УСТЬ-ИЛИМСК ГЭСИНИНГ САККИЗИНЧИ АГРЕГАТИ МУДДАТИДАН БИР ОЙ ИЛГАРИ САНОАТ УЧУН ТОК БЕРА БОШЛАДИ.** Бу агрегат ишга туширилгач, Ангарадаги учинчи гидростанциянинг қуввати 1920 минг киловаттга етди. Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишининг коллективи КПСС XXV съезди шарафига олган мажбуриятини бажарди. «БратскГЭСстрой» қурувчилари ва монтажчилари шу йил охиригача Усть-Илимск ГЭСида яна учта гидроагрегатни ишга туширишга қарор бердилар.

◆ **ШЕВЧЕНКО, 24. БУГУН МАНҒИШЛОҚ ОБЛАСТИДА ШУ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ КУЧЛИ ГАЗ ФОНТАНИ ОТИЛИБ ЧИҚДИ.** Бу фонтан Қаламқас деган жойдаги янги разведка майдонида салкам 600 метр чуқурликдан чиқди. Шу тариқа Қозоғистон геологларининг Бузачи ярим ороли атрофида унчалик чуқур бўлмаган катта геологик структура замирида газ борлиги тўғрисидаги тахмини тасдиқланди.

◆ **ЖИТОМИР, 24. ЖИТОМИР АВТОМАТ СТАНОКЛАР ЗАВОДИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ КПСС XXV СЪЕЗДИ ОЧИЛГАН КУННИ ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН НИШОНЛАДИ.** Бугун бу ерда ғолт серунум токарлик автоматларининг биринчи саноат туркуми тайёрлаб бўлинди. КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ қурилган ёш корхона кўп шпинделли токарлик автоматларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади. Бу автоматлар автомобиль, трактор саноатида, подшипник ишлаб чиқарадиган заводларда жуда қўл келади.

◆ **ГОРЬКИЙ, 24. «КРАСНОЕ СОРМОВО» ЗАВОДИ БУГУН «ДАРЁ-ДЕНГИЗ» КЛАССИДАГИ ҚУРУҚ ЮК ТАШИЙДИГАН ТЕПЛОХОДНИ БУ ЙИЛ БИРИНЧИ МАРТА СУВГА ТУШИРДИ.** Капитан рубкасига беш қиррали давлат Сифат белгиси ўрнатилди. Бу кема алоҳида графикка мувофиқ ясалди: У КПСС XXV съезди шарафига бошланган зарбдор меҳнат вахтаси кунлари қурилди, бу ерда ҳамма ишлар жадал суръатлар билан олиб борилди. Янги теплоходга «Ўнинчи беш йиллик» номи берилди.

◆ **АШХОБОД, 24. ТУРКМАНИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТЧИЛАРИ БУГУН ЕРЛАРНИ БАҲОРГИ ЭКИНЛАР ВА ПАХТА ЭКИШГА ТАЙЁРЛАБ БЎЛДИЛАР.** Деярли 600 минг гектар ер ҳайдаб қўйилди. Қорақум чўлида ва республиканинг шимолида неча минг гектарлаб қўриқ ерлар қишлоқ хўжалик оборотига қўшилди. Бу ерларга Амударёдан ва Қорақум дарёсидан каналлар қазиб келтирилди. Чигит ташланадиган ерларга яхоб берила бошланди.

◆ **ТЮМЕНЬ, 24. ТЮМЕНЬ ГЕОЛОГЛАРИ ПАРТИЯ СЪЕЗДИ ИШ БОШЛАГАН БИРИНЧИ КУННИ ЯНГИ ГАЗ КОНИНИ ОЧИШ БИЛАН НИШОНЛАДИЛАР.** Бугун янги майдондаги 101-нон қудуқни синаш вақтида 1070 метр чуқурликдан суткасига 1 миллион куб метр ёнилғи бера оладиган биринчи газ фонтани отила бошлади.

◆ **СЕВАН** (Арманистон ССР), 24. **БУГУН АРМАНИСТОННИНГ ЭНГ БАЛАНД ТОҒЛАРИДАГИ ИККИ РАЙОН АҲОЛИСИ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ КРЕМЛЬ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДАН БЕРГАН КЎРСАТУВИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ.** Бу ерда учта янги радиореле станцияси муддатидан бир ой барвақт ишга туширилди.

◆ **ЙОШКАР-ОЛА, 24. БУГУН ЙОШКАР-ОЛА — ТАБАШИНО — ЯРАНСК ОРАЛИҒИДАГИ ЯНГИ ПЎЛАТ ЙЎЛДА МУНТАЗАМ ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ БОШЛАНДИ.** Энди Мари Автоном Республикаси ўзининг шимоли — шарқий қўшниси — Киров области билан автомобиль магистрали, «осмон кўприги» орқалигина эмас, темир йўл орқали ҳам алоқа боғлади.

(ТАСС).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Р.—03220. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64634. В. 2495.